

1983

W

ГУЛИСТОН
1-6
1983



ЯГОНА ОИЛА ТУЙҒУСИ



БЕШ ЙИЛГИК
РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

ГБ УзССР
Ж 86109

Ўзбекистон меҳнаткашлари Иттифоқимиз миқёсидаги улкан ишларда ҳамisha фаол қатнашмоқдалар. Дўстлик, қардошлиқ ва интернационализм аънаналарига содиқ бўлган республикамиз фарзандлари Ғарбий Сибирь Нефть-газ комплекси қурилишида ҳам актив иштирок этмоқда. Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги ҳузурда тўзилган Тюмендаги Ўзбекистон йўл қурилиш трестининг бир ярим минг кишилик коллектив учинчи йилдирки, Ғарбий Сибирда янги нефть конларига олиб борувчи 180 километрлик автомагистраль йўли бунёд этмоқда.

Мазкур сатрлар муаллифи Ғарбий Сибирда бўлиб, республикамиз йўлсозлари амалга ошираётган ишлар билан ақидан танишди, улар билан суҳбатлашди. Қўйида шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ғарбий Сибирь бугунги кунда мамлакатимизнинг қан қурилишлар майдонига айланган. Автомагистраль йўллари худди ҳаёт қон томирлари сингари йўлнинг тобора ичкарисига кириб бормоқда. Бу ерларда тез орада ишчи посёлкалари, нефтни қайта ишлайдиган корхоналар қад кўтарди, неча-неча ерлардан бери ҳувиллаб ётган тайгада тўлақонли ёт гуржирайди. Нефть қазиб олишда ишлатилadи- н ускуналар ва механизмлари, бинокорлик мате-

риалларини тегишли манзилларга етказиб бериш учун биринчи навбатда йўл зарур. Ана шундай автомагистраль йўлларнинг бирини республикамиз вакиллари бунёд этмоқдалар.

Юртдошларимизнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик, умумхалқ қурилишида актив қатнашаётганлигидан фахрлини туйғуси ҳақида гапирди.

Алиқул Райимқулов, «Ўзбекистон — Тюмень йўл қурилиш» трести 2-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи:

— Республикамиз йўл қурувчилари Ғарбий Сибирда автомагистраль барпо этишга киришганларини эшитганимда ички бир куч ва ҳаяжон билан уларнинг сафига интилдим. Тюмень областига отланганимни эшитган танишларимнинг баъзилари ҳайрон бўлишди. Чунки ўзим туғилиб ўсган Пойарик районидан мен учун ҳамма шароит муҳайё эди: боғ-роғли ҳовлим, мол-ҳолим бўлиб, топиш-тутишим ҳам чакки эмасди. Кўп йиллар Пойарик район Қишлоқ хўжалик техника бошқармасида қилангар бўлиб ишладим. Кейин эса йўл қуриш бошқармасида шофёрлик қилдим, йўл қурувчиларни ўргандим. Мени Тюмень заминига даъват этган туйғу бўлакча эди: белеён мамлакатимизни жуда катта оилага, катта рўзгорга ўхшатаман. Оилага, рўзгорга эса ҳамма нарса — дон-дун, пахта, ноз-неъмат, кийим-кечак, мебель, ёқилғи... ниҳоятда зарур. Ана шу катта оила ва бу оиланинг қардош мамлакатлардаги дўстларининг нефть ва газга эҳтиёжи тобора кучайиб бораётган экан, мен ҳам улғу оиланинг бир аъзоси сифатида ана шу талаб-эҳтиёжини тўлароқ қондиршга ҳисса қўйишим лозим эди. Ягона оила туйғусини бутун вужудим билан туйсаг, у юрагингни нурга тўлдириб, ҳамisha зағуликча даъват этаркан.

Тўғри, тайга шароитида йўл қуриш осон эмас. Бу ерда баъзан бир неча кунлаб худди челақдан сув куйгандек ёмғир қуяди. Қишда эса совуқ қаҳри 40 даражадан ошади. Ана шундай шароитда янги конлар сари ойнадек текис йўл қуряпмиз. Негаки, ҳали айтганимдек, катта оила кўпроқ нефть, газ етказиб берилишини кутиб турибди. Шундай шарафли масъулият олдида қийинчиликлар чўт эмас. Бошқа томондан одам ўзлигини ҳам синаб кўриши керак-ку, ахир!

Муким Собиров, 2-йўл қуриш бошқармасининг механиги, коммунистик меҳнат зарбдори:

— Ҳали 10-синфда ўқиб юрган кезлардаёқ БАМ, КамАЗ, Атомшаф каби зарбдор объектларни комсомол-ёшлар қураётганлигини эшитиб, уларга ҳавасим келарди. Ана шундай ёшлар сафиде бўлишни орзу қилардим. Совет Армияси сафидан қайтганимдан сўнг олти йил давомида Урта Осий сув иншоотлари ва совхозлар қурилиши Бош бошқармасининг сув иншоотларини монтаж қилиш трестиде шофёр бўлиб ишлаб, Мирзачўл, Қарши даштларидаги қурилишларга темир-бетон конструкциялар, ускуналар етказиб берардик. Ана шу йиллар давомида Қарши даштида қўллаб-насос станциялари, каналлар барпо этилди. Республикамиз йўл қурувчилари Ғарбий Сибирь комплекси қурилишига отланганимда ёшликдаги орзум янгиланди. Таниш-билишларимдан баъзилари: «Шу ерда тинчгина ишлаб юрармизми», тайганинг совуғига чидаб бўларканми?», дейишди ҳам. Аслида, қийинчиликларни енга олганимиздегина кўзлаган мақсадимизга эришамиз. Қарши даштида 40 даражадан ортиқ иссиқча ишлаган бўлсак, Ғарбий Сибирда аксинча, қаттиқ совуқни, ботқоқликларни енгилшга тўғри келмоқда.

Бу ерга 1981 йилнинг март ойида келган бўлсам, даярли бир ярим йил давомида қудратли «КРАЗ» машинасини бошқариб, йўл қурилишига тош-шағал, қум ва бошқа материалларни етказиб бердим. Автомагистраль ҳавзасидан қазиб чиқарилган тупроқни ташиб билан банд бўлдим. Ўз машинамдан унумли фойдаланганим, план-топириқларни доимо бажарганимни учун суратим трест «Хурмат тахтасидан ўрин олди. Бу — мен учун катта эътибор! Иш ҳажми кенгайиб, 2-йўл қуриш бошқармаси ташкил этилган, зиммамга механиклик вазифаси юкланди. Ҳозирги пайтда техника воситаларининг доимо ишга шай бўлишига бош-қош бўлаётган бўлсам, укам — Қуддус Собиров «КРАЗ»да йўл қурилишига турли материалларни етказиб бермоқда. Яна икки укам —

Муслим ва Топшўлат Собировлар ҳам йўл қурилишида фаол қатнашмоқдалар. Укаларимнинг йўлсозларимиз сафига қўшилишида менинг уларга дэъватим туртки бўлди. Тўрт ака-ука умумхалқ қурилишида қатнашаётганлигимиздан бахтиёримиз.

Валерий Афанасьев, 1-йўл қуриш бошқармасининг бўльдозерчиси:

— Тюмень областига Ўзбекистон йўл қурувчилари билан бирга келганлигим билан фахрланаман. Бунгача ўн олти йил давомида Чорвоқ ГЭСи қурилиши бошқармасида токар, слесарь, бўльдозерчи бўлиб ишлаб, анча тажриба ортингар эдим. Ҳозир мен билан бир бўльдозерда сменадош бўлиб ишлаётган Михаил Кольцев ҳам Хўжакент, Чорвоқ, Ғазалкент ГЭСлари қурилишида қатнашиб, учинчи даражели «Меҳнат Шўхрати» ордени, қўллаб медаллар билан мукофотланган. Тюменде йўл қурилишда сафиде илгари Чорвоқ ГЭСи қурилиш бошқармасида ишлаган ҳамкасбларимиз анчагина. Бўльдозерчи Виктор Поповцев, комплекс бригада бошлиғи Василий Харьченко, автокранчи Павел Колосинцин ана шулар жумласидандир.

Дастлабки пайтларда плита ётқизувчилар ва гидромеханизаторлар алоҳида-алоҳида наряд бўйича ишлаб, бир қатор қийинчиликларга дуч келдилар. Чунки табиий равишда ҳар ким фақат ўзининг иши ҳақида ўйларди. Бунда участкадаги ишни кўзланган даражада мувофиқлаштириб туришининг имконияти бўлмади. Бунга барҳам бериш мақсадида дастлаб бизнинг бошқармада, кейинчалик трестнинг барча бўлинуларида ягона наряд асосида ишлайдиган комплекс бригадалар тўзилди. Бўльдозерчи, экскаваторчи, грейдерчилар плита ётқизувчилар бригадаси билан бирлаштирилди, ишни комплекс тарзда олиб бориш йўлга қўйилди. Йўл қурилишида бригада пурати жорий этилди. Эндиликда бригадаларда ҳар бир гидромеханизаторнинг, йўлсознинг меҳнати участкадаги иш ҳажмига кўра мувофиқлаштириб боришмоқда. Натижад меҳнат унумдорлиги ошди. Бу эса ҳар биримизнинг моддий манфаъдорлигимизни кўзда тутади.

Яқинда Совет Армияси сафиде бирга хизмат қилган, Могилов областидаги шаҳарчалардан биринда истиқомат қилувчи дўстимдан хат олдим. У ўз мактубида шаҳарчаларига табиий ҳаёт келтирилганлигини, бу эса турмушларини анад фаровон қилганлигини қувона-қувона ёзди. Унинг гўлқилиниб битган мактубини ўқиганнимда Ғарбий Сибирь қурилишида қатнашаётганлигидан фахрлиниб қўйдим. Бутун мамлакатимизнинг вакиллари ягона мақсад йўлида интилаётгани кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди...

Ҳа, Тюмендаги Ўзбекистон йўл қурилиш трестиде қаҳрамонча меҳнат қилаётганларнинг ҳаммаси ана шундай фидойи ватанпарварлардир. Юртдошларимиз 1981 йилда 10 миллион сўмликдан ортиқ иш бажаришга, 20 километр узунликдаги автомагистраль йўлини фойдаланишга топширишга муваффақ бўлдилар. 1982 йили эса 20 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштириб, 40 километр узунликдаги йўлни фойдаланишга топширдилар. Шунингдек, Нағана-Юган ва Хугот дорлари устига темир-бетон конструкцияларидан икита кўприк ҳам қуриб битказилди. Трест йўлсозлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида 25—26 миллион сўмлик ишни бажаришга аҳд қилганлар.

«Республиканинг ёшларининг асримиз энг катта қурилишларида — Тюмень нефть-газ ресурсларини ўзлаштиришда ва БАМ қурилишида шахсан қатнашиш иштиёқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак», деган эди уртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга учинчи марта Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанавда сўзлаган нутқида. — Бу граждонлик, интернационал тарбиянинг ажойиб мактаби бўлади».

Дарҳақиқат, улкан иншоот қурилишида қатнашаётган ҳамюртларимиз ягона оила туйғуси билан матонатли меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳам зарур йўл қурилишларида фаол қатнашиш билан улкан тарихий қурилиш Уренгой — Помарь — Ужгород газ трассаси қурилишининг ўз муддатиде бажарилишига интилоқдалар.

Тюмень — Ташкент

Суннатилла САЙДАЛИЕВ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадиий журнали

№ 1 (395)

Январь

1983

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти



Наманганлик Камолжон ТУРҒУНОВ — Сталинград жангининг баҳодирларидан бири. Ун бир миллат вакилидан иборат 23 жангчи 58 кун давомида машҳур «Павлов уйи»ни қаҳрамонларча ҳимоя қилдилар. Уларнинг номи мармар лавҳага мангуликка ўйиб ёзилган. Суратда: «Павлов уйи»нинг ҳимоячиларидан бири паҳлавон Камолжон ТУРҒУНОВ ўзининг номи ёзилган мармар лавҳа ёнида.

П. ВОРОНИН фотоси
[«Правда» газетаси]

ЖАСОРАТ ҚЎШИҒИ

ЖУРНАЛИСТ ЕН ДАФТАРИДАН

— Болагинам келиб қолармикан!
— Естиқдошим — Усмон акамини ҳамон кутаман...
Қаҳрамон шаҳар Волгоград тупроғига қадам қўйишим билан тошкентлик қўшнилариим Хайри момо ва Мавжуда опанинг умидвор овозларини эшитгандек бўлдим. Назаримда, Хайри момонинг ўғлига, Мавжуда опанинг севгиллисига соғинчини ҳис қилгандек, вужудимни ҳаяжон қамрайди.

«Ўғлим сўнгги марта Сталинграддан хат ёзган эди», «Усмон акам Волга бўйида жанг қилган эдилар». Мен бу сўзлар замиридаги дарду аламини ҳозир юрак-юрақдан чуқур ҳис этиб турибман. Шаҳар кўчаларидан бораялману ҳар қадам қўйганимда тупроқдан садо чиқаётгандек туюлади. Хайри момонинг ўғли ҳув майсазор ўрнида жанг қилгандир. Усмон аканинг муқаддас қони балки шу ерда тўкилгандир, деб атрофга қарайман. Атрофга эса чаман гуллар, сарвқомат дарахтлар, кўкўпар бинолар, Сталинград жанги хотираси учун қўйилган мустақкам, салобатли ёдгорликлар...

...Москва остоналарида қақшатқич зарбага учраган гитлерчилар армияси Сталинградга катта куч, беқиёс ҳарбий техника билан ҳужум қилди. Шаҳарни олиб Шарққа қадам қўймоқчи бўлди. Йўқ, халқ жасорати, армиямиз қудрати, қўмондонлар салоҳияти Ватанин ҳимоя қилишга қодир эканлигини кўрсатди. Бизнинг социалистик саноатимиз Қизил Армияга етарли даражада қурол-яроғ етказиб бера олди. Қишлоқ хў-

жалигимиз эса бутун мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлай олди. Совет кишиларининг метин ирода-си, она-Ватанга муҳаббати, дўстлиги энг қудратли куч касб этди.

«...Биз Сталинград фронтига серқуёш Ўзбекистон-

линградни бермасак, Тошкентда яхши яшаймиз... Улсак ўламизки, аммо фашистларни бир қадам ҳам олға силжитмаймиз».

Ўзбекистон халқи куч ва қурол билангина эмас, маблағ билан ҳам Сталинград фронтига катта ёрдам берди. 1942 йилнинг ўзнда мудофаа фондига 58 миллион сўм пул, 3 минг центнер галла, 2 минг 190 центнер гўшт, 2 минг кило жун, 18 минг 500 та пўстин юборди. Ўзбек ёзувчилари, санъаткорлари Сталинград фронтига ўзбек халқининг оташин саломини, илҳомбахш шеър-қўшиқларини олиб бордилар.

Сталинград жанги олти ярим ой мобайнида кечаю кундуз давом этди. Ҳар бир қарич ер учун қаттиқ жанг кетди. Душман бундай қатъиятга ҳеч қачон, ҳеч қаерда дуч келмаганди. Ахир, душман Брюссель, Париж, Варшава каби катта шаҳарларни ҳам осонгина ўн-йигирма кун ичида босиб олаверганди. Лекин Сталинград мудофаачилари бўш келмадилар. Душман чекинишга мажбур бўлди. Шу ерда фашизм техникасига дарз кетди, босқинчилар юрагига ваҳима тушди. 1943 йил 2 февралда гитлерчилар Армияси Сталинград тупроғидан 200—250 километр нарига улуктириб ташланди. Сталинград жанги маҳдон ҳарбий тарихида тенги йўқ афсонавий ғалаба бўлиб қолди.

...Узоқ-узоқлардан кўриниб турган оёл ҳайнали томон ошикман. Мамай кўрғонин узра қад ростлаган бу улугвор ҳайкалга «Она Ватан чорла йди» деб ном

Сталинград
жангининг
40 йиллиги

дан келиб қўшилди, — деб ёзишганди ўзбек жангчилари ўшанда. — Оталаримиз, оналаримиз, фарзандларимиз: «Қаерда жанг қилишингиздан қатъи назар, душманга бешафқат бўлинглар», деб бизга қаттиқ тайинлашган. Сталинградни ҳимоя қила туриб Ўзбекистонни ҳимоя қилаётганимизни тушунамиз. Ста-

Берлин. Унинг қўлида қилчи, фарзандларни ҳимоя қилишга ҳамisha тайёр. Кучга, жасоратга тўлиб, шамоллар қаршичилигини енгиб олдинга интилган бу аёл тинимсиз Ватанимиз қудратни, Ватанимиз меҳр-шафқатини намойиш бўлиб кўринади...

Мамай кўрғони сари борарканман, икки ёндаги деворлар тилга киради. Деворларда жанг тасвири ва қаҳрамонлар қони билан сўнгги нафасда ёзилган муқаддас сўзлар... Шу пайт девор ортидан отишмалар овози, снарядлар чийиллаши эшитилади. Каердадир «Урра!» садолари янграйди. Атрофини Левитанининг салобатли овози тутайди: «Москвадан гапирамиз. Совинформбюро ахборотини эшиттирамиз. Сталинградда бизнинг қўшинларимиз ҳар бир кўча, ҳар бир уйни кўз қорачиғидек мудофаа қилмоқдалар...»

Левитанининг овози узоқлашади. Биз кўрғон ичкарисига, худди окопа ўхшаган залга кириб келамиз. Бу ерда инсон қўлга ҳайкал ўрнатилган. Одам бўйи баробар қўли У мангу олов тутиб турибди. Мотам садолари... Шунда Хайри момо ва Мавжуда оналарнинг қалб иҳодларини қайтадан тингаламиз деган бўлам. Бўйинларига қизил жалстук таққан пионерлар фазрий қоровуликда қотиб турибдилар. Деворда эса фамилиялар, фамилиялар, фамилиялар... Уларни на ўқиб улгуриш, на санаб санамоғига етиш мумкин. Мен минглаб турли миллат номлари орасидан ўзбек йигитлари фамилияларини ўқийман. Болтаев Б., Отажонов С., Хожиматов Т., Жуманов К., Аҳмаджанов Н., Нурмухамедов Б... Улар жуда кўп... Хайри момо ва Мавжуда опа айтган фамилияларини излаб кўзларим тинади. Ахир, булар орасида номзудлар кетганлар қанча! Ушанда Волга бўйидаги қақшатқич жангларда Ўзбекистондан 200 мингдан ортиқ киши қатнашган. Уларнинг кўпчилиги бугун мангу уйқуда. Менинг ватандошларимдан қилларнингидир ўғли, қилларнингидир акаси ё укаси, қилларнингидир вафодор ёри шу азиз тупроққа кўмилган. Уларнинг руҳига тазим қиламиз.

«Сталинград! Унинг остоналарида кечган қонли кунлар миямга бир умр михланиб қолган,— деб эслайди Сталинград жангидеги шитроқ этиб, икки кўздан ажраган ўзбек жангчиси, эндиликда таниқли бўзучи Вали Фағуров.— Тарихда бундай беомон жанг, бунчалар шарофатли ғалаба бўлмаган чикар! Бу жанг авлодлар хотирида мангу сақланиб қолажак...»

Сталинград жангидеги шитроқ этган ўзбек қизи А. Азаматова ҳақида фронт газеталарида ўқиганман. У шу ерда орден билан мукофотланган, комсомолга қабул қилинган. Унинг укаси Иброҳимжон Азаматов шу ерда ҳалок бўлган...

Ана у ерда эса «Муслибат» монументи қад кўтарган. Халок бўлган ўғлининг азия ботиши узра зиганган ғамик муштларни она. Бу монумент пойида тиниқ суз жимирлаб турибди. Бу суз эмас, онанинг кўз ёшлари...

Замин қаъридан ўсиб чиққандай кўкси билан ёв йўлга қалқон бўлган жангчи сиймоси «Сўнгги нафасгача» деб аталган монументда ака этган. Йигитнинг қабақчи мускулларидан куч, ҳечрасидан ғазаб ёқилди. Едгорликларнинг ани биринда пахлашон жангчи кучли кўплари билан аждаҳдон улқотириб ташламоқда. Биринда ҳозиргина ҳалок бўлган дўсти учун қасос олишга чоғланган жасур йигит сиймоси. Ана биринда елкасига ярадор жангчинини оличлаган инҳолнига ҳамшира қизининг жасоратли қиёфаси.

Мамай кўрғони этаклари қайинзорга туташиб кетган. Бу қайинзорнинг ниҳолларини 1965 йилда ўғлидан айрилган оналар, эримдан жудо бўлган аёллар, отасини йўқотган фарзандлар экишган. Уша қайинлар бўйин улкан дарэхтларга айланган. Кексалар қайинлар соясида кўшлар чўғурини тинглаб ҳордиқ чиқарадилар, болалар эса, шўх ўйнаб кўнайдилар.

Волга дарёси соқин оқайди. Биз «Москва» теплоходиде Волга бўйлаб сайр этамиз. Бу теплоход билан Москва, Ленинград, Қозон, Горький шаҳарларигача сузб борса бўлади. Улкан Волга бўйлариде ГЭСлар қад ростланган. Ҳар йили неча ўн миллилард киловатт-соат электр энергияси берадиган ГЭСлар...

Дарё бўйида барнамол Волгоград шаҳри етимши километрик масофада ястаниб ётибди. Бу ерда ҳар қилчи ўн бир минг оила ҳовли тўйим ўтказайди. Унверситет ва институтларда, маданият саройлари, театр, боғча, мактаблар, санаят корхоналарида тинч ҳаёт давом этади.

Ана, Волгоград бугдойзорлари. Ҳар йили 10 миллион тонна дон етиштирилади бу ерда. Волгоград области улкан ютуқлари учун икки марта Ленин ордени билан мукофотланди. Шаҳарга эса Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасорати учун Қаҳрамон шаҳар унвони берилди.

«Сталинград — қўш шаҳри, қаҳрамонлик тинимсози бўлиб қолмиш керак. Биноларини кўшига қаратиб, Волга дарёси маълумлари кўриниб турадиган қилчи қириш, гўзал ва мустаҳкам шаҳар яратуш, уни халқ зўратгоҳига айлантириш керак»,— деган эди Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин 1943 йилда. Мана бугун Волгоград чиндан ҳам қўш шаҳри, қаҳрамонлик тинимсози, дўстлик шаҳри, ирқин индустриал марказ сифатида дунё эътиборига сазовордир.

Дарё бўйлаб қўшчи таралади. Булар бахт ва жасорат, тинчлик ҳақидаги ўлмас қўшчилардир.

Санъат МАҲМУДОВА

ҲАЁТБАХШ ҚЎЛЛАР

Шаҳар осуда. Кўчаларда транспорт ҳаракати тинган. Ҳамма ором олмақда. Аммо биргина уйдан чиқиб ўтмайди. Кун билан оғир операцияни ўтказиб уйга қайтган профессор хонасида диванга ёнбошлаганича мижага қоқмайди. Унинг қўлидаги қалам ва қоғознинг шитири ҳисобга олинмас, хона деярли жимжит. У хатларга жавоб йўллайпти. Э-ҳе, стол устида сон-саноксиз мактублар. Уларнинг ҳаммаси ҳам профессорга билдирилган дил ташаккурлари...

Профессор қўлидаги мактубларни бир четга олиб қўйиб, энди нигоҳини газетанинг бугунги сонига қаратади. Шу пайт телефон жиринглаб Мирзабек ақанинг ҳавлини бўлди. Трубкадан навбатчи ҳамшира қизининг ҳажонланган бўғиқ овози эшитилди:

— Мирзабек Дўстмуродович, беморнинг аҳоли яна оғирлашди.

— Мен айтгандай чора кўрдингизми?

— Худди шундай.

— Ҳозир етиб бораман.

Мирзабек ака уйдан чиқиб кетганда бутун борлик соқин мудради, осмон гардишида сон-саноксиз юлдашлар милтилдилар. Профессор касалхонага етиб келди-ю, дарҳол беморни қайтадан операцияга ётқизди. Операция олти соат давом этди. Ҳаётдан кўз юмаётган беморнинг соғлиги учун шифокорлар оёқда туриб, тунни тонгга улашди. Автомобиль ҳалокати туфайли клиникага тушган йигитнинг миясига иккинчи марта қон қўйилиб, тўланиб қолган. Операция қанчалик мураккаб бўлмасин, бемор миясиде тўланиб қолган қони эътиётлики билан олиб ташлаш, унинг илгариги табиийлигини тиклаш зарур эди. Бемор кўп қон йўқотган, беҳуш. Устига-устак миани бир вақтининг ўзиде икки томонлама операция қилиш керак эди. Бу медицинада камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди.

Улим билан олишув бу гал ҳам узоққа чўзилди. Беморга қайта-қайта қон қўйилди. Синган суяклар қайтадан уланиб, тери тикиб қўйилди. Профессор пешанасидеги бир сидра териб рўмолчаси билан артар экан, ҳорғин юзларини ассистентлар томон буриб маъноли қаради. Бу — операция муваффақияти тугатилганидан далолат берарди. Улар операция хонасидан қўчиб келишганда ташқариде уфқ ёришиб кетган, кўча ҳаракатлари авж олган эди. Мирзабек ака хонасидеги дерезани талп очиб тоза ҳаводан чуқур нафас олди. Оҳиста диванга ёнбошлар экан, дарэхтдан-дарэхтга учиб кўнаётган кўшлар чўғури бир дақиқалик оромига ваъз айтётгандек эди. Аммо у ўз умрини сарҳисоб этаётгандек, босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлаётгандек чуқур хаёлга ботганди.

«Йигирма бешинчи йиллар... Қишлоққа-қишлоқ изғиб юрган босмачилар уйларга ўт қўярди, халқни талаб кетарди. Айнақс, босмачилар Бекободнинг Куччи қишлоғи ақиндаги тоғ бағрига уя қуриб, қишлоққа тўсатдан бостириб кирар, уларни талон-тарож қилар, шўрога ёлланганларни отиб ўлдирар ёки оиласи билан халқнинг кўзиде ёқиб юборар эди. Мирзабекнинг отаси Дўстмурод акалар яширинган қулбага қишлоқ активлари тез-тез кириб чиқшилар эди. Улар босмачиларнинг сўнгги қолдиқларини тугатиш учун мураккаб операция режаларини тузиб, зарба беришга ҳозирланарди.

Бироқ улар кенгаш ўтказётган хилватгоҳини босмачилар сезиб қолиб, ҳужум бошлади. Отишма узоқ давом этди. Қанча-қанча босмачиларга қирон келган бўлса-да, уларнинг кучи ўн баробар ортиқлиги туфайли ҳовли-жойни кўп ўтмай босиб олишди. Бир қанча активлари ёвузларга отиб ташлашди. Дўстмурод акани эса қўрбошига тортиқ қилиш учун тоққа олиб жўнадилар. Йўл чангалзор орқали тоққа кўтариларди. Бирдан тунги чангалзордан чиққан ўқ овозлари босмачиларни додиратиб қўйди. Шу орада Дўстмурод акани юкляб келётган босмачи ҳам ер тиллади. Дўстмурод ака узини отдан ташлаб, пастиликка дуналяб кетди. Отишма узоқ давом этди. Машўум тўда кўп куч йўқотиб, тоққа қочди. Уша куни Дўстмурод акани кўтариб олган унинг дўстлари эди. Қизил Армия етиб келди. Тоғда қўрбошининг сўнгги галаси ҳам тугатилди. Халқ тинч, осойишта яшай бошлади. Колхоз ташкил этилиб, Дўстмурод ака колхозлаштириш ишларига бош-қош бўлди. Оран дўр вақт ўтмай, Дўстмурод ака узоқ ётиб, оғир касалликдан қолди қизди. Бузилол она учу норасидаси билан тул қолди. Ушанда ёшгина Мирзабек эндигина эс-ҳўшини танган ўспирин эди. Уша — олдидан

жудо этган касаллик туфайлими, ўспириннинг кўнлида қишлар саломатлиги йўлида хизмат қилиш мақсади пайдо бўлди...

«Ҳадемай кун ёйилиб кетди. Мирзабек Дўстмуродовичнинг бугунги кун иш режасиде жудо мураккаб операция бор эди. Операцияни кечкиртмай бўлмасди. Кеча келтирилган, хали ўн гулидан бир гули очилмаган йигирма олти ёшли йигит бир неча муддатлик оромдан сўнг зудлик билан операцияга столга ётқизилди. Ҳаёт хавфи ҳисобланган дард билан профессор мардонавор олишди. Бемор миясининг тағида ўсма пайдо бўлган, натижада унинг ўзи кўнма қўрмай қолган эди. Агар зудлик билан операция қиллинмас, ўсма катталашиб чап кўзининг кўриш қаналларини ҳам тўсиб қўяр эди. Узоқ давом этган операция ва профессорнинг маҳорати натижасиде бемор миясидеги ўсма олиб ташланди.

Мирзабек Дўстмуродовичнинг республикада биринчи бўлиб амалга оширган бундай мураккаб операцияси муваффақиятли аяқланди. Операциядан кейин бемор ўзини яхши ҳис эта бошлади...

У 1952 йили Душанбе медицина институтининг даволаш факультетини тугаллаб, шу институт хирургия кафедрасиде ишлаб юрган кезларида ҳам, аспирантурада ўқиган даврида ҳам, Андижон медицина институтидеги фаолиятида ҳам мураккаб операцияларни амалга ошириб, минглаб кишиларни ўлим чағалидан қутқазиб қолган эди. Шу билан бирга Андижон медицина институти ортопедия ва травматология кафедрасининг мудри сифатида Мирзабек Дўстмуродович табобат илмининг назарий ва амалий муаммоларини ҳал этишда сабот-мадонат билан меҳнат қилди. Унинг «Бош миядеги эхиноккоккоз касаллигини даволаш йўллари» темасиде ёзган кендидалик диссертацияси мамлакатимиз нейрхирург олимлари томонидан юқори баҳоланди. Мирзабек ака илмий изланишларини давом эттирди. 1968—1969 йилларда Москва медицина институти травматология кафедрасининг докторантурасига борди. Бу ерда машҳур олимлардан сабоқ олди.

1971 йилда Мирзабек Дўстмуродов «Кўкрак умуртқасининг остеохондроз касаллигини даволаш йўллари» темасиде докторлик диссертациясини ёқлаб, ватанимиз медицина илмининг ривожига катта ҳисса қўшди. Ҳозирда унинг китоб ҳолида ва илмий ишлариде чап этилган монографиялари ҳамда юздан ортиқ мақолалари чуқур илмийлиги, ҳал қилиниш зарур муаммоларни дадил кўтариб чиққанлиги билан таниқли олимлар эътиборини тортади.

Мирзабек ака қўли енгил жарроҳ, истеъдодли олимгина эмас, меҳрибон, ғамхўр, ақни чоғда талабчан устоз ҳамдир. У нейрхирургия ва травматология бўйича илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимларга мураббийлик қилаётир. Унинг бевосита раҳбарлигида 7 киши кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 10 киши эса кандидатлик, 5 киши докторлик диссертациясини ёқлаш арафасиде турибди.

Мирзабек ака жамоатчилиги, ташкилотчилик соҳасиде ҳам ёшларга намуна. Унинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида Фарғона водийи шаҳарларида ўн етти марта областлароқ илмий-амалий конференция ўтказилди. У Андижон медицина институти қошидаги «Травма, травматизм ва ортопедик касалликлар проблемалари» илмий комиссиясининг раиси ҳамдир. Профессор Дўстмуродовнинг бевосита жонқуварлиги туфайли, Андижон областида ортопедия касалхонаси ташкил топди.

Ақни пайтада профессор Мирзабек Дўстмуродов директорлик қилаётган Ўзбекистон Травматология ва ортопедия илмий тадиқот институти шифокорлари инсон саломатлигини ҳимоя қилишче маъсулятиги, олижаноб эзгу ишларни муваффақият билан амалга оширмоқдалар. Профессорнинг кўп қиррали, самарли ишлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланган. Мирзабек ака «СССР соғлиқни сақлаш аълочисин», қатор медаллар нишондордир.

«Медицина» журналин редакция кенгашининг аъзоси, Республика Бош травматология ва ортопедия кенгашининг мухбир аъзоси, медицина фанлари доктори, профессор Мирзабек Дўстмуродов олиб бораётган илмий ва амалий ишлар ҳақиқий фан заҳматқашлари учун ибрат ва намуна бўла олади.

Нусмон ЭШХУЖАЕВ

ҒОЯВИЙ КУРАШЛАР МАЙДОНИДА

Анвар ҚОСИМОВ,

тарих фанлари кандидати, доцент

Халқаро социализм системаси кун сайин ижтимоий тараққиётни белгиловчи куч сифатида намоён бўлаётир. Марксча-ленинча идеология жаҳон жамоатчилиги фикрини йўналтириб турибди. Реал социализмнинг иқтисодий соҳада, социал ва маънавий ҳаётда эришган муваффақиятлари халқаро воқеаларнинг боришига, капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг курашига тобора самарали таъсир этаяётир.

Жаҳондаги идеологик шарт-шароит учун халқларнинг миллий мустақиллиги кўлга киритишдаги антиимпериалистик кураши характерлидир. Озодликка эришган кўплаб мамлакатлар социалистик қурилиш йўлини танлаб олаётирлар.

Капиталистик системанинг кескин суратда таназзулга юз тутиши шароитида империализм қандай қилиб бўлмасин социализм позициясига, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатига раҳна солишга, капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларни ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашдан қалтиришга уринмоқда.

Улғу дохиймиз В. И. Ленин кўрсатмасига биноан, қай хил қиёға киришдан қатъи назар биз буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига қарши бетиним кураш олиб боришимиз лозим. Бу кўрсатма айниқса бизнинг кунларимизда — икки система ўртасидаги идеологик кураш кескин тус олган бир пайтда яна ҳам долзарблик касб этади.

Бизнинг синфий мухолифларимиз марксча-ленинча дунёқарашга ва реал социализмнинг амалий тажрибаларига ҳужум қилиб, социализмнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда эришган тарихий ютуқларини хаспшўлашга интилоқдалар. Коммунистик партиялар ва социалистик мамлакатлар ўртасидаги бирликке раҳна солиш, коммунистик партияларни КПССга, социалистик мамлакатларни Совет Иттифоқига қарши қўйиш буржуа пропагандининг асосий йўналиши ҳисобланади. Антисоветизм марксизмга қарши кўпорувиқчи ишларнинг энг марказида туради.

Империализм жаҳон социализм системасига қарши курашда асосан миллатчиликка таянади. Ана шу йўл билан реакция кучлари коммунистик ҳаракатни парчалаб ташлаш, революцион отрядларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ниятини кўзлайди. Улар бузғунчилик макссадларини амалга ошириш учун халқларнинг миллий онгини антикоммунизм ва антисоветизм томон йўналтиришга ҳамда миллатчилик туйғуларини авж олдиришга интиладилар. Социалистик мамлакатлар бирдамлиги, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатига қарши курашда империализм миллатчиликнинг турли-туман кўринишлари — реваншизм, шовинизм, ирчиқлик, сионизмини ишга солишдан тап тормайди.

Ҳозирги пайтда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан олиб борилаётган «психологик уруш» тобора авж олдирилмоқда. Буржуа матбуоти «хаборот эркинлиги», «ўзaro гоғлар алмашуви эркинлигини рўқча қилиб, аслида улар остида антисоциалистик ташвиқот «эркинлиги», бўҳтон «эркинлигини назарда тутаяди.

Давлат томонидан ва хусусий йўллар билан ташкил этилаётган ҳамда моддий жиҳатдан таъминланаётган «психологик уруш» арақалар, турли хил адабиётлар, фотоматериаллар, сохта ҳужжатлар тарқатишдан тортиб, конференциялар, кўргазмалар, фестиваллар ўтказишга халал бериш каби турли-туман шакллр қобийидаги кўпорувиқчи ҳаракатларни системани ўз ичига олади. Қабий ниятларда ташкил этиладиган «митинглар», «симпозийлар», «намоийшлар» ҳам бундан мустасно эмас.

Империалистик пропагандининг социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши фаолиятда радио-эшиттириш муҳим ўрин тутаяди. Чет эллик назорётчиларнинг фикрига кўра, бу усул «психологик урушнинг энг таъсирчан шаклларида биридир. Масалан, Англияда чиқадиган «Гардиан» газетасининг эътироф этишига кўра, дурустгина радио-узатгичнинг қиммати сувости ядро кемасининг қимматига тенгдир. 70-йилларнинг охирилари ва 80-йилларнинг бошларида Фарбада ўзинга хос «радиоқуроллашиш поғйаси» авж олдирила бошланди, чет элларга бериладиган эшиттиришларни мавлаб билан таъминлаш кучайди, радиоузатгичларнинг қуввати ва сони, чет тиллардаги программаларнинг ҳажми ошди. Айниқса Совет Иттифоқи ва социализм мамлакатларига радиоэшиттириш марказлари вужудга келди. Агар 60-йилларнинг охириларида бизнинг мамлақати-

мизга Фарбадаги 35 мамлакатдан 19 тилда суткасига 170 соатдан эшиттириш берилган бўлса, ҳозирги пайтда 40 та станциядан 23 тилда СССРга берилётган суткалик эшиттиришлар ҳажми 270 соатга етди. Сўнгги йилларда Урта Осиё республикалари халқлари тилларида, айниқса ўзбек тилидаги эшиттиришлар ҳажми кенгайди. Узларни «адолатпарвар» қилиб кўрсатишга уринаётган антисоветчилар «инсон ҳақ-ҳуқуқи учун», «совет системасини тақомиллаштириш учун» деган сохта шioriлар остида тўҳмат ва бўҳтондан иборат компаниялар уюштириб, аслида чет эллардаги кўпорувиқчи марказлари билан жуда яқиндан ҳамкорлик қилаётирлар.

Неоколониализм стратегиясини амалга ошириш жараёнида империализм антикоммунизм ва антисоветизм ниқобига бурқаниб, ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари ва сиёсий ташкилотларига идеологик таъсир этиш йўлини тутадилар. Жаҳоннинг маъмур районларида кўплаб йиллар мобайнида шундай халқаро ташкилотлар ҳаракат қилмоқдаки, уларнинг атамаларининг ўзидек мақсад ва вазифаларини белгилаб туради, яъни улар «Осиё халқлари антикоммунистик уюшмаси», «Осиё христинлари антикоммунистик уюшмаси» деб аталади.

Сўнгги пайтларда буржуа пропагандининг империализмни «мусулмон халқларининг дўсти», «ислом ҳиломчиси» сифатида талқин этаётир. Мусулмон мамлакатларида диний туйғуларнинг авж олиши, диний тусдаги сиёсий ҳаракатларнинг кучайиши маълум сабаблар билан боғлиқ.

Бу мамлакатларда яшовчи аҳолининг кўпгина қисми саводсиз бўлгани сабабли ижтимоий онг ва турмуш шакллари мусулмон дунёси аъналарини билан тутшиб кетган. Ерсиз деқлонлар, шаҳарлик қашоқлар, ўқувчи йшлар, ишсизлик балосига гирифтोर ишчи ва хизматчилар учун ўзларининг ижтимоий-сиёсий интилишларини, шунингдек империализм ва неоколониализмга қарши стихияли норозилигини диний шаклларида ифода этиш ҳосидир. Сиёсий норозиликни диний қобий остида ифодалаш тараққиётнинг маълум босқичида бўлган ҳамма халқлар учун ҳосид, деб ёзган эди В. И. Ленин.

Империалистик донралар мусулмон мамлакатларидаги реакция кучларни антикоммунистик шioriлар остида бирлаштиришга, мусулмон аҳли туйғуларини антисоветизм томон йўналтиришга, диний шакл касб этган миллий-озодлик ҳаракатларини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарама-қарши қўйишга уриндилар. Империалистик пропаганда Афронистонда халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилган революцияни «исломга эди» дея «исботлашга» тиришмоқда, ҳолбуки диндорлар ҳамда ватанпарварлик каифиятидаги рухонийлар янги ҳокимиятни чинкамаига қўллаб-қувватламоқдалар.

Совет Иттифоқи Шарқ ҳалқларининг доимий дўсти эди ва ҳаммаша шундай бўлиб қолади. Совет Иттифонининг Россия ва Шарқ меҳнаткаш мусулмонларига муносабатини таърифлаб, В. И. Ленин: «Сизларнинг ўзингиз ўз мамлакатларингизнинг хўжайини бўлмоғингиз лозим! Сизлар бунинг учун тўла ҳуқуққа эгадирсизлар, зотан сизларнинг ўз тақдирингиз ўз қўлингизда», деган эди. Октябрь инқилобидан сўнг собиқ чор Россиясининг барча халқлари, жумладан исломга сийнувчилар ҳам ўз олдларида турган иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ҳал этиш, шу қадар тараққиёт даражасига эришдиликни, бу муваффақиятлар Осиё ва Африка мамлакатларидаги юз миллионлаб мусулмонлар учун орзу бўлиб қолаётир.

Ленинча миллий сиёбатнинг оғишмай амалга оширилиши натижасида барча қардош халқларнинг бераз ёрдами туйғайли қачонлардиқ қолақ бўлган бизнинг ўлкамиз қиёфаси ниҳоятда ўзгариб кетди. Қуйидаги рақамлар бунинг ёркин далилидир: Ўзбекистонда саноат махсулотларининг ҳажми 1981 йилда 1922 йилга нисбатан 415 марта, Қирғизистонда — 690, Тожикистонда — 874, Туркменистонда 206 марта ўсди. Меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий турмуши даражаси муттасил ўсиб бораётир.

Социализм ҳақиқатдан катта тарихий аҳолиятга молик вазифани рўйбга чиқарди: миллионлаб меҳнаткашлар оммасини маданиятнинг юксак ютуқлари билан қуролаттирди, миллати ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, ҳар бир киши учун билдиллар ҳазинаси эшигини очиб қўйди. Россияда чиқадиган «Вестник воспитания» ўзининг 1906 йилги

сонларидан бирида Урта Осиёда умумий саводхонликка 4600 йилдан кейингина эришиш мумкин, деб «башорат» қилганди. Ҳақиқатан, чор Россиясининг миллий чекика ўлкаларида маориф проблемалари ана шундай «суръат» билан ҳал қилинган. Советлар даврида эса бунинг учун ниҳоятда қисқа муддат ки-фоя қилди, ҳоло. Буларнинг барчаси социалистик тузум афзалликларининг, марксизм-ленинизм принциплари асосида ягона оила бўлиб бирлашган халқлар қардошлигининг натижасидир.

Етук социалистик жамятда СССР халқлари қардошларча дўстлигининг моддий асоси бўлган ягона халқ ҳўжалиги комплекс муваффақият билан ривожланмоқда, ҳар бир республиканинг экономикаси ижтимоий меҳнат тақсимотида муҳим ўрин тутмоқда ҳамда мамлакатнинг миллий бойлигига тобора салмоқли ҳисса қўшмоқда. Совет Ўзбекистонининг бу-гунги равнақи умумиттifoқчи манфаатлари ва ҳар бир республика манфаатларининг ўзаро мутаносиблиги-га ёркин мисолдир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон СССРда ишлаб чиқаришининг 100 дан зиёд тармоқлари мавжуд бўлиб, энг янги техника ва асбоб-ускуналар билан таъминланган 1500 дан ортиқ йирик саноат қороналари ишлаб турибди. Саноатнинг илмий-техника тараққиётини белгилаб бераётган энергетика, машинасозлик, рангли металлургия, химия каби соҳалари юксак суръатлар билан тараққиёт этмоқда.

Республика меҳнаткашлари мамлакатни социалистикой жиҳатдан равнақ топириш, совет халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш ишига тобора салмоқли ҳисса қўшаётирлар. Ўзбекистон вакиллари ҳозирги кунда РСФСРда Нокоратпулқок зонани ўзлаштиришда, Тюмень нефть ва газ конларини халққа хизмат этиришда, БАМ иншоотлари ва беш йилликнинг бошқа зарбдор объектларида фаол иштирок этаётирлар.

Ўз навбатида, қардош республикаларининг ўйлиқизилари Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштиришда қатнашмоқдалар. Зилилдан сўнг барча қардош республикаларининг иштирокчида қад рoстлаган янги Тошкент ҳам интернационализм қурагига ёркин мисолдир. Тошкент СССР халқлари қардошлиги ва дўстлигининг рамзига, Шарқ юлдузига айланиб қолди.

Бизнинг Ватанимиз — ёркин ва тенг ҳуқуқли миллатлар ва элларлар мамлақатидир. Ягона дўстлик оиласи сифатида таркиб топан совет халқи СССРнинг 60 йиллигини муносабят тарзда ишонлади. Совет кишиларининг бемисл муваффақиятлари синфий дushmanларимизнинг қаҳр-ғазабини қўзғатиши табиий.

Антикоммунизм ашаддий тарафдорларининг совет халқи маънавий-сиёсий бирлигига путур етказиш, коммунистик ҳаракатга раҳна солиш, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида ниқоф чиқариш каби бузғунчилик ниятлари йўқликка маҳкум. Бироқ асло ёддан чиқармаслик керакки, антикоммунизм ўзининг қабоҳат қуролидан ўз хоҳишича ҳеч қачон воз кечмайди.

Ҳа, синфий мухолифларимиз пропаганда воситаларини ишга солишда фаоллашган, совет кишилари онгини захарлашга интилиши кучайгани бизни буржуа идеологиясига қарши зудлик билан изчил кураш олиб боришга, ғарази бўҳтонларга ўзимиз эришган муваффақиятларни, жипслигимизни, сафларимизнинг қудратли ғоявий бирдамлигини қарама-қарши қўйишга дўват этади.

Шу билан бирга социализмнинг тарихий ютуқлари ва афзалликларини моҳирлик билан кўрсатиб беришимиз, империализм идеологияси ва сиёбатининг инсон шахси манфаатларига эди моҳиятини қулқдор ва ишончироқ тарзда фoш этишимиз лозим. Тарих ҳақиқати, илм-фан ҳақиқати, ижтимоий адолат идеаллари ҳаммаша биз томонда.

«Биз социалистик дўлатлар учун ҳамдўстлигининг жипслигини, бутун дунё коммунистлари сафларининг бирлигини,— деди,— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Юрий Владимирович Андропов,— муштарак мақсадлар ва идеаллар учун кураш йўлида янада мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қилаверамиз. Биз мустамалекчилик зулмидан халос бўлган мамлакатлар билан, халқларнинг миллий мустақиллик ва социал тараққиёт йўлидаги кураши билан бирдамлигимиз ва ҳамкорлигимизни сақлаб қоламиз ва ривожлантираверамиз. Биз тинчлик учун, халқаро кескинлики юмшатиш учун кураш ишига ҳаммаша содиқ бўлиб қоламиз».

Сиёсат майдонидаги жангчилар учун партия иродасини, коммунистик эътиқодимиз куч-қудратини халқимиз онги ва қалбига етказишдан қур, меҳнаткашларни порлоқ идеалларга, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм гоғларига садоқат руҳида тарбиялашдан кўра шарафироққ вафиза йўқ.

Ғоявий курашлар майдонида тинч-тотув яшаш мумкин эмас. Социализм ва капитализм идеология соҳасида бир-бирга кескин қарама-қарши турган қулқдор. Ғоявий курашларда, идеология фронтинда Ленинчасига фаол иштирок этиш гоғларимиз софлигини қатъият ва собитқадамлик билан ҳимоя қилиш нисбатан синфий муносабат туйғусини шакллантириш, революцион ҳушёрликни мустаҳкамлаш демокдир.

МАНГУ ОҚИМ

Олга интилади инсон оқими,
Буюк мақбарага элтар қадамлар.
Бунда яшар абад бахтнинг ҳокими,
Ҳамиша миннатдор ундан одамлар.

Эрк қуёши бўлиб нур сочди элга,
Мазлумларни этди боқий бахтиёр.
Маъсуда туйғулар бахш этди дилга,
Чароғон масканга айланди диёр.

Одамлар оқими тинмайди сира,
Қалбларда кўзғолди ҳазин ҳиссиёт.
Нигоҳлар бир лаҳза бўлади хира,
Уша машъум кунни этиб дилда ёд...

Одамлар кун бўйи қадам-бақадам,
Дийдор кўришмоққа интилар —
муштоқ.

Давр руҳияси унда мужассам,
Истиқбол гоҳси бўлади порлоқ.

Одамлар тинимсиз оқади мангу
Ленин нигоҳига боқади мангу.

ШОИРГА

Денгиз манзараси гўзалдир беҳад,
Гавҳари тўлқинлар шаффофдай

тиниқ.

Инжу қатраларга тушмагайдир гард,
Маржондай қуббалар уфқдай ёниқ.
Сатрлар тўлкини букун сарбаланд,
Қалблар тугёни бу, қайнар

булоқдай.

Уйлари ҳамиша қўшиқ билан банд,
Мафтуркор оҳанги турфа бўёқдай...
Шеърят мавжи бу, ажиб ҳазина,
Фикри аълолиги мовий уммондир.
Қурран заминдир унга бир сийна,
Қувваи ҳофиза мангу омондир.

ШИНЕЛЛИ ҚИЗЛАР

Едгорлик пойида ёнар аланга,
Шинелли қизларнинг кўз чашмаси бу.
Аста сифинаман, қон чопар танга,
Юракда уйғонар ноҳус бир туйғу.
Уруш йиллари бу шинелли қизлар,
Малъун ёвага қарши жанг қилди

ёшдан.

Жанггоҳ осмонида ботир юлдузлар,
Не-не азобларни ўтказди бошдан.
Неча ўлимларга чап бериб мардлар,
Ярадор жангчага бўлдилар малҳам.
Шиддатли жангларда қадам-бақадам
Қон кечдилар, қалба бор эди

дардлар.

Уққа учиб Берлин остонасида
Қаҳрамон қизлар ох, бўлдилар ҳалок.
Зафар садоларин гумбурлашида
Ҳиссаси бор эди уларнинг порлоқ.
Едгорлик пойида ёнар аланга,
Шинелли қизларнинг дарди намоён...
Мунгли топинман, қон сапчир танга,
Қалбимда ҳиссиёт қилар галаён...

Шаҳрисаба

ТУЛҚИН

АЁЛ АЛЛА АЙТАДИ

СУКУНАТНИНГ ОВОЗИ

Қишлоққа оқшом чўқди,
Қоплаб олди сукунат.
Юлдузлар мойсиз
қолган
Фонусдек милтиллайдди.
Далалар бу жимликка
Боқар гўё бетақат,
Фақат ҳу уфқларда
Бир чироқ йилтиллайдди.

Табиятда сукунат,
Лов-лов ёнган қуёш ҳам
Тоғларни болиш қилиб
Мизгиб олмоқчи пича.
Шамоллар япроқларнинг
Бағрида олар ором,
Жимжитлик ҳукмрондир
Бу сўлим ойдин кеча...

Саява, майна, булбуллар
Куйлашга йиманади.
Ҳовлида майса узра
Шолча тўшар келинчак.
Кўзида бор соғинчми,
Алангами ёнади,
Ҳар кеч ёрин шу ҳолда
Қутиб яшар келинчак.

Осмон — денгиз бағрида
Тилла қайиқ мисоли
Тўлин Ой эшакгини —
Эшиб, сузиб борар жим.
Естиққа ёнбошлаган
Қайлигин қулоғига
Пичирлаб сўрар келин:
— Келтирайми
нон-чойим?!

Шунда менинг наздимда
Сукунат кирар тилга,
Севги бўлиб портлару
Ошиқ бўлиб сўзлайди.

Севги бўрони бўлиб
Кирар ҳар уй, ҳар дилга,
Чакмоқ бўлиб чарақлаб,
Емғир бўлиб бўзлайди.

Сукунатга қулоқ сол,
Шўх елларнинг шивари
Майсалар елкасида
Оҳанг бўлиб оқади.
Сокиликнинг бағрида
Улкан олам тасвири
Қулиб турган қиз бўлиб,
Она бўлиб боқади.

Сукунатга қулоқ сол,
Шаршаранинг шовқини
Унинг қучоқларига
Сингиб кетибди бу вақт.
Кундузги шўх ҳаётнинг
Минг оҳанги, завқини
Бағрига жо қилибди
Юввошига сукунат.

Ширинми ё аччиқми
Изтиробми ё севинч,
Яшаб ўтилган ҳар кун,
Яшаб ўтилган ҳар вақт —
Сокиликнинг бағрига
Сингиб кетибди бу кеч,
Ушалардан турлиди
Табиятда сукунат...

Қишлоққа оқшом чўқди,
Тун бағрида бу олам.
Сокинки бу табият,
Унга жоним бахшида.
Босиб ўтилган йўлни
Ҳаёлда жамлаб бир дам
Кўз олинди келтириб
Яшамоқ ҳўп яшн-дёл

Табиятда сукунат...

Естиғидан эриниб бошин кўтарди қуёш...
Бир пиёла чой ичиб эри ишга кетади.
Бешик узра эгилиб минг гиргиттон ва сирдош
Аёл алла айтади,
Аёл алла айтади.

Қуёш келар тиккага нур тараб иссиқ-иссиқ,
Бир юрак меҳваридан бутун олам ўтади.
Шириним, деб эркалаб, мийиғда куйлаб қўшиқ,
Аёл алла айтади,
Аёл алла айтади.

Қуёш — терак شوҳига илиб қўйилган чироқ,
Тўрхалтани кўтариб ота ишдан қайтади.
Бешик узра бош қўйиб, ундан кетолмай йироқ,
Она алла айтади,
Она алла айтади.

Қуёш ўрнини кўкда эгаллайди тўлин Ой,
Юлдузларнинг шуъласи тун кўксига ботади.
Шу Бешикда улғаяр гўёки барча чирой,
Аёл алла айтади,
Аёл алла айтади.

Қуёшим деб аллалар, сирдошим деб аллалар,
Чин сеғим деб аллалаб кўкрагини тутлади.
Кўз ўнгидан ўтади болалиги, далалар,
Она алла айтади,
Она алла айтади.

Бешик тебранганда силкиниб кетар дунё,
Бешикда улғайишда ёш авлод ва истиқбол.
Кипригига илашиб умид тўла бир зё,
Аёл алла айтади,
Аёл алла айтади аёл!

РАСМДАГИ ЁЗУВ

Тушди китоб қатидан
Саргайиб кетган қоғоз,
Қачонлардир ҳар лаҳза
Эъозланган бир сурат.
Истареси иссиқ қиз,
Сой соҳили, сўлим ёз...
Қўнглимини сўзлатару
Узи сўзломас фақат!

Лабдаги табассум
Илк бахтни куйлар ҳамон,
Нур тўла кўзларидан
Ҳануз жозибат тошар.
Ҳайрат-ла тикилеман:
Утди гўё кўп замон,
Аммо оддий суратда
Бир сеғи ўлмай яшар!



Сувратнинг энг четиға
Ёзилмиш, назар солинг:
«Расми кўрган чоғда
Эсламанг мени, дўстим.
Мени соғинган чоғлар,
Расмининг қўлга олинг.
Битта тилагини шудир,
Унутманг, шуни дўстим!»

Бир дақиқа қолдим жим,
Расм сўзларди гўё.
Қизнинг назик ҳисларини
Тўкиб ташларди рўй-рост.
Шу сурат бўлмаганда
Тўкиб бўлмасди дунё,
Ишқининг таянч нуқтаси
Соғиниш эрур холос!

Соғинтириб турибсан
Расмда мулоим, жим,
Чиройингга минг чирой
Бахш этипти битта хол.
Сенга интилган йиғит
Гўзал қиз, билмайман, ким,
Аммо домд соғиниб
Яшгандир, эҳтимол!

Ташна боқишларингда
Ҳаётга ошнолик бор,
Суратга битилган хат
Мангулик қўшиқ-қанот.
Ҳа, азизам, гўзал қиз,
Ишқ билан дил бахтиёр,
Одамга соғинч билан
Давом этмоқда ҳаёт!

ДУНЁ ТУРГУНЧА

Алексей Толстой совет адабиётининг устодларидан бирдир. Бу буюк адабни эслаганимда, унинг «Буюк Пётр», «Сарсонлик-саргардонликда», «Нон» каби ўлмас асарларини қайта varaқлаганимда, Алексей Николаевич билан учрашувларимиз, устоднинг сермазмун суҳбатлари ёдимга тушади. Маълумингизки, мавлоно Алексей Толстой Улуғ Ватан уруши даврида бир неча йил Тошкентда яшаган эди.

Ўзбекистонда истиқомат қилган вақтларида бу улуғ рус адаби тинмай ижод қилди, ўз истеъдодининг бутун қудратини фашизмга қарши курашга қаратди. У эълон қилиниши биланоқ машҳур бўлиб кетган «Рус характери» асарини ҳам шу даврда ёзган эди.

Алексей Толстой Фафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек каби улуғ ўзбек адаблари, шоирларининг яқин дўстига айланди. Мен ҳам у кишининг дўстлигига ноил бўлганим билан Ҳамиша фахрланаман. Бизнинг ижодий муносабатларимиз тобора мустақамланиб борди. Драмаларимдан бирини ёзишим жараёнида Алексей Николаевичнинг маслаҳатларидан баҳраманд бўлганман. Бунинг учун устоддан бир умр миннатдорман.

Алексей Толстойдек буюк адаб ғоят камтар, улфат одам эди. Ўзбек адабиёти тарихи билан қизиқарди. Ҳар суҳбатимизда албатта Алишер Навоидан сўз очар эди. Ўзбек халқини сиқидилдан яхши кўриши ҳар бир хатти-ҳаракати, сўзидан билиниб турарди.

Мана шу улуғ адаб — бизнинг қадрдон Алексей Николаевич тугилган кунга юз йил тўлибди. Биз аминимизки, Алексей Толстой ижоди дунё тургунча севаб ўқилади, чунки улар жонажон Ватанимизни, халқимизни улугловчи асарлардир.

Пиримқул ҚОДИРОВ

АСРЛАРНИ ТУТАШТИРГАН АДИБ

Алексей Толстой деганда рус халқининг ўтган асрларда яратган энг улкан маънавий бойликларини ўз истеъдодига зарблаб кўпайтириб, бугунги авлодларга етказиб берган забардаст совет адабларидан бири кўз олдимишга келади. Унинг ҳаёт йўли ҳам асрларни бир-бирига туташтирувчи ажойиб воқеаларга бой.

Алексей Николаевичнинг отаси граф Толстойлар шажарасига мансуб, онаси эса улуғ рус ёзувчиси Иван Сергеевич Тургеневнинг жиан авлодларидан эди. Бўлажак адаб Саратов облатининг Сосновка қишлоғида 1882 йилнинг декабрь ойида туғилди. У ўсган оилада бадий ижодга қизиқиш зўр эди. Алёшанинг онаси Александр Леонтьевна ёзган роман ва қиссалар ўтган асрнинг охирларида китоб бўлиб босилиб чиққан ва жамоатчиликнинг эътиборини тортган эди. Онасининг таъсирида Алёша ҳам ўн ёшларда қўлга қалам олади. Онаси унга ҳикоя ёзиб қуришни маслаҳат беради. Лекин унинг биринчи ҳикояси онани ҳам, болани ҳам қаноатлантирмайди. Шундан кейин Алексей анча вақтгача адабий машқни тўхтатади.

Алексей Толстой Саратовда билим юртини битирган, Петербургдаги Технология институтига ўқишга кирди. Студентлигида кўпроқ шеър машқ қиладди. Йигирма ёшдан ошганда лирик шеърларидан бир туркумини онасига ўқишга беради. Бу шеърлар ўша пайтда Петербургда мода бўлган декадентлик таъсирида ёзилган эди. Александр Леонтьевна эса классик адабиёт руҳида тарбияланган, шунинг учун ўғлининг шеърлари унга соvuқ ва нурсиз туюлади, буни ўзига очик айтди. Ўғлининг пешқадам ёзувчи бўлишини орзу қилиб юрган она бу орзуси ушладиган кунларга етиб келолмайди, 1906 йилда вафот этади.

Алексей Толстой ҳақиқий адаблик

йўлини ўттиз ёшларга борганда топади. Ижодий изланишлар уни ақдоқлари бўлмиш И. С. Тургенев ва Л. Н. Толстойларнинг танқидий реализмига олиб келади. «Оқсоқ барин», «Ғалати одамлар» деб номланган илк романлари улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг эътиборини ўзига тортади. 1913 йилда Горький ҳали ёш ёзувчи бўлган Алексей Толстойни: «Шубҳасиз, йирк ва кучли адаб» деб баҳорат қиладди. Большевик «Правда» газетаси инқилобдан олдин 1914 йилда Алексей Толстойнинг танқидий реализм руҳида ёзилган асарларини қувватлаб чиқади.

Лекин Алексей Толстой мансуб бўлган дворянлар муҳити унинг Улуғ Октябрь революциясини тўғри тушунишга ҳалақит беради. 1918 йилда у чет элга кетиб қолади, Парижда ҳам ижодий ишни давом эттириб, «Сарсонлик-саргардонликда» трилогиясининг биринчи китобини ёза бошлайди. 1921 йилда Германияда Алексей Толстой Максим Горький билан учрашди ва унинг ёрдамида ҳақиқатни чуқурроқ тушуна бошлайди, сўнг кўп ўтмай чет элга оқ эмигрантлар муҳити билан алоқани бутунлай узадио, 1923 йилда ватанига қайтиб келади.

Советлар юртида унинг ижоди мисли кўрилмаган юксакликларга кўтарилади. Адибнинг ўзи каби кўп сарсонлик ва саргардонликларни бошдан кечирган зиёлиларнинг ҳаёти, узоқ изланишлардан сўнг ҳақ йўлни топиб, инқилобий халқ томонига ўтган кишилар тақдирини «Опаснигилар», «Ун саккизинчи йил», «Будулиги тонг» романларида катта куч ва маҳорат билан таъсир этилади. Бу трилогия учун ёзувчига СССР Давлат мукофоти берилди. Алексей Толстой энг пешқадам совет ёзувчилари қаторида СССР Олий Советининг депутатлигига сайланади.



Ўлмас адаб яратган ёрқин асарлар орасида «Буюк Пётр» тарихий романи алоҳида аҳамиятга эгадир. Илгор марксистик дунёқараш билан қуролланган совет ёзувчиси биздан бир неча юз йиллар олдин ўтган улуғ боболаримиз сиймосини нақадар ҳақоний, нақадар таъсирли ва ибратли қилиб тасвирлаб бера олиш мумкинлигини Алексей Толстой биринчилардан бўлиб исбот этди. Тарих орқали замона учун керакли гапларни айта олиш санъати бу романда кашфиёт даражасига кўтарилди. Бу кашфиётдан биз, кейинги авлодларга мансуб адаблар, ҳозиргача баҳраманд бўлиб келмоқдамиз.

Алексей Толстой санъаткорлик билан мутафаккирликни бир-бирига уйғунлаштириб, қудратли кучга айлантира олган донишманд сиймо эди. Унинг СССР Фанлар академиясига ҳақиқий аъзо бўлиб сайлангани бежиз эмас. У тарихни санъаткор кўзи билан аниқ кўрар, уни ҳассос олимнинг ақли билан беҳато таҳлил қилар эди. Шунинг учун у асрлар қаърида қолиб кетган сиймолар ва воқеаларга қайтадан жон бағишлаб, тирилтириб бера олди. Тарихни яхши билиш ва замона тараққиётини аниқ ҳис қилиш унга келажак ҳақида ҳам ажойиб фикрлар айтиш имконини беради. Унинг «Азлит» деб аталган илмий-фантастик романи, «Инженер Гариннинг гиперболоиди» номли асари жуда катта илмий кашфиётларни олдиндан кўра олиш ва улар ҳақида санъаткорона баҳорат қила билишининг намунасидаир.

Алексей Толстой адабиёт ва айниқса бадий тил муаммолари тўғрисида ҳам унутилмас фикрлар айтган. Тилшунослар нутқини эшитиш мумкин бўлган товушлардан иборат, дейдилар. Илмий муқтаб мазардан қараганда, бу албатта тўғри. Аммо Алексей Толстой адабий асар тилига

бадийлик мезонлари билан ёндашади, уни фақат эшитиш эмас, балки кўриш ва кўз олдида аниқ гавдалантириш ҳам мумкин бўлган образлар шаклида тасаввур қиладди. Хусусан, халқ тилини адаб олмос тил деб атайди. А. Толстойнинг ўзи халқ тили бойликларидан зўр маҳорат билан фойдаланганлиги учун унинг асарлари бебаҳо олмосларга тўла хазинага ўхшайди.

Совет адабиётининг обрўсини бутун дунёга тарқатган энг яхши романлар ва қиссалар, пьесалар ва ҳикоялар, мақолалар ва нутқлар орасида Алексей Толстойнинг ўткир қаламига мансуб бўлган улаб асарлар бор. Бу асарлар Совет Иттифоқидаги ҳамма қардош халқларнинг тилларига таржима бўлган. Ўзбек тилида А. Толстойнинг «Сарсонлик-саргардонликда» трилогияси, «Буюк Пётр» романи, Бураино ҳақидаги қиссаси ва бошқа кўп асарлари қайта-қайта нашр этилган.

Улуғ Ватан урушининг энг оғир кунлариди Алексей Толстойни Тошкент ўз бағрига олди. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Фафур Гулом, Уйғун ва бошқа ёзувчиларимиз у билан мулоқотда бўлди. Оламшумул адаб ўзининг бой ижодий тажрибасини ўзбек ёзувчилари билан ўртоқлашди. А. Толстойнинг уруш даврида ёзган оташин публицистик мақолалари фашизмни енгишда бутун халқимизга маънавий мадад берди. Улкан адаб ғалабага бир неча ой қолганда — 1945 йилнинг февралда олтимш уч ёшида вафот этди. Аммо унинг боқий умри ўлмас асарларида давом этмоқда. Алексей Толстойнинг дунёнинг жуда кўп тилларда қайта-қайта нашр этилаётган асарлари ҳамон давримизга хизмат қиладди, айни вақтда, ўтган асмонларни келажак билан туташтириб, асрлардан асрларга ўтиб яшайди.

ҚАҲРАМОН ОНА, МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ЯНА



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қаҳрамон она Дурдипошшо Ёқубова билан мактаб ўқувчиларининг учрашуви она ва фарзандлар мулоқотидек самимий вазиятда ўтди. Қишлоқ онахони олис-яқин йиллар хотиралари ҳақида ўғил-қизларига ҳикоя қилиб берди.

— Шогирдлар камолотида устоз ва мураббийларнинг роли катта эканлиги шубҳасиз. Сизнинг устозингиз, шогирд ва издошларингиз кимлар?— деб сўрашди юқори синф ўқувчилари онахондан.

Дурдипошшо опа илк бор қўлига алифбе тутқазган, мактабда таълим-тарбия берган муаллимларнинг номларини эҳтиром билан тилга олди:

— Қишлоғимиз оқсоқоли, икки марта Ленин орденига, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ орденига мушарраф бўлган, уч марта Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган донгдор пахта устаси Олтибой Қурбонов деҳқончилик илмида менга ҳам устоз эди. Колхозимиз ҳозир у кишининг номи билан аталади. Шарифа она Урозовани ҳам меҳрибон устоз сифатида тилга олгим келади....

— Шарифа она ким?

— Шарифа Урозова коллективлаштириш ва хотин-қизлар озодлиги учун курашда фидойи аёллардан эди. У Ғазовот қишлоғида синфий душманларга қарши курашда жасурлик кўрсатган. Ҳамқишлоғимиз — опа-сингил Анорхон билан Дармонойнинг фожиаи ўлими бутун элли ларзага солган. Улар биринчилар қаторида комсомолга кирганлиги учун жаҳолат қурбони бўлишди. Қотиллар жазо-

ландилар. Шарифа она тузган комсомол ячейкасига ўнлаб қизлар аъзо бўлиб киришди.

Шундан кейин Дурдипошшо опа ўзининг сафдошлари ва издошлари тўғрисида фخر билан сўз юритди:

— Меҳнатдаги қаҳрамонликлар — оловли йиллардаги жасоратнинг давоми бўлди. Районимиздан етишган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — республикада хизмат кўрсатган механизатор Уғилжон Нуруллаева, Бека Саидмуродова, донгдор пахтакор Фотима Оллоберганова, чорвадорлар устози Зиёда Қуриёева сингари сафдошларим, замондошларим шавкатли меҳнати туйфайли элда обрў-эътибор топдилар. Биз бир-биримизга устоз, бир-биримизга шогирдларимиз.

Дурдипошшо опа ўз ҳаётида юз берган қувончли воқеаларни эсларкан, чамаси, умр йўлининг икки чорраҳаси нигоҳи қаршида намоён бўлди.

...1950 йилнинг 13 июнь куни Москвадан хушхабар таралди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлган мамлакат қишлоқ хўжалиги илгорлари орасида хоразмлик пахта устаси Дурдипошшо Ёқубова ҳам бор эди. У етакчилик қилган звенонинг шуҳрати тилларда достон бўлди. У гектар бошига 65 центнердан пахта ҳосили етиштирди!

Шундан кейинги йилларда бундай рекорд бир неча бор такрорланди. Звено аъзолари илгор тажрибани, фан ютуқларини, механизацияни ишга изчил жорий этиш асосида пахтадан мутатасил юқори ҳосил етиштириб, байроқдор бўлишди. Опанинг

қўлидаги Олтин юлдуз ёнига янги нишонлар, медаллар қўшилди. Хоразмда 60 центнерчилик ҳаракати қизғин тус олган ҳозирги кунларда бу ташаббус 50-йиллардаёқ оловқалб пахтакор Дурдипошшо Ёқубова томонидан бошлаб берилганини эслаш мароқлидир.

1973 йилнинг ёзи. Дурдипошшо Ёқубова оиласида яна шодибна. Қаҳрамон она унвонига сазовор бўлганлиги муносабати билан уни дўстлари, ҳамқишлоқлари сиздиқидилдан муборақбод қилишди. Меҳнатда жасорат кўрсатиш билан бирга, ўн фарзанднинг бошини силаб ундириб-ўстиришга меҳри дарё, қалби қўёш онагина қодирдир. Ҳа, оналик — қаҳрамонлик! Қаҳрамон она юрак туйғуларини бундай ифодалади:

— Она қувончи ва ташвишларини оналаргина англайди. Эндигина тугилган ўғил-қиз она бағрида кўз очиб, унинг меҳри булогидан баҳраманд бўлади. Фарзандларнинг тарбияси, жисмоний ва маънавий камолоти учун ҳам она масъул, жамият олдидан бурчдор. Бу масъулиятни чуқур ҳис қилган, эл олдиданги бурчини виждонин оқлаган аёлгина она деган қутлуғ номга лойиқ.

Дурдипошшо опанинг оналик бурчига садоқати, умр йўлдоши, педагог Ражаббой Мадрахимов билан бирга фарзандлар тарбияси борасидаги сазай-ҳаракатлари беиз кетмади. Вояга етган ўғил-қизлари касб-хунар эгаллашди, ўзларини эл хизматига бағишладилар. Улар меҳнатда, одоб-икромда қўп-ларга ибрат. Тўнғич қизи Раҳимахон медицина ҳамшираси. У турмуш ўртоғи, қурувчи Аминбой билан Қарши дашти чўлуқварлари сафиди. Розахон муаллима. Уғиллари Фарҳод ва Жуманиёзларнинг бири инженер, бири эса қурувчи техник. Опа-сингил Ҳайитжон ва Зулфиялар медицина ҳамширалари. Бахтиёр Совет Армияси сафиде хизмат қиляпти. Рустамбек хунар-техника билим юртида касб ўрганмоқда. Мухаббат билан Гулчеҳра мактаб кучоғида.

Дурдипошшо опа меҳнат ветерани сифатида ҳамон серғайрат. У колхоз хотин-қизлар Советининг раисаси. Опа ҳамқишлоқлари тўғрисида ифтихор билан сўз юртади:

— Хоразмда биринчи коллектив хўжалик бизнесинг Ғазовот қишлоғимизда 1927 йилнинг 17 мартда тузилган эди. Унга «Янгилик» деб ном берилган эди....

Катта йўлни босиб ўтди. Бу йўл — омондан қудратли тракторларгача, тошчиноқдан электргача, зулматдан зиёгача, кўримсиз уйлاردан обод посёлкаларгача бўлган ойдан йўлдир. Биз меҳнат қилаётган Олтибой Қурбонов номли колхоз — Қўшқўпир районидагина эмас, Хоразм воҳасида ҳам пешқадам хўжаликлардан бири. Турмуш тарзимизда дўстлик-аҳиллик, меҳр-оқибат, жамият олдиданги бурчга садоқат қарор топди. Эътиқоди мустақкам, кўркам фазилатли кишилар орасида яшаш нақадар завқли!

Опа айтганидек, Ғазовот қишлоғи чиндан ҳам кундан-кунга гулгун яшнаяпти. Уни яшнатаётган азаматлар — давримизда камол топган олижаноб хислатли бунёдкорлардир. Улар орасида Дурдипошшо опа сингари отақалб аёллар кўп. Зайнаб Мадрахимова, Саодат Сафарова, Розия Матёқубова, Онажон Ражабова каби Қаҳрамон оналар, зоотехник Ойибби Собирова, донгдор пахтакор Роза Ашурова, опа-сингил сут соғувчи Бозоргул ва Қўшагул Бобоевалар сингари беш йиллик зарбдорлари бор.

Дурдипошшо опа ва унинг ҳамқишлоқлари улғу айём — СССРнинг 60 йиллигини муносиб соғвалар билан қутиб олишяпти. Тонна-тонна «оқ олтин», сабзавот, мева, гўшт ва сут — уларнинг шонли тўйга армуғони, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшган ҳиссаларидир. Яқинда яна бир типовой боғча фойдаланишга топширилди. Қишлоқ онахони Дурдипошшо Ёқубова бу шодибнада жажжи болажонларнинг қувноқ чеҳраларига меҳр билан боқаркан:

— Ғамхўримиз, меҳрибонимиз Коммунистик партияга раҳмат. Авлодлар бахтига дунёда тинчлик барқарор бўлсин! — деган сўзлар кечди кўнглидан.



Урганч районидagi Охунбобоев номли колхознинг илгор аъзоси Ҳожарбиби Дўстжонова бу йилги пахта йиғим-теримида фол қатнашди.

Н. Шарипов фотоси

Фозил ЗОҲИДОВ

МУЪЖИЗА ЯРАТАЁТГАНЛАР

Озиқ-овқат
программаси
амалда

Оқилжон ҲУСАНОВ

Ўтган йили Ўзбекистонда меҳмон бўлган улкан маданий анжуман иштирокчиларининг бир бригадаси Сирдарё областига ташриф буюрган эди. Бригада аъзолари кўриқ областининг илгор хўжаликларига бўлдилар, таъқиқли пахтакорлар, шоликорлар, соҳибкорлар билан учрашдилар, тانتанали адабий-бадий кечаларда қатнашдилар. Сирдарё районидagi «Малик» совхозининг маданият саройида ўтган тانتанали кечада минбарга кўтерилган меҳмонлардан бири шундай деди:

— Бу ерларнинг ўрнида бир маҳаллар қақроқ чўл бўлганига ишонгинг келмайди. Мана ҳозир ўзимиз ўтирган ушбу муҳташам бинога бир назар ташланг, азиз дўстлар. Ахир бу саройнинг улкан саҳнасида энг кўп актёр қатнашадиган «Иван Сусанин» операсини бемалол намойиш этиши мумкин!..

Кўриқ Сирдарё районининг битта хўжалигида қурилган маданият саройи ҳақидаги бу баҳо катта рамзий мазмунга эга. Муборак Сир соҳилига жойлашган бу район чиндан ҳам кўз-кўз қилишга арзийдиган жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Худди шу «Малик» совхозида пахтачилик ва чорвачиликнинг йил сайин юксалиб бораётгани, «Ленинград» колхозида «коммунизм уйлари» деб ном олган, барча қулайликларга эга

бўлган Қўш посёлкасининг барпо этилгани, бир ярим гектарлик лимонзордан миллион сўмлаб даромад олинаётгани, район бўйича хутор системасининг бутунлай тугатилиб, барча аҳолининг типовой уйларида яшаётгани бу ерда чинакамига мўъжизалар яратилаётганидан далолатдир.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ойида бўлиб ўтган тарихий Пленуми хўжалик ташкилотлари ва корхоналар олдига ердამчи хўжаликларни ташкил этиш ва бу иш билан фаровонлик программасининг амалга ошишига ҳисса қўшиш вазифасини қўйди. Сирдарёликлар бу борада ҳам ўзларининг юқори кўрсаткичлари билан бошқаларга намуна бўлаётирлар.

Сирдарё автобазаси — автотранспорт парки ўзининг барча техника-иктисодий кўрсаткичлари бўйича областдаги соҳадosh корхоналарнинг пешқадами ҳисобланади. Масалан, бу ерда ҳар бир автобуснинг битта ўриндиғига 54 минг пассажир километри тўғри келади, машиналардан фойдаланиш коэффициенти эса, салкам 80 процентни ташкил этади.

Автобаза қошидаги ердამчи хўжаликнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир. Ердამчи хўжаликнинг яхши иши туфайли бу ерда ҳар кун ирталаб соат олтидан тўққизгача ҳай-

довчилар ва бошқа ходимлар арзонлаштирилган нархда нонушта қиладилар. Мисол учун, қиш фаслида уларга бир стакани 4 тийиндан қайноқ сут, ёз фаслида эса, қаттиқ берилади. Ердამчи хўжаликнинг бўрдоқчилик фермасида етиштирилган гўшт арзон нархда (бир килоси уч сўмдан) ходимларга тарқатиб турилади. Ўтган йили автобазанинг ҳар бир ходими шу тариқа 50 килограмдан гўшт олди. Сўнгги пайларда сирдарёлик автотранспортчилар ердამчи хўжаликда етиштирилаётган лимонларни ҳам арзон нархда сотиб олаётирлар.

Автобаза директори, ўзининг меҳнат фаолиятини Мирзаҷўл даштини ўзлаштиришдан бошлаган Нурмат Дўстматов корхона қошида ташкил этилган ердამчи хўжаликнинг ишларини оддийгина қилиб тушунтириб беради:

— Мен ҳар гал шу ҳақида ўйлаганимда жонажон Коммунистик партияимизнинг ҳар бир ишни олдиндан кўра билиш даҳосига қойил қоламан. 1979 йил март ойида область партия комитетининг Пленуми бўлди. Пленумда кўрилган иккита масаладан бири ердამчи хўжаликлар ҳақида эди. Пленумда ўртоқ Шароф Рашидов иштирок этдилар, нутқ сўзладилар. Пленум минбарига айтилган сўзларни тинглар эканман, назарим-

да қалбимга чўғ ташлангандек бўлди. Эртасига корхонамиз партия ва касба союз ташкилотлари билан маслаҳатлашиб, барча ходимлар иштирокида йиғилиш ўтказдик. Корхона қошида ердამчи хўжаликни ташкил этиш ҳақида йиғилиш қарор қабул қилди. Ушанда бирмунча вақт аввал Жиззах чўлига борганимизда Арнасойда ўз вазифасини ўтаган темир йўл рельслари уюмига кўзим тушганди. Дастлабки ишни ўша рельсларни ташиндан бошладик. Автобазамиз территориясида деярли ёғоч-тахта ишлатмасдан молхона қурдик. Ҳамма ишни ходимларимизнинг сменадан ташқари вақтларида бажардик. Аслида бу ишни ҳашар десак ҳам бўларди. Лекин биз ҳар бир соат кўшимча иш учун ходимларимизга 58 тийиндан пул ёзардик. Бу пуллар ердამчи кассага тушарди. Шу тариқа корхонамизнинг ердამчи кассасида 5 минг 800 сўм маблағ йиғилди.

Энди ердამчи чорва фермаси учун мол сотиб олишимиз лозим эди. Йиғилган маблағ эса, ҳали мўлжалдагидан оз. Кечагидек эсимда, 21 апрель кун корхонамизда шанбалик бўлди. Шанбалик охирида яна йиғилиш ўтказдик. Ходимларимиз ўз ҳимматига қараб ердამчи кассага пул ташладилар. Йиғилган умумий маблағ 12 минг 700 сўмга



Суратда [чапдан ўнга]: Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани Мирсултон Мирқурбонов, Улуғ Ватан уруши ветерани, Сирдарё район ижроия комитетининг раиси Умар Ҳўжаев, УзССР Олий Советининг депутати, Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари Мўҳиддин Қаримов, меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё шаҳар Совети ижрокомининг раиси Назирбек Ҳайдаров, Сирдарё район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Эргашбой Абдуқодиров район марказида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган эсдалик-ҳайкали ёнида.

етди. Май ойининг бошларида 27 та қорамол, 3 та қўй, битта от сотиб олди. Уша йили октябрь ойида перечисление йўли билан Тожикистондан 80 та ҳисори қўй сотиб олди.

Автобазамиз ҳовлисида ҳамisha беда ўсиб ётадиган кичик майдон бор эди. 1980 йил март ойида ана шу ерни лимонзорга айлантиришга аҳд қилдик. Енгил машина ҳайдовчиларидан ҳар бири ўн кишидан иборат опита бригада ташкил этдик. Ҳар бир бригада ўз сменасидан ташқари ўртача уч-тўрт соатдан ишлади. Уларга ҳам, юқорида айтганимдек, ҳар қайсиюга соатбай пул эзилар ва ўша пул ёрдамчи кассага ўтказиларди. Шуни ҳам айтишим керакки, биз ҳар гал мол сўйиб гўшт тарқатганимизда ходимлардан пул олмаймиш, балки ёрдамчи кассадаги пулдан ҳисоб-китоб қилиб юборавемиз.

Шундай қилиб, 1980 йил 10 ноябрь кўни лимонларнинг дастлабки тулларини ўтказдик. Уша йили учта секцияга ниҳол экилди. 1981 йили яна иккита секцияга, 1982 йили тагин иккита секцияга лимон ниҳоллари ўтказилди. Жами 68 сотих ерга 590 туپ ниҳол эдик. Шундан 350 тупи ҳосил кўрсатди. Утган йили 15 минг дона лимон етказдик. Шу беш йиллик охиригача лимонзоримиз 300—350 минг дона лимон етказадиган бўлади. Келгусида лимонзордан келадиган фойда ҳисобига ходимларга бериладиган ҳар бир килограмм гўшт нарҳини икки сўмга туширишимиз.

Ишнинг кўзини билиб меҳнат қилinsa, ҳар бир жойда ҳам оз харажат билан кўп фойда олиш мумкин. Ёрдамчи хўжалигимизда одам кўп эмас: чорвада уч киши, лимонзорда уч киши ишлайди. Яъни чорвада бир киши сут соғувчи, икки киши боқувчи. Шу боқувчиларнинг бири — Незъматжон Абдулхаев қассобликни ҳам эплайди. Лимонзоримизнинг асосий соҳибкори Ортиғали Фармонов машҳур лимон устаси Зайиiddин Фахриддиновдан иш ўрганиб келди.

Ёрдамчи хўжалигимизнинг яна бир яхши жиҳати шуки, ҳозир автобазамиз шофёрлари орасида ичкиликбозлик, онлавий жанжал деярли йўқ даражада. Чунки улар ўзларининг ишдан бўш вақтларини ёрдамчи хўжаликда ёки қорхонамиз клубида ўтказадилар. Клубимизда эса, шахмат-шашка, биллиарддан ташқари дзюдо, самбо кураши тўғараклари ишлаб туради. Шунинг учун биз ходимларимизнинг ота-оналаридан ёзма ёки оғзаки равишда раҳматномалар эшитиб тураемиз. Улар автобазамизда тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлайдилар...

Автобаза директори Нурмат ака Дўстматов ўз қорхонасидаги олижаноб ишлар хусусида шу тариха мароқ билан сўзлаб берди. Бу сўзлар кўпчилик манфаати учун жон куйирадиган, ишбилармон, ғайратли бир раҳбарнинг сўзлари эди.


Дервоқе, ишбилармон, ғайратли, моҳир раҳбар... Сирдарё районида чинакам жонкуяр, моҳир раҳбарлар оз дейсизми?! Қадимий Мирзачўл даштини ўзлаштириш учун Фарғона водийсидан чўлга ташриф буюрганлардан бири Муҳиддин Каримов, мана, ўн саккиз йилдан бери Сирдарё район партия комитетига мутасил раҳбарлик қилиб келяпти. Ленин ордени нишондори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати М. Каримов ўзининг ишчанлиги, жонкуярлиги, олижаноблиги, кўплаб шогирдлар етиштириши билан Сирдарё райони меҳнатқашларининг хўратини қозонган. Мазкур районда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикада хўтор системасини тугатиш ҳақидаги қарори биринчилар қаторида бажарилган экан, бунда ҳам моҳир раҳбар — биринчи секретарининг хизматлари каттадир.

Районнинг ишчан, моҳир раҳбарларидан яна бири собиқ журналист,

Улуғ Ватан урушининг иштирокчи Умар Хўжаевдир. Уруш йилларида Қизил Юлдуз ва 2-даражали Ватан уруши орденлари билан, урушдан кейинги тинчлик йилларида эса Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил байроқ (3 марта), Хўрмат белгиси (2 марта) орденлари билан мукофотланган У. Хўжаев йигирма икки йилдан бери Сирдарё райони партия ва совет ташкилотларида хизмат қилиб келади. Ғоят камтар, ғайратли коммунист Умар Хўжаев айна пайтада Сирдарё район ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлайтир.

Сирдарё — областининг энг йирик ва кўп тармоқли райони. Унда ҳартаю дон, гўшт ва сут, асал ва тухум, қовун-тарвузу сабзавот, субтропик ўсимликлардан лимон, хурмо, апельсини мандарин етиштирилади. Район меҳнатчилари ўтган йили СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллик муборак тўйини меҳнатда энг яхши кўрсаткичлар билан нишонладилар. Пландаги 12 минг тонна ўрнига 15 минг тонна дон, 6 минг 900 тонна ўрнига 8 ярим минг тонна сабзавот, 1350 тонна ўрнига 1550 тонна гўшт топширдилар. Шунингдек сут, тухум, жун, қовун-тарвуз, узум ва бошқа мевалар буйича ҳам планлар ошириб бажарилди.

Маълумки, 1982 йил пахтакорлар учун оғир келди. Аммо қўриқ областининг барча пахтакорлари сингари сирдарёликлар табиат инжиқликларини мардонавор енгиб, бу борада ҳам кўзланган мақсадага эришдилар. «Ленинград» колхозининг Амир Синдорев бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 45 центнердан, СССР Олий Советининг депутати, «Малик» совхозининг бригада бошлиғи Тўхтажон Қирғизбоева 40 центнердан пахта топширдилар. Шу сингари илгор бригадалар, мавсумда юз тонналаб пахта терган механизаторлар пахтачилик билан машғул бўлган барча колхоз ва совхозларда бор. Пахтакорларнинг юксак ҳиммати, ғайрати тўғайли ўтган йили Сирдарё райони қўриқ областининг 420 минг тонналик хирмонига муносиб ҳисса қўшди: 50 минг тоннадан кўп оқ олтинни она-Ватанга тўғша этди.



Ўзбекистон халқ шоири ҲАБИБИЙ

дарё райони қўриқ областининг 420 минг тонналик хирмонига муносиб ҳисса қўшди: 50 минг тоннадан кўп оқ олтинни она-Ватанга тўғша этди.

Қисқаси, муборак Сирдарё соҳилига жойлашган Сирдарё районининг кишилари меҳнат билан ўз ерларида мўъжизалар яратмоқдалар.



Лимонзорда етишган мўл ҳосилдан ҳамма хурсанд. Суратда: «Ленинград» колхози лимонзорларининг илгор соҳибкорларидан Роҳатой Тогаева, Гўлҳебра Шералиева, Улуғой Мавлонова, Хосият Турдиқулова, Замира Ниятова ўзаро гурунглашиб ишдан қайтаётдилар.

Н. Шарипов фотоси

XII АСРДА ЎРТА ОСИЁДА ЁЗИЛГАН АСТРОНОМИК АСАР

УзССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидagi Шарқшунослик институти кўлэмалар фондида форс тилида ёзилган астрономияга оид 4467 инвентар рақамли кўлэма сақланиб келинаётир. Кўлэманинг бошланиш қисми ва ўртасидан тахминан 30 варағи йўқолган. Қолган варақлари эса муқовалаш вақтида бир-бири билан шу даражада чалқошиб кетганки, уни ўқиш ва мазмунини аниқроқ рўйбга чиқариш амри маҳол эди. Шу сабабли асарнинг номи, муаллиф илмоси номаълум, ҳатто текст жараёнида ҳам муаллиф ўзини тилга олиб ўтмаган эди.

Кўлэма анча қийинчилик билан тартибга келтирилди. Маълум бўлишича, кўлэма 134 варақдан иборат экан. Унинг матни оқ жигарранг, шарқ мамлакатларида ишлаб чиқарилган қалин қорозга нуқтали ҳарфлар нуқтасиз ҳолда насх хати билан кўчирилган (формати 19×36 см).

Бизнинг эътиборимизни кўлэма охиридаги котиб ёзиб қолдирган ушбу сўзлар ўзига жалб этди: «Китоб... олтиоз (ёки «еттиоз»); сўз ўчирилган ва ҳарфлар нуқтаси қўйилмаган, жуда суст ёзилган, сўзни «олтиоз» ва «еттиоз» деб ўқиса ҳам бўлади) ўттиз учинчи йилнинг муборак рамазон ойда Жалол ал-Бухорий номи билан машҳур бўлган заиф банда Аҳмад бин Муҳаммад қўли билан тасом бўлди».

Бу сўزلардан кўлэманинг 633 қижрий йилнинг рамазон ойда, яъни (1236 миллодий) йилнинг май ойда ёки агар 733 йилнинг рамазон ойини олсак, миллодий 1333 йилнинг май-июнь ойда кўчирилгани маълум бўлади. Табиқийки, бу асар уни қайта кўчирилган йилдан анча илгари — Абу Райҳон Беруний (973—1050) ва Насриддин Тусий (1200—1274) даврлари ўртасида ёзилгандир. Кўлэма варақларининг ҳошиясига ўрта Осийеда машҳур ва турли фан соҳаларидан энг ноҳир ва қимматли асарларни тўплаган бухоролик олими Хўжа Муҳаммад Порсо (822/1419 йилда вафот этган)нинг муҳри қўйилган.

Бу асар Птолемейнинг (эрамининг II асри) ўрта асрларда кенг тарқалган геоцентрик системасига асосланиб ёзилгандир. Ўрта аср Шарқда Птолемейнинг фалакитъ ва жуғрофия соҳаларида ёзилган китоблари кенг тарқалган бўлиб, араб ва форс мунажжим ва географлари ўз асарларини ёзданда унинг назариясига таянган эдилар. Мазкур асар муаллифи ҳам ўз ишида шу йўлдан боради ва Птолемейнинг фалакитъ ва жуғрофия тааллуқли «Катта тўплам» ва «Жуғрофия кўлэмаси»дан фойдаланади.

«Катта тўплам» араб олимлари орасида зўр ҳурмат қозонгани учун «ал-Махистий» деб аталган, иккинчи асар эса одат бўйича «Жуғрофия» деб ёзилган.

Бундан ташқари, муаллиф Птолемей асарлари шарҳловчиси Теон Ис-

кандарийнинг (эрамининг IV асри) номи ва унинг «Зиж» («Астрономик жадваллар») номи асарини эслатиб ўтади. Теоннинг бу китоби аслида Птолемейнинг «ал-Махистий»-сидан интихоб этилгандир. Муаллиф ўз асарида ўрта асрнинг Яқин Шарқ, Ўрта Шарқ ва Ўрта Осий мунажжимларининг астрономик кузатишлари натижаларининг айрим маълумотларидан ҳам фойдаланган. Масалан, у эклиптика текислигини экваторга эгилиш бурчак миқдори (моил-и аъзам) масаласига келганда «...бу миқдор мунажжимда ҳар хилдир: Птолемейда (бу миқдор) 23° 51', Яхъ бин Абу Мансур (IX аср)да — 23° 31'», деб кўрсатади. Кейинроқ муаллиф шундай ёзади: «Мара аҳолисидан айримлари шундай дедилар. Мансур бин Талха ат-Тоҳирий (IX аср) эса бундай дейди: унинг замонида астрономик кузатишлар олиб борганлар, улар бурчак миқдорини 23° 34' деб берган; Бағдодда бу бурчак миқдори 23° 51' деб белгиланган. Баттонийнинг (852—959) Рикъада ўтказган кузатиши, Бу-л-Хусайн Суфийнинг (903—986) Шерозда ўтказган кузатиши, Абу-л-Вафо Бузожийнинг (940—998) ва Абу Ҳомид Сағонийнинг (X аср) Бағдоддаги кузатишларида 23° 35' деб берилган; Абу Махмуд Хўжандийники (X аср) — 23° 32' 24'' чиққан. Одамлар (яъни мунажжимлар) 23° 51' ни моил бурчакнинг миқдори қилиб олганлар, чунки кузатишларнинг кўпи шу миқдорни кўрсатган».

Муаллиф Абу Райҳон Беруний ва ўрта асрда Сомонийлар жуғрофиячиси бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Аҳмад бин Наср ал-Жайҳонийга (IX—X асрнинг биринчи чорағи) ҳам мурожаат қилади. Насриддин Тусий ҳамда ундан кейинги мунажжимлар номилари асарнинг бизгача етиб келган қисмида учрамади. Юқорида кўрсатиб ўтилган далилларга асосланиб, бу фалакитъ асари Абу Райҳон Беруний ва Насриддин Тусий яшаган даврлар ўртасида ёзилган, дейиш мумкин.

Асар ун мақолада иборат. Улардан фақат учинчисигина тўла сақланган. Кўп бобни ўз ичига олган биринчи мақолада (бизгача 1—19 боблар етиб келган) фалак доиралари, улар ҳаракати хусусияти тўғрисида гап кетади. Муаллиф эклиптика кутби (бурж фалакнинг кутби) устида тўхталганда шундай дейди: «Птолемей бўйича эклиптика кутби ҳар юз йилда бир градусга ҳаракат қилади; кейинги олимлар фикрича, эса у ҳар олтиш йилда бир градусга ҳаракат қилади». Юлдузлар тўғрисида эса муаллиф: «Олимлар 1023 юлдуз устида кузатиш олиб бордилар, уларнинг кенглик ва узунликларини (координатларини) аниқлаб, 48 туркумга тақсимладилар: улардан 23 таси эклиптикадан шимолда, 15 таси эса жанубда жойлашган», деб ёзади. Мақолада юлдузларнинг туркуми ва юлдузнинг жойлашиши ҳам кўрсатилган.

Асарнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда кўп астрономик жадвал ва чиқиқлар келтирилган. Аввалги асарларда фақат таъриф усули қўлланилган бўлса, бу асарда таъриф билан бир қаторда математик жадваллар, чиқиқлар ва ҳисоблардан ҳам кенг фойдаланилган. Абу Райҳон Берунийдан кейин фан тарихида биринчи марта астрономик асбоб-

ларга эга ҳалқа ва рубъ (яъни квадрант)нинг тик кесилш таърифи, уларнинг чиқиқлари мазкур асарда берилган. Таъриф ва чиқиқлардан кўринишича бу асбоблар мукамалроқдир.

Асарнинг иккинчи мақоласида физик жуғрофия, яъни ер шакли, унинг қуруқлик ва сувли қисмлари, уларнинг координатлари ва иқлимлар тўғрисида сўз юритилади. Муаллиф ернинг қуруқлик қисмини етти иқлим (яъни куннинг қиёсан узунлигига нисбатан экваторга параллель жойлашган кенг минтақалар)га ва ҳар иқлимни уни йилда энг узун кун билан боғлиқ бўлган кенглигига тақсимлаш тўғрисида тўхталади. Муаллиф куннинг узунлигини соатлар ҳисобида ва координатлари градус-да келтирган. Ернинг қуруқлик қисми масаласига келганда, у шундай фикр юртади: «Қуруқликнинг кенглиги тўғрисида Птолемей ернинг экваторидан жанубда қуруқлик борлиги хусусида ҳеч нарса демайди ва ернинг экватордан шимолга 66° гача қуруқлик деб кўрсатади. Кейин у ўз «Жуғрофия»сида қуруқлик кенглиги 79° 40'—ни ташкил этади, улардан 16° 40' экватордан жанубда ва 63° эса шимолдадир, дейди. Ваҳоланки, одамлар ўртасида экватордан кейин қуруқлик йўқ деган фикр тарқалган. Машҳур шаҳарлар ер экваторидан шимолда жойлашгани тўғрисида улар шундай фикрга келганлар».

Бошланғич меридан масаласига келганда, муаллиф шундай хулосага келади: «Қуруқлик бошланишини шарқдан ҳам, ғарбдан ҳам олиш мумкин. Аммо бу масалада юнонийлар биринчи бўлганлар. Улар қуруқлик бошланишини ғарбдан ҳисоблаганлар, чунки уларга ғарб яқин бўлган учун шундай қилганлар. Улардан бурунгилар қуруқлик бошланишини Жазoir-и Холидот (Қанир ороллари)дан олганлар ва бу ороллар ғарб умонини (яъни Атлантик океани)да жойлашган эди. Ороллардан қирғоққача (яъни Африканинг ғарбий соҳилгача) бўлган масофа 10° дир. Муаллиф гоҳо градус ўрнида бошқа масофа ўлчовлари, масалан, «милли» ҳам ишлатади: «Рум денгизи (Ўрта ер денгизи) ғарбда бошланиб, Сур ва Саида (Ливан)гача етади. Унинг шимолда юнон, рум, франке ва жалол ерлари жойлашган. Рум денгизининг океандан Сургача бўлган узунлиги бешюз милли ташкил этади». «Олон, ҳазар ерлари Итил дарёсининг Турган ёки Обисқун (Каспий) денгизи қуйилиш томонида жойлашган», дейилади китобда. Муаллиф қўллар тўғрисида ҳам тўхталади, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда жойлашган қўлларни ҳам тилга олади. Масалан, Орол денгизини у «Бухай-ре-йе Хоразм» ва Иссиққўлни «Барсхон яқинида жойлашган Исқул» дейди.

Бу асар денгиз ва иқлимлар таърифланган вақтда мамлакатимизнинг уша замонларда яшаган халқларининг, шаҳар ва ўлка номиларининг тилга олиниши билан ҳам қизиқариб ва қимматлидир. Масалан, Қора денгизни тавсифлаганда у шундай дейди: «Мантус (Пантус) денгизи: унинг атрафида арман, рус ва склобунд яшайдилар. Бу денгизни «Тропеубунд денгизи» ҳам дейдилар».

Бешиччи ва олтинчи иқлимларга келганда, у туркларни тилга олади

ва «қоти, қур, хирхиз, камол, туғуз-ғуз (нуқтали ҳарфларга котиб нуқта қўймаган), ҳазарларни шарқ туркларига мансуб этган. Шунингдек муаллиф Ўрта Осий, Қозоғистон ҳамда Шарқий Туркстоннинг кўпгина шаҳар ва ўлкалари номиларини айтиб ўтади. Булар орасида Болосоғун, Хутон, Фороб, Саброн, Зост, Фарона, Тароз, Шов, Испижоб, Аструшана, Самарқанд, Суғд, Бухоро, Хоразм, Қабо ва бошқалар бор.

Муаллиф келтирган мана бу маълумот ҳам диққатга сазовордир: «Еттинчи иқлим аҳолиси ваҳшиларга яқин: уларнинг жойи кенгликнинг 63° да жойлашган. У ороллар ва Жазира-йе Тули (Сули) номи билан аталади, унинг аҳолиси ҳаммомларда яшайди ва у ерда куннинг узунлиги 20 соатни ташкил этади. Птолемей бир жойда «64° кенглигиде сақолибаларга мансуб бўлган бир қавм яшайди», дейди.

Муаллиф асарнинг иккинчи мақола-сининг иккинчи бобини ёзданда юқорида номи келтирилган ал-Жайҳонийнинг «Масолик ва мамолик» номи китобига асосланади. Бу боб денгизлар таърифига бағишланган.

Ун икки бобдан иборат бўлган учинчи мақола илх жисди бағишланган. Бу ерда «соат», «ой», «қарни» ва ҳоказо тушунчалар таъриф этилади ҳамда ҳар илх ҳисоблари тилга олинади. Мазкур мақолада муаллиф халқлар урф-одатлари ва байрамлари тўғрисида ҳам гапириб ўтади.

Хўш, бу қандай асар ва унинг муаллифи ким? Биз бу саволга аниқлик киритиш учун Шарқшунослик институти фондидаги фалакитъга оид барча рисоаларни синчиқлаб ўрганиб чиқдик, аммо ўз тузилиши билан қўлимиздагига асарга ўхшаш биронта ҳам кўлэмани учратмадик.

Машҳур совет шарҳшуноси И. Ю. Крачковский ўзининг «Арабская географическая литература» номили асарининг XII асрда яшаган Шарқ саёхатчиларига бағишлаган ўн биринчи бобда Хоразмининг кенг қўлама бутун Ўрта Осийнинг муқўллар истилосигача бўлган араб тили география адабиётининг тараққийида ўйнаган ролини кўрсатиб, бундай дейди: «XII асрда кўп номлар, астрономия ва география соҳасида ёзилган асарларнинг кўпчилиги шу район билан узвий боғланиб келади». У нисбати Марв яқинидаги жой билан боғланган, 1138 йил (533) да вафот этган хевалик Муҳаммад бин Аҳмад ал-Хусайни (Ч. Брокельманда — «Баҳоуддин Абу Муҳаммад Абдалжаббор бин Муҳаммад») ал-Ҳарақийга тўхталиб, эҳтимоил у сарой мунажжимлари сифатида хоразмшоҳлар саройига яқин бўлган ва кўпична Хевада яшаган, дейди.

Маълумки, Ал-Ҳарақийнинг асосан асарлари араб тилида ёзилган бўлиб, асарияти фалакитъга тааллуқлидир. Буни «Мунтаҳал-л-идрок фи тақосим ал-афлок» асарининг номи ҳам кўрсатиб турибди. Крачковскийнинг кўрсатишича, бу асар уч мақоладан иборат. Биринчи мақолада фалақлар тузилиши ва уларнинг ҳаракатлари тўғрисида сўз юритилади. Иккинчи мақолада ернинг шакли, унинг қуруқлик ва сувли қисмларга бўлиниши, жойларнинг координатлари устида тўхталанади. И. Ю. Крачковский шундай қайд этади: «Таърифий география учун энг қизиқарили бўлган жойи ер қуррасининг денгизлар тав-

**Тадқиқот,
кашфиёт,
ахборот**



Зоя ТУМАНОВА

Биз биламиз: авваллар фақат
Бу саволга ўрин йўқ эди.
Эркакларда эди марҳамат,
Эркакларда ҳақ-хуқуқ эди.
Биз эслаймиз, эски ақида,
Афсоналар қолдирган ҳақни.
Усти-бошлар, кийим ҳақида,
Эркакники бўлган у вақтни!
Шим ҳам, ҳатто нафис нимча ҳам
Уларники... Ҳеч ким бермас панд.
Муаммони эркак этар ҳал,
Эркак қўли ҳаммадан баланд!
Эркак даво топқир, қўли гул,
Болаларга ўрнак ва устоз.
Аёлларга маддадор кўнгил —
Тандирин ҳал этолган шоввоз.
Аммо дамлар от кўйиб олда
Ер ҳам тезроқ айланар эди.
Давр аёлни чорлади олға,
Даврга у бойланар эди.
Кунларимиз иш билан тиклаб,
Севиб, куйиб, интилиб қолдик.
Ҳамма юкни зиммага юклаб,
Елкамизга бир йўла олдик.
Ҳазил эмас, юкимиз ҳам зил!
Шиоримиз эса хилма-хил.
Е эркакдан бўлинг «эҳтиёт!»
Е «эркакни қилинг эҳтиёт!»
Аёлларнинг бошлари очик
Катий турар бу синалган гап:
Тамакани чекамиз аччиқ,
Сўзимиз ҳам қўпол, бор сабаб!
Табийки, ён бер демаймиз,
Табийки, ён берувчи йўқ.
Ажрашсалар — ажрашамиз биз,
Дўқ қилсалар, бизда ҳам бор дўқ!
Амалга ҳам эришамиз гоҳ,
Идмларни тошдай йўнашимиз.
Уйлаб боқсак, қарасак огоҳ
Қайга бориб, қайга жўнаймиз?!
Қайда қолдик, қайда турдик тик?
Яна бизга ўзи не керак!
«Уз йигитим» сўзин эшитдик,
Яна бунди: «Бу яхши эркак!»
Керак эмас бу хил эрмаклар,
Бўлайлик биз ахир камтарин.
Эркаклар, ҳов, яхши эркаклар,
Бизга ўзлимиз қайтаринг!?

ДАВР СЕНИ ЧОРЛАДИ ОЛҒА

КУЗ

Куз, сен бунча олтинга макон,
Ҳароратинг, нуринг майин, хуш.
Шунақами! Е бирор имкон...
Шамолларда жўш урасан, жўш!
Олтинларга бурканиб, яшнаб,
Узоқларга нигоҳинг ташлаб.
Ўткир нигоҳ, пайқайсан аниқ,
Мен ҳам уни кўраман ёниқ.
Кузнинг япроғида товланиб ҳар ёғ
Олтин безагини тақиб олган боғ!
... Новдаларнинг нақ учига боқ
Наҳот қайта гуллар очилса?
Кўз олгудек ёниб очилса...
Ноябрда? Йўғ-е, бу не қол?
Нега сўнмас — бераман савол,
Не-не сирни айтсам-чи очик.
... Ахир ҳазон тўзиб ётибди,
Елда сузар. Таъми ҳам аччиқ.
Билмоқ учун қалб ҳам қотибди.
Гоҳ тин олар, гоҳ учиб кетар,
Изм-ихтиёр йўқ экан унда.
Эй, куз, ахир саҳий қалб

бўлгин...

Иссиқ-совуқ кор этмас шунда
Ноябрда гул очиб кулгин!

ЭСКИ КИТОБ

Шамолдай ўзгариб турар модалар,
Вақт-соат ҳам қувиб борар кунларни.
Янгиликни ҳаёт бир-бир тўдалар...
Бу-чи, китоб —

мен севаман уларни.

Давр ҳар хил, юртлар ҳам борди ўзга
Ким у ҳаёт лазазатини рад этган.
Ухшатиш, қиёсим ўринсиз балки кўзга,
Ёқимли товушлар — қулоқда кетган.
Нега керак ушбу қисмат, эй, шеърим,
Ижод деган қутлуғ, муборак туйғу.
... Бир қарашда — гоҳи мен шундай

дердим,

Бетартиб сўзлардан қаторлашса у.
Ҳислардан, ораздан ортан тугўним,
Ҳозир ҳам барҳаёт ўша йиллардек.
Эришиб бўлмас дард — удир армоним,
У сўнмас юлдузлар — бунди билардик!
Ешлик эса худди қайноқ саратон,
Худди паққос ёққан қордир бесабоб.
Аср ҳам, асар ҳам — ҳаммаси бор гап,
Ҳаммаси бир бўлиб аталар — Инсон!

МЕНИНГ ШАҲРИМ

Оддий иш деб қарарлар —
Гоҳ назарда, гоҳда йўқ...
Аммо бирдек сезарлар
Кузнинг ҳавоси тўлиқ,
Тонгда кун оқармасдан
Чироқ ёймоқ шарт тонгда.
Дераза қоқар аста
Шамол ҳам онда-сонда.
Уй бетартиб, беором,
Еш эмассан ўзинг ҳам...
Меҳмон келар ҳар оқшом,
Мослан, шаҳринг муҳташам...
Тингла кўчанг куйини,
У сенга доим таниш.
Устур дейди бўйингин,
Эзиб кўймисин ташвиш!
Сени боққа йўллади,
Чиройин тутмас дарғи.
Биноларинг кулади
Қаршингда нурдай ёруғ.
Ғиштин-нақшин деворлар
Ҳаётга чирой кўшар.
Қатор айвонда порлар —
Чироқлар — ойга ўхшар.
Узуи зиналар — тизма,
Гоҳи нақшдан белбоғ.
Асфальтлар ўзин сезмас —
Улар мовий дарё, боқ?...
Тезроқ чиқ оstonадан
Оқимга бул сен ҳам эш.
Тезлатиб кўйгин қадам
Шаҳарга мос, пешма-пеш.
Одамларга қўшилиб,
Ёмғир шига ёққанда,
Автобус келса тўлиб,
Сен-чи унга боққанда...
Шошилсан, чиқсан,
Кун ёмғирнинг эқмида.
Атрофга кўз тикасан
Сен автобус ичиди!
Қўшни, таниш, ҳамшаҳар
Саломингда вақти хуш.
Кўрганингда ҳар сафар
Дилинг яйрар эркин қуш.
Қўшиллар шошиб ҳатто
Бошдан бошга ўтказиб.
Сенга ҳам олар патта
Тангасини тутқазиб.
Қандай бахти, шу шаҳар
Сенинг она маконинг.
Орзудек кулиб боқар
Қолмас зарра армонинг.
Унга қулочим ёзиқ,
Бағрида яшар бағрим.
Инсон юздек иссиқ,
Чароғон менинг шаҳрим.

САЙЕР таржималари

сифига бағишланган иккинчи мақо-
ланинг иккинчи бобидир. Энг аҳа-
миятлиси шундаки, ал-Ҳарақий ўзи
келтирган бир қатор маълумотларни
ал-Жайҳонийдан олган, ҳатто бутун
бобни унга асосланиб бошлайди».

Бизнинг эътиборимизни Крачков-
скийнинг ал-Ҳарақийнинг «Мунтаха-
л-дрок фи тақосим ал-афлок» асари-
га, яъни асардаги мақолалар сони,
иккинчи мақоласининг иккинчи боби
мазмуну ва муаллифининг ал-Жайҳон-
ийга асосланганлигига берган ха-
рактеристикаси жалб этди. Ушбу
маълумотлар қўлимиздаги номаълум
асарга жуда ухшашдир.

Ал-Ҳарақий асарининг тавсифи
ўтган асрда В. Альвардт томонидан

чиқарилган Берлин кайзер қўлёзма-
лар кутубхонасининг каталогига кел-
тирилган бўлиб, унда асарнинг, асар-
даги мақолалар ва айрим боблар-
нинг номлари кўрсатилган. Улар ҳам
мазкур қўлёзмага айнан ўхшаш.
В. Альвардт муаллифининг асар охи-
ридаги сўзларини ҳам келтирди,
унда «ва ҳина интаҳина ила ҳа хуна
фаланатхум ал-китоб биҳаза-л-
фасл» — «Биз бу ерга етганимиздан
кейин, китобни шу фасл билан ту-
гатдик». Қўлимиздаги қўлёзмада
муаллиф асарни мана бундай сўзлар
билан тугатади: «ва чун суҳан бедин
ниҳоят анжомид, дарин китоб бедин
бахт батм кардан омад» — «Сўз бу ни-
ҳоя билан тугагандан кейин, (биз) бу

китобни шу боб билан тамом қил-
дик». Асардаги мақолалар ва боблар
номининг мослиги, В. Альвардт кел-
тирган ал-Ҳарақийнинг араб тилида
ёзилган асарининг охири жумласи
билан бизнинг форс тилида ёзилган
(ёки арабчадан таржима қилинган)
фалакиётга доир асарининг охириги
жумласининг ўхшашлиги бизни,
Шарқшунослик институти қўлёзмалар
фондида сақланиб келётган асар-
нинг муаллифи ал-Ҳарақий бўлиши
мумкин, деган фикрга олиб келди.
Дерҳақиқат, ал-Ҳарақий ўз асарини
XII аср одатларига бўйсуниб, араб
тилида ёзган бўлиши мумкин. Чунки
биздаги нусха шу асарининг форс ти-
лидаги таржимасидир. Агар бизнинг

бу хулоса ва таҳминимиз тўғри чиқ-
са, асаринимизнинг номи «Мунтаха-
л-дрок фи тақосим ал-афлок»дир.

Хулоса қилиб айтганда, УЗССР
ФА Шарқшунослик институти қўлёз-
малар фондида Абу Райҳон Беру-
нийдан кейин фалакиёт соҳасида
Урта Осиё астрономи Муҳаммад бин
Аҳмад ал-Хусайни ал-Ҳарақий томо-
нидан ёзилган нодир қўлёзма сақла-
ниб келинмоқда ва бу асар мазкур
фан тарихини ўрганишда қимматли
манбалардан бири ҳисобланади.

Равно ЖАЛИЛОВА,
УзССР ФА Шарқшунослик
институтининг катта
илмий ходими

ДЕҲҚОН ОИЛАСИ



Бахтиёр кексалик гаштини сураётган Холмат ота ва Зайнаб ая фарзандлари — Ширин, Қулмамат ва Нормаматлар билан.

А. Жданов фотоси.

Байрам кунлари Холмат бобонинг ҳовлиси ҳар қачонгидан гавжум бўлади. Эл хизматида бўлган фарзандлари, боғча ва мактаб ёшидаги неваралари отанинг бағрини тўлдиряшади. Ака-укалар, опа-сингиллар, келин-куёвлар кенг ҳовлини тўлдириб давра қурадилар.

Олакўйлик қишлоғини «Холмат бобонинг қишлоғи» деб бежиз айтишмайди. Уруш ва меҳнат ветерани бўлган бу отaxonнинг уч ўғли, икки қизи эл назари туган эътиборли кишилардир. Катта ўғли Шамсиддин колхозда ер тузувчи инженер. Уртанчаси Қулмамат Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик химияси бирлашмасининг Китоб район бўлимида бош бухгалтер. Кичик ўғли Нормамат олий маълумотли агроном, колхоз касабаси союз комитетининг раиси. Катта қизи Ширин ҳосилдорликда рекорд қўйган маккажўхорилик бригадасининг бошлиғи. Айни вақтда колхоз хотин-қизлар советини ҳам бошқаради. Ҳамжаси Асалхон колхоз касалхонасида ҳамшира. Ҳамжаси ували-жували. Ота ҳисоблаб қараса, неварачеваралари ўтиздан ошибди. Бирин-кетин қучоғига отилган жажжи невараларини бағрига босаркан, уларнинг исмларида баъзан адашиб қолади. Акбарни Абдор деб эркаласа, Илҳомни Уктамжон деб опичлайди.

Холмат ота давра тўрида ўтириб, фарзандлари камолини, неварачевараларининг қоматини ғурур билан кузатаркан, беихтиёр ўтмишини эслаб кетади.

1929 йилда майда деҳқон хўжаликлари уюшиб, колхоз тузилди. Ўттиз иккинчи йилмиқан, ҳозир аниқ эсломайди, Иванов деган рус кишининг қишлоққа «ХТЗ» тракторини ҳайдаб келиши ўзига хос байрамга айланиб кетди. Ҳамма машина атрофида парвона. Моторини «тир-тирлаб ишлаши ҳам, рулни дадил бошқараётган Ивановнинг халти-ҳаракати ҳам кишиларга сеҳрли туоларди. Эндичи! Колхознинг катта техника парк, юздан ортиқ юк машинаси бор. Ушанда йигирма тўрт яшар навқирон йигит Холматни Ивановга ёрдамчи, аниқроғи, тракторга сувчи қилиб қўйишди. Трактор ҳар икки айланганда унга сув олиб югурар, гоҳида эса рулни бошқараётган Ивановнинг ёнига ўтириб, тракторнинг «пот-потлаб ишлашини синчковлик билан кузатарди. Шу орада МТС маъмурияти колхозларнинг раҳбарларидан тракторчилар тайёрлаш курсига борибш учун одамлар сўради. Колхоздан уч киши, жулмадан Холмат Раҳматов ҳам Каттакўрғон шаҳрига қўйишга жўнатилди. Тракторчилик курсини муваффақият билан тамомлагач, у Китоб район МТСида механик-инструктор бўлиб иш бошлади. Бу ерда унинг раҳбарлигида маҳаллий кадрлардан ўнлаб тракторчилар тайёрланди.

Улғу Ватан уруши йилларида душманга нисбатан алангаланган нафрат туйғуси уни жанг майдонларига бошлади. Икки марта яраланди. Львов шаҳрини озод қилишда кўрсатган жасорати учун олий кўмондонликнинг ташаккурномаси билан тақдирланди. Партия сафига ўтди. Коммунист деган юксак номни оқлаш учун довураклик намуналари кўрсатди. 1946 йилнинг ноябрида кўкси жангвор орден ва медалларга тўлиб юртига қайтди. МТС партия комитетининг секретари, устaxона мудари, бош механик бўлиб ишлади. Қишлоқ хўжалигини тиклашга ҳисса қўшди. Эллигинчи йилларнинг охирида техника куч-

лари хўжаликлар ихтиёрига ўтгач, назоратчи механик вазифасида етимиш учинчи йилгача ишлади. Ҳамқишлоқлари орасидан кўплаб шогирдлар етиштирди. Ҳозир колхознинг оғирини енгил қилаётган бош инженер Носир Санаев, участка механиклари Жонтемир Облақулов, Холиқ Хайруллаев, Жалил Мавлонов ва бошқалар — унинг шогирдлари.

Умр йўлдоши Зайнаб ая ҳам меҳнатда донг тартган аёллардан. Эллигинчи йилларда пилладан сурункасига рекорд ҳосил олиб, элнинг эътиборини қозонди. Унинг кўксини «Қашқадарё областида хизмат кўрсатган пиллакор» нишони безади.

Мана бугун чолу кампир кексалик гаштини суришмоқда. Узоқ самарали меҳнатлари эвазига, қолаверса, эътиборли фарзандларининг шарофати туйғайли улар донм иззат-хурматда. Бир-бирдан ширин невараларининг камолотидан қувониб яшамокдалар...

Ҳа, бахтиёр қариялар фарзандлари билан ҳар қанча фахрлансалар эрзийди. Мана, катта қизи Ширин Холматовани олинг. У ўзини сифини тамомлаши биланоқ колхоз ташвишига шерик бўлди. Уша йиллари республикамиз бўйлаб турсунойчилар ҳаракати кенг қулоқ ёзган эди. Бобир номли ўрта мак-

лади. Ширин Холматова бошлиқ бригада коллективи республикамиз ёш маккажўхориқорларининг юбилей йилида 2 миллион тонна қаҳрабон дон етиштириш учун бошлаган ташаббусига қўшилиб, ажойиб муваффақиятга эришди: 80 гектар майдоннинг ҳар гектарыдан 100 центнердан дон ундириб, улуг байрамга муносиб тўёна тайёрлади.

Холмат ота фарзандларининг коллектив ичида камол топаётганини чуқур ҳис этади. Ўзлари ҳам шу фароғатли кунларга коллектив хўжалик туйғайли эришдилар...

— Ошим ҳам дам еб қолди. Қулмамат билан Нормамат ишдан қайтса, суза қолардим,— деди Зайнаб ая ўчоқ бошидан келиб чолининг рўпарасига ўтираркан.

Холмат ота оҳиста ўрнидан туриб, колхоз идорасига телефон қилди, ўғли Нормаматни суриштирди. — Бир гуруҳ колхозчиларни Мирқоки дам олиш уйига жойлаштириш учун кетдилар,— деб жавоб қилди қабулхона секретари. Ота ўрнига келиб ўтиришга улгурмасданок район марказидан — катта ўғли Қулмаматнинг иш жойидан кўнгироқ бўлди:

— Қулмамат ака эрталаб Қаршига, мажлисга кетдилар,— деди телефонда район Қишлоқ хўжалик химияси бўлимидагилардан бири.— Ушанақаси зарур иш билан Тошкентга ўтарканлар...

Ота биров хомуш тортиб жойига ўтирди.

— Кампир, ўйилларимиз кўпчиликнинг ташвиши билан банд эканлар. Ошингизни сузиб келаверинг,— деди Холмат ота.

Зайнаб ая ўрнидан вазимин турди-да ошхона томон юрди. Ҳадемай ош сузиб келди. Холмат отанин фарзандлари — Шамсиддин, Ширин, Асалхон ҳамда куёвлари дастурхон атрофида жам бўлдилар.

— Ширинхон қизим, мана бу йил қишлоқ хўжалик техникумини сирдан тамомлаб, агрономлик дипломини қўлга олдингиз,— деди Холмат ота пилладаги чойни бир-бир хўплаб.— Ғайратингиз ҳаммаизни қувонтиради. Ўқини яна давом эттироқчимисиз?..

— Дада, кўпдан орқада қолмаслик учун Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг сирчи бўлимига кириш ниятим бор. Бу хусусда сизлар билан маслаҳатлашмоқчи эдим,— деди майин жиймайиб Ширин.

— Тилақдошимиз, қизим. Ўқинг, ўқинг ўзади. Бизку ойингиз билан шароит қийинлигидан, орага уруш қўшилиб, ўқибмай қолдик. Сизлар ўқинглар...

Уша куни Холмат отанин ҳислисида суҳбат алламаҳалгача давом этди. Суҳбатдошлар қашқадарёлик ҳамюртлари юбилей йилида давлатга 650 минг тонна «оқ олтин» топиширишга аҳд қилганликлари, Қарши ва Ўрта Қашқадарё қўллариде янгидан саккизта совхоз ташкил этилгани, шулардан олтитаси маккажўхориқликка ихтисослашгани, меҳнат илғорларининг шахсий ташаббуслари ҳақида ва бошқа мавзуларда сўз юритишди.

Холматовлар оиласи — оддий деҳқон оиласи. Қатрада қувш акс этганидек, ана шу оддий деҳқон оиласи мисолида ҳам бунёдкор халқимизнинг ўтган олтимши йил ичиде эришган маънавий камолотини кўриб турибмиз.

Шомурод СИДДИҚОВ



таб маъмурияти ва колхоз инженер-механикларининг ҳамкорлиги билан мактаб қошида механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курси ташкил этилди. Ширин ва унинг тенқурулари курсини тамомлагач, қизларнинг қўлига «зангори кемаларнинг калити тутақилди. Лекин дастлабки йили иш осон кўмади. Ширин ва унинг дугоналари тажрибасизлик қилиб, терим машиналарини тўла қувавтада ишлашга олмадилар. Ҳар бирининг мавсумида терган пахтаси атиги 60—80 тоннани ташкил этди. Лекин турсунойчи қизлар умидсизланмадилар. Келгуси йили агрегатларни ремонт қилишда бевосита иштирок этдилар, машинадан унумли фойдаланиш маҳоратини эгаллашга интидилар. Кузда Ширин Холматова ўзига хос рекорд қўйди. У машинада 250 тонна пахта териб, механик-ҳайдовчилар ўртасида биринчилигини эгаллади. Шу-шу Ширин Холматова ўзининг ҳаракатчанлиги, ҳалол меҳнати билан эл назарига тушди. Колхоз правлениеси Холматовага катта ишонч билдириб, уни маккажўхориқлик комсомол-ўшлар бригадасига бошлиқ этиб тайинлади. Ширин Холматова бир неча йилдирик, шу бригадага етакчилик қилмоқда. Ҳосилдорликда районда биринчилигини эгал-

УЛУҒ ДАРҒА

Отаназар АБДУЛЛАЕВ,
медицина фанлари доктори, профессору



Буқо аждоқларимизнинг илм-фан соҳасида эришган ютуқларини улуғлаш, шунингдек, уларнинг юбилейларини тантаналар билан нишонлаш бизнинг кунларимизда анъана бўлиб қолди. Чунончи, 1973 йилда Абу Райҳон Беруний, 1975 йилда Абу Наср Форобийнинг туғилганига 1100 йил тўлиши кенг нишонланди. 1980 йилда Абу Али ибн Синонинг туғилганига 1000 йил тўлиши муносабати билан оламшумул тантаналар бўлди. Ватанимиз 1983 йилда Муҳаммад Хоразмийнинг туғилганига 1200 йил тўлишини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда.

Бу борада республикамизда жуда катта илмий ва ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан улуғ олимнинг медицина фанига доир қарашлари тўғрисидаги мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчи эдик.

Бизга етиб келган маълумотларга кўра, олимнинг туғилган ва ўлган йили жудама анёқ эмас. Лекин унинг ижодий фаолияти билан боғлиқ бўлган даврларга қараб, уларни бир даража аниқлаш мумкин. Хоразмий олим сифатида VIII асрнинг иккинчи ярмида намён бўлади. Аниқ маълумотларга қараганда, анча кексайиб қолган Хоразмий 847 йилнинг август ойида вафот этган Бағдод халифаси Восиқнинг таъясига ҳозир бўлган. Орадан кўп ўтмай Хоразмий ҳам оламдан ўтган.

Хоразмий ўз даврида олим сифатида математика, астрономия ва география фанларини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшган. И. Ю. Крачковский, В. В. Бартольд, С. П. Толстов, М. Сальварнинг тасдиқлашларича, Хоразмий бутун жаҳон математика фанининг асосчидир. Ҳатто унинг номи Европа мамлакатларида лотинлаштирилиб алгоритм деб юритилган ва шу ном билан ўрганиладиган фан ватандошимиз номи билан аталган.

«Хоразмий медицина соҳасида илмий иш қилганими»,— деган савол ўз-ўзидан туғилади. Маълумки, Хоразмий яшаган даврда олимлар илмнинг ёлғиз бир соҳаси эмас, кўп тармоқлари билан шуғулланганлар. Манбалардан Хоразмий фақат математик бўлиб қолмай, астрономия ва география фанлари бўйича ҳам кашфиётлар қилганиги маълумдир. Медицина фанига келганимизда, бу соҳа қадимги барча олимларни қизиқтириб келган. Файласуфлар, тарихчилар, шоирлар, астрономлар, математиклар, географлар, алхимиклар медицинани ҳам бирдек билганлар. Шу даврдаги машҳур табибларини олиб қарганимизда, уларда ҳам худди шундай ҳолни кўрамыз. Ҳаммага маълум ва манзур олим-табиб Абу Али ибн Сино, Абу Бақр Розий, Фахриддин Розий, Исмоил Журжоний, Умар Чағиний, Абулғози кабиларнинг фақат медицина билангина эмас, балки фанининг бошқа соҳаларида ҳам узлуксиз иш олиб борганлари маълум.

Хоразмийнинг ижодий фаолияти ҳам қўқиррали эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Унинг тутган мавқеи Хоразмий фақатгина медицина илми эмас, унга яқин турган илмлар билан узвий боғланганлигидан далолат беради. Шу ўринда биз Хоразмийнинг қандай қилди Бағдодга бориб қолганлигини, у ерда катта обрў-эътибор толиб, Бағдод халифаси Восиқ дафн маросимида унинг бошида бўлиши тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтмоқчимиз.

Шарқшунос олимлар келтирган маълумотларга кўра, Урта Осиёдаги давлатларда араблар келгунга қадар илм-фан соҳаси анча яхши ривожланган. Абу Райҳон Беруний ўзининг асарларида, ерлик аҳоли, хусусан, астрономия фанига оид масалалар юзасидан баъзи юлдузларнинг жойлари, ҳаракати ва номларини араб олимларига қадар аниқ билганлар, деб ёзади.

Шуларни эътиборга олсак, ўз вақтида барча илм соҳасида ўткир олим бўлганлиги, айниқса астрономия фанини чуқур билганлиги сабабли Хоразмийнинг Бағдодда ташкил этилган «Олимлар жамоаси»га раҳбарлик лавазисига қўйилган.

М. Сальварнинг ёзишича, «Олимлар жамоаси»нинг энг муҳим илмий изланишлари асосан астрономия фанига оид эди.

Хоразмийнинг Бағдодда бўлган даври уч халифа ҳукмдорлигига, ҳаммаси бўлиб 34 йилга тўғри келади. У Бағдодга тўпланган барча миллат вакиллари билан биргаликда илмга хизмат қилади. Шулардан олимнинг куч-қайратга тўлган даври Маъмун халифалиги давридир. Шу халифа даврида у 20 йилга яқин «Олимлар жамоаси»га — («Байтул-ҳикмат»га — академияга) раҳбарлик қилади.

Маълумки, астрономия фанига боғлиқ астрология фани, арабларда «илм аҳком ан-нуҷум» («юлдузларга қараб тақдирни аниқлаш») дейиладиган фан мавжуд. Умуман олганда, осмоннинг ерга, юлдузларнинг одамга боғлианишни ифодаладиган фанини ҳиндлар, юнонлар, хитойлар, шунингдек, Эрон ва Урта Осиё халқлари араблардан олдин билганлар. Лекин араблар бу хил тасаввурлар билан танишга, уни ислом дини билан боғлаб, янгича талқин қилдилар ва фан бутунлай диний шаклга кўчади. Улуғ олим астрономия илми билан яхши таниш бўлгач, астрологиянинг, яъни юлдузларнинг инсонлар тақдирига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини тушунтиришга интилади ва астрологияни илм-фандан ташқари тушунча, деб изоҳлайди. Бунинг далили сифатида қўйидаги мисолни келтирамиз. Хоразмийнинг бу фикрларини рад этиб, астрологияни ҳимоя қилиб асар ёзган Абу-л-Ҳасан ал-Ахвазиний фикрларига қарши. Абу Райҳон Беруний ўз даврида 600 арақдан иборат асар ёзиб, ватандошининг бу борада ҳақ эканлигини мисоллар билан тасдиқлайди.

Хоразмий қомусий олим ва ўз даврининг забардаст, доворак инсонларидан бўлгани, унинг табобат илминини тўғри йўналишга ўтказгани бу йўлдаги зўр тажрибалардан бирига — катта экспедицияга бош бўлиши билан боғлиқдир. Бағдод халифаси Куръоннинг ўн саккизинчи сурасида битилган, шу давргача каттиқ сир тутилган, эл оғзида эса шов-шувга сабаб бўлган муаммоларни текширишни Хоразмийга топширади. Воқеа шундай: ёзилишича, қадимги Византиянинг Эфес шаҳри яқинидаги тоғ қориди бир неча ёшлар ягона худого ишонувчилар, душманларидан қочиб беркинишган; уларни худого таоло ўттиз тўққиз йил уйкуга маҳкум этган, бир кунги келиб улар ўйнадилар, ораларидан биттасини бозорга нонга юбордилар: у бўриб, нон харид қилмоқчи бўлса, одамлар унинг қўлидаги пул эскирганини кўриб, ушлайдилар ва подшоҳ хузурига олиб бордилар. У подшоҳни бўлган воқеадан хабардор этгач, подшоҳ кўйиб юборди. У яна ўз бирдорлари ёнига келиб уйкуга кетади. Буларнинг ёмай-ичмай узоқ муддат ухлаши ҳақиқатан тўғрими — шунини аниқлаш олимга топширилади. Хоразмий экспедицияга бош бўлиб, Византияга боради. Хоразмийнинг шаҳрга нима мақсад билан келганидан хабар тоғдан халқ уни ҳар турли ақидалар борлигидан воқиф этидилар. Ҳатто бу муаммоларни ечишга бел боғланлар, оқибатда кўнсуз, оёқсиз бўлиб қолшини айтиб, қўрқитдилар. Олим бу афсоналардан чўчи-майди.

Олим билан бирига, уни кузатиб борган шоир Ибн Хордодбейнинг ёзишича: «Хоразмий кўркмасдан, форга мардонвор тўғри кириб борди, шу атрофда жойлашган художўйларнинг дод-войига қулоқ ҳам солмади, фор оғзига туриб олган диндорлар унга: «Ҳой, худонинг қаҳри-ғазабига учрайсан, шундай қадамжойини оёқ ости қилсанми?»— деб бақришларига қарамай, ичкарига кириб кетади». Дарҳақиқат, Хоразмий фор ичиди одам суюқларини кўриб, шу атрофдаги шайларга мурожаат этади: «Сизлар менга ҳақиқатан ҳам одамнинг бузилмаган жасадини, уйкудаги мурдаларни кўрсатарсиз, деб умид қилган эдим, қани, суюқлардан бўлак ҳеч вақо йўқ-ку!»— деб гордан чикиб кетади. Албатта, бу хилдаги экс-

педиция ўз даври учун ўта мардонвор, фан оламида эришилган ютуқ ҳисобланади. Хоразмий уйкуда узоқ муддат ётиб, табиядан узилиб қолиш, яъни уйкуда, ёхуд ёмай-ичмай узоқ муддат тирик яшаш мумкин эмас, деган хулосага келади, шу тоифа диний афсоналарини пучга чиқаради.

Улуғ олимнинг география илми соҳасидаги муваффақияти ҳам табобат илми билан боғлиқлик кетади. Хоразмий Урта Осиёда шаклланиб, кейинчалик Бағдодда ўз илмини вояга етказган. Ҳали араб дунёсига маълум бўлмаган, хусусан, география фанида ҳали очилмаган янгилекларни очган. Ҳиндистон, Эрон, шунингдек, Урта Осиё халқлари ер юзини етти иқлимга бўлганлар ва ер юзиди инсон яшашига қулай, шунингдек, одамзод яшамайдиган жойлар ҳам мавжудлигини билганлар. М. Сальве бу ҳақда шундай ёзади: «Хоразмий катта иқтидор ва ҳақиқий турмуш тажрибасига асосланиб, шу давргача инсон зоти зийтмаган янгилекларни дадил фан оламига олиб кирар эди. У жануб чегараси — экваторни биринчи иқлим деб олади, яъни жануброқ минтақа инсонлар яшashi учун мос, деган фикри ўртага ташлайди».

Хоразмий «Олимлар жамоасига раҳбарлик қилган даврдаги улуғ табиб олимларнинг номлари ва илмий асарларининг номи бизга маълум. Абу Зақерий Яҳё ибн ал-Битрик томондан улуғ юнон файласуфлари, табибларнинг Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель), Буқрот (Гиппократ), Жалниус ҳаким (Гален)нинг шоҳ асарлари араб тилига таржима қилинган. Шунингдек, Жалниус ҳакимнинг табобати ўша даврнинг машҳур табиби Саламавайҳ ибн Бунан томонидан кенг тарғибот этилган. Машҳур табиб ибн Масавайҳ лотин тилидан энг моҳир таржимон деб ном қозонган, у бу тилдан барча табобат асарларини араб тилига таржима қилган. Шу даврда Бағдодда «Олимлар жамоасида Хоразмийдан ташқари ҳам осийлик жуда кўп олимлар, табиблар бўлганлар. Шулардан бири мариллик Абу-л-Ҳасан Али ибн Саҳл Раббон ат-Ғабарийдир. Бу олим ўша даврда ўзининг табобатга оид («Донолик боғи») асари билан машҳур бўлган.

Яна қуйидаги маълумотга эътибор бериб ўтишни лозим топдик. Маъмун халифалиги даврида табобат илмида машҳур бўлган олимларга Ҳунайн ибн Исҳоқ табиб раҳбарлик қилгани аниқ. Бу олим Хоразмий раҳбарлигида иш тутган. Ибн Исҳоқнинг араб олами табобат соҳасидаги илмларни ривожлантиришдаги хизмати алоҳида ўрин тутди. У Жалниуснинг ҳамма асарини араб тилига таржима қилган. (Жалниуснинг асарлари 400 дан ортиқ бўлган.) Булардан ташқари, у Гиппократ, Платон, Аристотель, Диоскорид, Птоломей асарларини таржима этган. Унинг таржимонлик фаолиятидан ташқари 100 га яқин ўзининг қаламига мансуб асарлари мавжуд.

Қўпгина олимларимиз Бағдоддаги «Олимлар жамоаси» иши билан танишган; бу даргоҳ, асосан таржимонлик вазифасини бажарган, деб батамом нотўғри хулосага ҳам келадилар. Юқорида келтирилган табобат соҳасига доир далиллар бу даргоҳнинг раҳбари бўлган ватандошимиз Хоразмийнинг табобат илми олимлари билан ёнма-ён ишлаганигини ва ҳар бир яратилган асар катта илмий мунозаралардан ўтишида шу даргоҳнинг раҳбари Хоразмийнинг бевоисита иштироки, илмини тўғри йўналишда олиб бориши уни етук дарга сифатида намён этиади.

Хулоса қилиб айтсак, Хоразмий меросига қизиқшиш давом этмоқда. Ҳали унинг қўқиррали илмий мероси батамом ўрганилганга йўқ. Бу борада кўп изланишлар давом этади. Биз аминки, олим медицина соҳасининг ривожланишига, айниқса унинг тарққийсига тўғри йўналиш беришида ўзининг тутган позицияси билан, шунингдек, математика, астрономия ва географияни медицина фанига яқинлаштириши билан бу фан ривожига катта ҳисса қўрсатган.

СУЛУВ

ҲИКОЯ

КИШЛОҚЛАРДА ер испохоти ўтаётган кезлар эди ўшанда. Сулувнинг бу хонадонга келин бўлиб тушганига бир ойчадан ортиқ вақт ўтганди, уйи ҳали ўша тўйда-гидек катта палак, дор-печлар билан ясагиллик турибди. Эри Нормурод жамоат ишига бўйни ёр бермай, Шўролар ишига асқотқиси келмай шаҳарга бориб майда-чуйда савдо-сотик ишлари билан ўралашиб юрар эди. Бир кетганча уч-тўрт кун йўқолиб кетиб, мана бугун шаҳардан анча совға-саломлар билан уйига қайтиб келганда хотини хонасида йўқ эди. Йигитнинг ранги бирпасда бўздек оқариб кетди, чолганча ўчоқ бошида овқат пишираётган онасининг ёнига отилди.

— Эна, ҳой эна, Сулув қани?
— Ҳа, нима бўлди, ёв кувдимми, намунача рангинг оқариб кетди,— онаси ўзининг бошидан оёнгича кузатиб чиқди.

— Келинингиз қайга кетди, уйда йўқ-ку!

Онаси салом-аликсиз, ҳол-аҳвол ҳам сўрамай, хотинини сўроқлаётган ўғлига бироз қараб турди-да, кейин босиқлик билан тушунтирди.

— Анави тасқара Марямхон бору, ўша келиб мактабга олиб чиқиб кетди, хотининг савод чиқарар эмиш,— кесатиброк деди онаси.

— Нега рухсат бериб чиқариб юбордингиз?
— Бо, айланай болам, улар гапингга қулоқ солишардим, бир нарса деб кўрчи, нақ балота қолсан.

— Аҳмоқ, мен унга кўрсатиб қўяман.

Нормурод ҳовлиқанча Тўхтабойвачанинг ҳовлисига жўнади. Шу кишлоқли Тўхтабойвача деган бойнинг уйи мактабга олиб берилганлигини Нормурод яхши биларди. Эшик тагидаги қоровул Нормуродни ичкарига қўймади, шунда Нормурод қоровулни сўкиб, итариб ичкарига чопди. Савод чиқараётган ёш-яланглар пастгина бир хонага жойлашган эди. Нормурод ҳовлиқанча хонага бостириб кирди-да, ўқитувчи қизинг ҳой-ҳойига ҳам қулоқ солмай, Сулувни қўлидан тортиб судраганча олиб чиқиб жўнади. Ҳамама ўтирганлар ханг-манг бўлганча қолаберишди.

Нормурод кимсасиз кишлоқ кўчалари бўйлаб хотининг дашном берар, оғзига келган сўз билан Сулувни ҳақорат қилар эди.

— Сенга ким рухсат берди, мен сенга эрманми-йўқми, нега ўша юзсизларга қўшилсан?
— Ҳамама ўқияпти-ку, нимаси ёмон бунми!— деди Сулув овози чиқар-чиқмас.

— Нимаси ёмон эмиш, бориб турган аҳмоқ экансан, ўқишни кўрсатиб қўяман сенга, қўйиб берса ҳали юзингни ҳам очарсан, ўзингни бозорга соларсан!

— Нега ундай дейсиз, Марям опа юзини очиб юрибди-ку, анави Ойша ҳам...
— Учир овозингни, ҳе, ўша Марям опангни... Ойшангни ҳам... Сен ҳам ўшага қўшилиб бузилибсан, аблаҳ, ташна гап қайтаради-я.
— Ҳақорат қилманг...
— Ҳали тилинг ҳам чиқиб қолди-ми, лаънат сендек хотинга, мана хоҳ-

ласанг талоқ қилдим, ҳа уч талоқ қилдим,— деди ғазаб билан Нормурод.

Нормурод Сулувни уйга олиб келиб, сочларидан бураб роса дўппослади. Агар онаси кириб ўлини қарғаб-сиқтаб уйдан қувиб чиқармаса, келинини ўлдириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди.

Онаси келинининг у ёқ-бу ёғидаги қонанган жойларини хўл латта билан артан бўлди. «Сенга ўқишни ким қўйибди, ўқиб қаерга ҳам борардинг». Сулувнинг қайин онаси жаврай-жаврай келинига сув ичирди, кейин уй чеккасига ўрин солиб ётқизди. Нормурод бўлса онасининг хонасига кириб бироз тамадади қилган бўлди-ю, ўз қилмишига бироз ачиниб арзалаб танча четига ёнбошлагана ўхлаб қолди.

Ҳамама ғалва эртаси бошланди. Нормурод хотинини «уч талоқ қилганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб Сулувнинг отаси билан акиси етиб келишди. Эркаклар йиғилишиб, аввалига бир-бирлари билан обдон фикрлашиб олишди. Ҳар ким ўз фарзандини ҳимо қилиб, ўртадаги гина-адоватларни бир-бирларига тўкиб олишди. Кейин замон нозик, тагин кишлоқ шўросидагилар, жамоа вакиллари билиб қолишмасин, деб ёш келин-куёвни мурсоса-мадорига келтириш, оилани бузмаслик керак, деган қарорга келишди. Қўшинлардан Имомалихўжа деган тақводорга маслаҳат солишган эди: «Хотинини талоқ қилган бўлса, шарият бўйича энди бирга тура олмайдик», деб қолди. Ҳамама ялт этиб Имомалихўжага қарайди.

— Сиз шарият қонунларини яхши биласиз, бизга бир маслаҳат бериб энди,— илтижо қилди Нормуроднинг отаси.

Имомалихўжа бошини қимирлатиб сарак-сарак қилиб: «Сиз шарият қонунларини яхши биласиз», деган ибора унга жуда ёқиб кетди шекилли, қироат билан сўзлай кетди.

— Шариятга шак келтириб бўлмайдик, хотинини «талоқ» қилган бўлса чакки бўлибдир. Эй, нодонлар, ҳозирги замоннинг ёшлари. Эмом бўлиб кетишди...

Имомалихўжа тасбиҳини ўгириб, бироз ўйлиниб қолгандек бўлди. Ҳамманинг кўзи унда. «Жумбоқни кўп нарса биладиган шў одам ечиб бермаса нима қилиб юрибди», хаёндан ўтказди бошини қўйиб солиб ўтирган Нормурод.

— Никоҳда ҳудои таолонинг муҳри бор, ҳа, бунқа нарса билан ўйнашиб бўлмайдик.

— Узингиз, тақсир, бир йўлини топинг, ахир қуруқ қўямасиз,— Нормуроднинг отаси ёлворди.

— Иншооло, иншооло, бир йўлини топуриимиз.

Ҳамама ялт этиб Имомалихўжага қарайди.

— Шариятда бир йўл бор,— калтагина йўталди домла. Нормурод ёнидаги чойнақдан бир пиёла қўйди-да, Имомалихўжага тутди. Гўё шуни кутиб тургандек Имомалихўжа чойдан ҳўпладди-ю, кейин сўзида давом этди.

— Биллоки, бундай кудур ушларга биз бепарво қарамаслигимиз фарзидир. Ёшларга йўл кўрсатмоқ

даркор. Йўли шундай: кўнглингизга шубҳа тушмасин, кўзини чирт юмиб келинини бир бегона одамга никоҳ қилмоқ зарур бўлур.

Ҳамама ўтирганлар ханг-манг бўлиб қолишди. Нормурод ўнғайсизланди. Бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, Имомалихўжа унга «жим тур» дегандек ишора қилди.

— Кейин ўша бегона эркакнинг уйда бир кун бўлса ҳам аёл яшамогини шарият тақозо этур. Бас, андан сўнг ўша бегона одам хотинини, яъни сизнинг хотинингизни «талоқ» қиладур... Шундан кейин уни ўғлингизга қайтадан никоҳ қилурмиз.

— Бу қанақаси, нега энди!— Нормурод қизариб-бўзариб ўрнидан туриб кетди.

— Қани, йигитча, жойингизга ўтиринг, сазойи киши хотинини «талоқ» қилсун, яна қайтараман, шариятга шак келтириб бўлмас,— деди Имомалихўжа қизиб.

Хуллас, бу можаро анча вақтгача муҳокама этилди, Сулувни кимга никоҳ қилиш қўйиш ҳақидаги масала анча тортишуларга сабаб бўлди. Охири «қўй, оғиздан чўп олманган» йигит ҳам топилди. Абдуқодир деган қўшқа бош бир чўпон йигитга никоҳлашадиган бўлишди. Имомалихўжа ўша йигитни яхши билганлиги учун қафиллиқни ўз устига олди.

* * *

Сулувни Абдуқодир чўпонниқига кечкурун олиб бориб, никоҳлаб келишди.

Чўпон кишлоқнинг бир чеккасида омонатгина қурилган қулбада ёлғиз ўзи ночор аҳволда яшарди. Баъзан емак-ичмакка ҳеч нарсаси бўлмасди. Имомалихўжа никоҳ ўқиб кетгач, Сулув бир чеккада эски пўстак устида ўзининг аянчи қисматига ҳайрон бўлиб, бошини ҳам кўтармай ўтирарди. Абдуқодир ҳам осмондан тушгандай бу ғариб қулбада намоён бўлган келинчаққа қандай илтифот кўрсатсини, нима дейишини билмай қа даб хонада у ёқдан-бу ёққа юрарди. Сулув бўлса безовта йигитнинг ўнғайсиз аҳволга тушиб қолганини сезиб хижолат чекарди. Ниҳоят, чўпон йигит бир нарса эсига тушгандек ташқарига чиқиб ўтин олиб келди, кейин ўчоққа олов қалади, қанондан бери қайнамай занг босиб ётган қозонни ювиб сув солди, қозикча анчадан бери илб қўйилган қотган гўштини олиб қозонга ташлади. Кейин қора кумфонга сув солиб, ўчоқнинг бир чеккасига қўйди. Узи бўлса кўзи аниша-аниша оловни пуфлади, ниҳоят, қуруқ ўтин тасир-тусур қилиб ёна бошлади. Бу вазифини бажаргач, Абдуқодир тоқчадаги чанг босиб ётган қозонларини олиб ювмоқчи бўлганда Сулув чидай олмади, ўрнидан туриб чўпоннинг қўлидан қозонларни олди. Аёл эмасми, энди у билиб-билиб ўз ишини қиларди. Бир пастда ҳамма нарсалар ювиллиб-тозаланиб, қулбага бироз жон киргандек бўлди. Эски сопол идишда зўрга аёнаётган пахтадан ясалган пилик ҳам бироз тўғриланиб қўйилганда, хона сағал бўлса ҳам ёришгандек бўлди. Қозон ҳам қайнаб ҳалиги сур гўштининг ҳиди ҳаммақини тутиб, иштаха кўзғотди. Сулув кечадан бери бўлаётган можа р о

лар туфайли ҳозирга қадар туз тотмаганди.

Хуллас, хуфтонга яқин қора шўрва сузиб келинди, бир бўлак қотган гўшт ўртага қўйилди. Сулув бир бурда кепак ноини олиб шўрвадан танавул қилабошлади. Негадир шўрва унга жуда ҳам мазали туюлди.

Абдуқодир ёнидан пичогини олиб, ҳалиги қотган гўштини майдалаб нон устига қўйиб, «қани олинг», деди.

Шу вақт қора кумфондаги сув биқиллаб қайнади. Абдуқодир «мен ҳозир» деб чой дамлашга кўзғолди.

— Йўқ, йўқ. Сиз ўтира бериб, чойни мен дамлайман,— деди Сулув ва диқ этиб ўрнидан туриб кетди.

— Майли-майли, дамлай қолинг,— деди Абдуқодир жойига қайтиб ўтираркан.

— Қуруқ чойингиз қаерда!— сўради Сулув ийманибгина.

— Анави қутчада, олماчой бор,— деди чўпон уялликчираб.

— Ҳа, биз ҳам олмачойни кўп ичганмиз,— деди Сулув.

Чой ҳам дамлашиб келинди. Ҳалиги сур гўшт шўр бўлганлиги боисидан икковлари ҳам анча чой талаб бўлишганди. Олмачой худди ёддек кетарди.

— Чойни яхши дамлар экансиз,— деди Абдуқодир Сулувга қараб.

— Нимаси бор... шушчаки чойида,— деди Сулув зўр-базўр овозини чиқариб.

— Мен дамласам бунчалик бўлмасди...

Сулув индамади. Қўлидаги қипқизил рангдаги чойни ердан бошини кўтармай пуфлаб-пуфлаб ичарди.


Вақт алламаҳал бўлиб қолганда, икки ёш негадир жойларидан қимирламай сукутда ўтиришарди. Аммо сўзлашмаслар ҳам сукутда гўё юрак дарсларини бир-бирларига ҳасратлашаётгандек туюларди.

Абдуқодир ўз аянчи ҳаёти ҳақида ўйларди. Чўпон йигит эртаю кеч йўловларда юриб, одамларнинг қўй-қўзилари, молларини боқиб тирикчилик ўтказарди, унинг отаси ҳам, онаси ҳам инқилбодан олдин чорночорликда ўлиб кетишган. Абдуқодирнинг ёши йигирма тўртларга бориб қолган. Шу вақтгача бирор аёл билан юзма-юз ўтирмаган. Ҳозир бўлса тун оғушида шундай гўзал бир фаришта қаршисида ўтирибди-ю, унга на бир сўз айта олади, на қарай олади. Агар қараса бирор гуноҳ қиладигандек... Имомалихўжа ака: «Тагин сен келинга кўз олайтира кўрма, уят бўлади-я, агар унга бирор гап бўлса сени тинч қўймайман», деб қўриқганди.

Лекин Абдуқодир Сулувга зимдан қараб, унинг хира чироқ нурида олоқ бўлиб гоҳо-гоҳо кўриниб кетётган билакларига, баъзан учрашиб қоладиган охуниқидек тим қора кўзларига, ҳайдар қоқилларига қараганча махлиё ўтирарди. Қани, энди шу аёл унинг хотини бўла қолса, умр бўйи унга хизмат қилган бўларди. Минг афсуски, бугунги ўқилган никоҳ шушчаки, юзакки, хўжа кўрсингал! Эртага Сулувни яна олиб кетишади...

Абдуқодир бўлса яна ёлғиз қолади... Бечора ғариб чўпонга ҳам бирор аёл кишининг қўлини ушлаш насиб этмиркан, бу бевафо фақир дунёда унинг ҳам пешанасига ёруғ тушарми-

НИЗОМИЙ ВА НАВОИЙ



Николай
ТИХОНОВ

УЛУФ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий XII асрда, улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий XV асрда яшади. Уларни бир-бирларидан уч аср ажратиб туради, лекин бугун улар бизнинг кўз ўнгимизда, номлари халқ шухратининг сунмас нурафшонлигига чулганган мангу барҳаёт сиймолар сафида ёнма-ён турибдилар. Жаҳон шеърятининг энг гавжум анжуманида улар ўзларининг мустақил ва мўътабар ўринларига эгадилар. Низомий ва Навоий номини Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Шота Руставели, Шевченко ёки Габриэль Данте, Шекспир, Гёте, Байрон каби титанлари номлари билан ёнма-ён қўйиш мумкин...

Низомий ва Навоий маърифатли халқни, дошишман, янги илмга интилаётган халқни, юксак сийёсий камолга эришган халқни, санъат, музика, шеърятни севадиган, техника ва фанни севадиган, ўтмишнинг шафқатсиз ақидаларидан озод, ўз йўлида ҳеч нарсадан қўрмайдиган халқни, ҳарбийлар ва инженерлар, шоирлар ва галлакорлар, замонавий билимларни эгаллаган пахтакорлар ва чорвадорлар, металлурлар ва темир йўлчилар, денгизчилар ва унчулларни бор бўлган истиқболдаги халқни кўрар эдилар.

Бу ажойиботларнинг ҳаммаси Совет ҳокимияти — дунёдаги энг шорона, энг гўзал ҳокимият ижодида. Улуғ шоирлар учун халқнинг бу қадар юксак ва покша муҳаббатига сазовор бўлишдан ҳам олий шодлик йўқ, зеро, улар ўзлари машаққатли ва азобли ҳаёт зулмати ичида бўлишларига қарамай, гўзал келажакни кўра билган эдилар...

Биз Низомий ҳаёти ҳақида жуда кам нарса биламиз, лекин бизгача келиб етган маълумотлар унинг дағиллама уйда, чўғдек гиламлар устида, ё чилим чекиб, ё Арабистон атирини ҳидлаб, бу дунё ҳурлари даразида ўтирганини ва ўз илҳомининг инжуларини завқ-шавққа тўлган муҳлисарига бағишлаётганини кўрсатмайди. Бунинг ўрнига, унинг гилам эмас, йиртиқ кигиз устида ўтиргани, олдига дурру забаржад эмас, китоб сийҳдон тургани, ҳаммаёқ сув куйгандадек жимжитлигига қўлини узатса етадиган жойда йўл ҳассаси ёгани бизнинг кўз ўнгимизга келади. Шоирни саройнинг асосасию дабдабаси буза олмади. Султонлар саройидаги гиламлар чириб кетди, саройлар вайронга айланди, қимматбаҳо буюмлар гоийб бўлди, лекин дунёда инсоний ҳақонинг боқий ҳазинаси бўлмиш шеъринга қолди. Шундай қилиб, Низомий султонларни ва бой-

ларни, ўша замон зулматларини енгди.

Бизга муаррихлар шоҳидлик берадиларки, ўша замон Озарбайжонда маданий ҳаёт кенг ривожланди. Хунармандчилик ва санъат камол топди, шахарлар обод бўлди, савдо ўсди. Бокуда, Шамоханда, Ганжада, Байлоконда, Бардада маҳобатли ва гўзал бинолар қурилди. Қўли гул хунармандлар, тўқувчилар, гиламўзлар, қурол-озалар, зебу зийнат усталари кўп эди. Ажойиб шоирлар пайдо бўлди.

Худди мана шу йилларда, Ганжа шаҳрида Низомийнинг бешта унутилмас инсоний достони — «Хамса» («Бешлик») дунёга келади... Бу илҳом оқими узоқ вақт жуда кўп шоирларга баҳра берди.

...Мана, биз бошқа бир асрда, бошқа бир мамлакатдамиз. Рўпарна-миздаги сарғиш тоғнинг жиздиган бўлиб ётган, туртиб чиққан соҳналариде катта қалъанинг миңоралари. Тоғнинг пастиде — шаҳар: у ерда, боғларни оралаб оқаётган ариқчалар ялтирайди, кўҳна дарахтларнинг шоҳлари олмос учкунларини сочаётган фавворалар узра эгилди туради, гиламлар ва ёстиқлар устида нафосат муҳлислари савлат тўкиб, беилтифот бир алфозда ўтиришди. Булар оддий муҳлислар эмас. Булар барча санъатларнинг билимдонларидир. Бу — султон Хусайн Бойқоро Хироти, «фахш ва санъат, тижорат ва фан шаҳри»дир.

Бу ер, Саидбадр каби дунёнинг энг яхши рақослари ўйнайдиган, назари йўқ Бехўзд, кўлёмзани куйловчи чаманга айлантириб юборадиган «хатотлар шоҳи» Султон Али Маъшҳадий расм чизадиган кичик Бобилдир; бу ерда сехргар найчи Шайх Нойи кўйини эшитиб шодимар бўлиш мумкин, бу ерда шоир ва мустабид султон Хусайн Бойқоро жаллод болтасининг зарбнин ҳам, истиора ёхуд ҳажнинг бехато нишонини ҳам баҳолаи олади. Бу — чир атрофи қўрғон, боғ, амлок, даладар, узумзор, ҳар йили йигирма миңдан кам қўл сотилмайдиган бозор бўлган осийвий Париж — улуғ Навоийнинг ватандир.

Бу бошқанинг соясиде қоладиган ном эмас. Бу шунақа ярқираб турадиган номки, унинг шуъласи жилвасини ҳамма ерда кўрасиз. Мана, янги ва гўзал бинолар, улар анор ёкасидаги дарахтлар соясига гарк. Мана, шифохона, ҳаммом, даришлар қўналгаси, маичт — янги мадраса, бутун бир мавзеки, ундан яхширогини кўриш маълум. Буларнинг ҳаммаси султоннинг ўнг қўли, дошишманд вазирни, шоир ва амир Алишер Навоий томонидан қурилган.

Янги музикаларнинг қадрига етадиган машоҳқларни тинглаб боқинг. Булар — Навоийнинг янги қўшиқлари ва куйлари. У олимлар, мусававрлар, созандаларнинг ҳомийсидар. У биров қарашга тортинадиган жуудлар кийим-де ўтирмайди, даришга ўхшаб юрмайди. У башанг ва гўзал; Бобир айтдики: «Алишербекнинг мизожини нозук билан машҳурлар. Эл назоқатини давлатининг гуруридан тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқанда эканда ҳам ушмундоқ нозук мизож экандур».

Агар Низомийнинг портрети йўқ бўлса, Навоийнинг портрети бизгача етиб келган. Уни портретинг ажойиб устаси — хиротлик мусававр Маҳмуд Музаҳҳиб чизган; унда содда, лекин дид билан кийинган, юзларидан ўз қадр-қимматини яхши билиши ва гурури экани аён бўлиб турган, ингичка ҳассага таянган бир киши тасвирланади. Хиёли истеҳзоли табассумга мойил лаблари, ярашғили соқоли, синовчан кўзи, кенг пешанаси — барчаси юксак заковат ва фавуллодликдан шоҳидлик бериб турибди...

Бугун, биз Низомийнинг достонларини ва Навоийнинг достонларини қайтадан мутлоа қилганимизда, бу икки улуғ инсон озодлиги ва эхтиросининг ижодини озиклантирган, замоналар занжирини узган дунёни ҳис қилиш қобилиятларининг кучи аққол намоён бўлади.

Шу қадар жуърятли эътиқодга, шу қадар катта юракка эга бўлган, истиқболдаги янги ижтимоий тартиб, ундаги тамомила бошқача инсоний муносабатлар тарҳини кўрган Низомий ва Навоий, табиийки, хоҳ ширшонхошлар даврида бўлсин, хоҳ темирйўллар даврида бўлсин, якка-ёлғиз эдилар. Улар куйлаган идеоллар учун дунё ҳеч мос эмас эди.

Улар ҳар иккиси ҳам ўша даврининг ҳўкмдор-қўлдорлари бетига қараб туриб, таҳдирловчи шеърлар айтдилар. Ҳўкмдорлар уларнинг қўшиқларини ё шартли эртак, ё тахт учун кураш фикридан қайтган, бейлож сарой амалдорларининг бебоклиги деб ўйлардилар.

Лекин қандай сирну синоат рўй бердики, уч ой илдан кейин улуғ Навоий «Хамса»сида улуғ Низомийнинг мавзуларини такрорлади! Бунда Низомийдан топиш мумкин бўлмаган қандай фазилат бор эди ва шечр неча асрлардан бери шеърят салтанатида ҳўкморлик қилаётган узоқ ва яқин ўлкаларнинг кўп шоирлари тақлидига боис бўлиб келаётган, тан олинган даҳо билан туйғулур мусобақасига кириш учун уни қандай қудрат дэвэат этди!

Башарти биз асрлар ажратиб турган шу машҳур шоир ва файласуфларни нима ақиллаштиришини кўрсак, бу ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади. Низомий ўз халқининг кучига, унинг ҳақиқати ва юксак мақсадига ҳеч қачон шубҳа қилмаган эди. У халқ билан гоъят яқин эди. У мағрур ва ҳалол яшади. Унинг шоирлик васияти чўқур ишонч ва ҳаққонийлик билан суғорилган эди. У шундай деб ёзди:

Этак силмак зинҳор улуғ ишлардан.
Мақомингни жўр эт дунё солинга.
Ким беллашса, восил ҳаёт розига.
У — диловар, ҳалол ичгай ошини.
Оннинг қўнгли кўзуга қадар пок вўрур.
Ҳар тасвирини қингир эмас, рўст

бегурр.
Эл сафига ким ўз бўлиб кирмаиш,
Салда билан ҳамоноатни чирмаиш.

У фалакни бешафқат жаллод айлантириб турмаслигини, инсонлар ва иродали аскар қўпол ёввойидан ҳамisha зўрлигини теран дошишманлик, худди қўш қаби, зулм зулматини ҳайдаб юборишини билар эди. Чор атрофда мутаассибона ёввойилик ҳўкм суради. У дин эркинлигини эътироф қилишни тарғиб этди, чекланган миллий нодонликка байналминнал дунёқарашнинг бутун кенглиги билан жавоб берди.

«Маҳзанул-асрор» саҳифаларидан бизга янги гоълар тарғиботчини бўлмиш шоир кўз тикиди. Бу жуда ҳалол ва жуда ишончи комил жангчи жазаваси ва шоир шавқатига эга бўлган мутафаккир. Ярамас ҳокимлар урушлар ва мамлакатнинг ёмон бошқарилиши оқибатида хонавайрон бўлган халққа ҳамдардлигини биз унинг феодалларга қарши бегумон ҳамласи сифатида қабул қиламиш. Шоир халқнинг ҳам, ўзининг ҳам ҳаёти ва тирикчилигига ҳўжайин бўлиб олган куч устидан ҳўкм чиқаришга қўрқмайд...

Навоий ўзининг ҳар томонлама тўкс истеъдоди, ҳайрон коларлик ҳайётсварлиги тўфайли ўз замондорларидан илгарилар кетганини, умрини ишрат ва қўшиларга қарши жангу жадаллар йўлида соуврадиган вазирилар ва феодадлар даврасининг чинакам вакили эмаслигини ҳис қилар эди. Унинг инсонпарварлиги, унинг ҳақиқатга, адолатга муҳаббатли ёркин, кўтаринки, романтик ҳаёт қаҳромонлигини кенг қўламда ҳис қилиши, унинг гайратли, маърифий фаолиятга чаққонлиги ва ватанпарварлиги атрофдагиларга ҳаётийлиги жиҳатидан гўзал, жозиб, ижроси нуқта назаридан шобън-диққат шеърый ҳодиса сифатидагина, уйдирма, рўёбга чиқиши маҳол бўлган образлар сифатидагина туюнулар эди, лекин улар бу бадий манзаралар ботинида очик-ойдин ифодаланган замонавийликни кўрмас эдилар. Ҳўкмдор шоир қалами чизиб берган маҳлуқотларда ўзини тангисни келмас эди.

Ҳа, Навоийнинг қаҳрамонлари ўладилар, лекин қаҳрамон бўлиб ўладилар...

Навоий дунёни аяхшилик уйи деб билди. Унинг замонида дунё бундай эмас эди. Дунё бир уй эдики, унинг ичида минг хил ёмонлик қайнаб ётқанди. Бу ерда зулмининг ҳамма, ҳатто энг ваҳишона турлари ҳўкмфармо эди. Навоий олим Улуғбек ҳақида худди шу бугун бизнинг давримиз тўғрисида айтилгандак жанрангайдиган сўзларни битган, дунёнинг шу қадарли замонавий гражданини кўра олган:

Валек ул, илм сорн топти чун даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.


Навоийнинг халқларга муносабати кенг миқёсlidir. У ўзини миллий мутаассиблик қобигага ўраб қўймайди. Араблар, арманлар, славянар, хитойлар унинг достонлари саҳифаларида хоразмликлар, юнонлар билан ёнма-ён шайдилар.

У замин қудратини, деҳдон халқнинг қудратини, унинг ҳайратомуз меҳнатини қуйлади, Низомийга ўхшаб, халқнинг ёнини олди, эзувчиларга қарши чиқди. Шунинг учун у султон Хусайн Бойқорнинг мактабда дўсти бўлишига қарамай, унинг вазири улароқ, Хиротни янги қуришилар билан беэагани ва давлатнинг эҳтиёжлари учун жон тортадиган, фатхўр арбоб сифатида ном чиқарганига қарамай, олиймақом дўс-

РАССОМ
Ў. ТУРСУННАЗАРОВ
АСАРЛАРИДАН



Буюк олим Ал-ХОРАЗМИЙга Урганч шаҳри марказида ўрнатилган ҳайкал.



ФАРҒОНА ҚИЗИ



ҲАМШИРА ҚИЗ НОДИРА.



СССР халқ артисти,
кинорежиссёр Йўлдош АЪЗАМОВ



АНОРЗОРДА.



Бир оилада тўрт авлод намояндаси бор: 82 ёшли Йўлдош ОТАЖОНОВ Гурлан районидagi Кирова номи совхоз ветерани, унинг ўғли пахтачилик бригадаси бошлиги Ленин орденли Каримбой Йўлдошев, отанинг набираси Ўзбекистон Ленин комсомолы мукофоти лауреати Курёз Йўлдошев (чапда), Курёзнинг қизи — отанинг эвараси РАЪНО. Унинг ҳам орзу-нияти пахтакор бўлишдир.



Хонқа район маъший хизмат кўрсатиш уйининг тандирсози Улужбой БЕКЧОНОВ ўз ҳунари билан элга хизмат қилаётганидан фазрланади.





ти — султон Бойқарони ўзининг доно кенгашлари ва ҳатто ҳарб майдонида қилчи билан қўллаганига қарамай, шох ва яқинлари шонга ишонмадилар, у сургунда бўлган пайларда эса, бир иложини қилиб, завол топтиришга интидилар. Жосуслар у билан бирга ўтириб еб-ичдилар.

Бобир ва Муқимий, Фурқат ва Ҳамза Ҳакимзода каби шоир ва адиблар ўз ижодий йўлларини Навоий заминидан бошлаган бўлсалар, Навоий ўз устозлари ва салафлари ичда Низомиёни ажратиб кўрсатади...

«Чор девон», «Муҳокаматул-луғатайн», «Мевзонул-авзон», «Махбубул-қулуб» каби асарларидан ташқари, Навоий, худди Низомиий каби, ўз «Ҳамса»си — шеърин дурдонасига эга. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъан сайёр», «Сади Искандарий» Низомиий дostonларини эслатгандек бўлишга ҳайрон қолмаслик керак.

Низомиий ва унга замондош бўлган кўп шоирлар дostonлари асосида Шарқ мамлакатлари халқ афсоналари ётади; халқ ижодидан олинган бой материал жилавор сюжет нақшига айланар, кейин шоирлар уни ўзлари топган образлар билан безар эдилар. Характерлар ҳам эркин талқин этилар эди. Сюжет яна яшашда давом этар ва шубҳасизки, кучли асар тақдид намунаси бўлиб қолар эди. Бу ҳолатда аънава, севишли мавзуларнинг тақрорланиши шоирнинг мавзу ва характер руҳига тобора чуқур кириб, бойитиб боришини тақозо этарди.

Низомиий каби, Навоий ҳам мавзуга нисбатан шундай муносабатда бўлди, яъни Низомиийнинг романтиклигини ва аниқ мақсадга йўналтирилган рағбатини зарра пасайтирмаган ҳолда, қаҳрамонлар характериға янгиликлар киритди.

Низомиийнинг «Хисрав ва Ширин» дostonи билан Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonини муқоаса қилиш мумкин. Низомиийда Хисрав Фарҳодни ўлдирди, Ширин, ҳарнеҳ, Фарҳодни эмас, Хисравни севади, Хисравнинг вафотидан кейин эса, унинг мурдаси устиде ўзини ўзи ноубуд қилади. Бу нозик, мардона, психологик дostonдирки, унда Фарҳод муҳаббат базмидаги фожойи сиймо: ёвуз Хисрав барбир суюк, чунки Шириннинг туйғулари турланмайди, ишқи совушини билмайди.

Навоий буларнинг барини қайтадан кўриб чиқди. Унинг дostonи «Фарҳод ва Ширин» деб аталади. Фарҳод — муҳаббат номи билан заминини ўзгартириб юборадиган буюк меҳнатнинг рамзи бўлиб, у халқ манфаатини кўзлаб, тоғларни қазиб, дарбани чўлини сугоришга мажбур этди. Бу — баланд руҳ, билим ва кучнинг жасорати. Асалари усли болга қанчаллик тўла бўлса, Фарҳод билимга шунчалик тўла эди, дейди шоир.

Ширин — нурили латиф қалб ва олам юрагидир, у Фарҳодни нур ва ҳарорат манбаси деб билади, шунинг учун унга талпинади.

Хисрав — жаҳоннинг қора палласи намояндаси, унинг ваҳшияти ва маккорлигининг ифодаси. Неки эркин ва

хур, илғор бўлса, бу ўшаларнинг ҳаммасига тушиб турган соя. Хисрав — ҳаёт кушандаси. Унинг учун тинч меҳнат нима деган гап? У Арманистонни хароб қилди, Фарҳодни ўлдирди; уни Ширин жинидан ҳам ёмон кўради. Йўк, бу Низомиийга ўхшаш эмас, бу воқеликни янгича ҳис қилиш натижаси, эски мерос образнинг янги талқини. Бу нарас халққа етиб борди, зероки, бугунги Фарҳод қурилиши кўҳна образнинг янги шаклда, умумхалқ қаҳрамонлиги муҳитида рўйбга чиқишидир. Ўзбекистонда бир сойнинг номи Ширинсой, бир тоғнинг номи Фарҳод экани бежиз эмас.

«Лайли ва Мажнун» дostonидаги Лайли — Низомиий шеърини ятади яратилган энг кучли образ. Қўл билан чўри кундалик тушунча бўлган, ислом аёлининг батамом бўйсунини талаб қилган, уни зиндонбанд этгандек, тўрт девор ичига қамаб қўйган бир асрда, Низомиийнинг қаҳрамони шариат қонунларини бузади, исён кўтаради, хотин киши сифатида зиммасига юклаган вазифаларни рад этади, эркак ташналик туйғули эс-хушидан айрилади, Мажнунни муҳаббатнинг бутун улугворлиги билан кутади. Бу дoston, Шарқу Фарб тўри хулосага келганидек, Шекспир ва Гёте асарларининг, — улардан тасвир кучи жиҳатидан юксак даражада афзал бўлгани холда, — олис салафи эди. «Ромео ва Жульетта» бадавий афсонасининг оташин эхтироси сақланмаган, нафис нақлидир.

Навоий қаҳрамонини демократлаштирди. У — бор-йўғи мактабдорнинг қизи бўлиб, бутун драма ўша пайларда кенг тарқалган қизнинг хоҳишига қарамай, эрга бериб юбора-вериш одатидан келиб чиқади. Албатта, Низомиий дostonидаги фожойи муҳаббат жалалари, гўзал бир тарзда йнгилиб, жунбушга кирганидан кейин, бу талқин содда кўриниши мумкин эди. Лекин Навоий ижодининг билимдони — профессор Бертельс: дoston «гоясининг ўзини ижтимоий муаммолар соҳасига тегишли эди, демак, тамомла равшанки, бутун дostonнинг ижроси муаллифдан юқори даражадаги аниқлиқни талаб этарди. Уша ҳамма реалистик деталларнинг босиши шунда...» — деб тушунтиради.

Энди «Сабъан сайёр»га келсак, бу ерда Навоий салаф шоирлар қаҳрамон — Баҳромга берган талқини бутунлай инкор қилади ҳамда бузуқ ва хашиқи одам ўрнига, муҳаббат жабригини тортган олижаноб рицарини тасвирлайди.

Топилган гўзал билан бирга Баҳромга осойишталик ҳам қайтади. Лекин, барбир, фалокат оёғидан олади, чунки у жонжон ватанининг бутун манфаатларини ўз нафсонияти ва бачкана феълига қурбон қилган эди. Бу, албатта, дostonнинг Низомиий томонидан эзилган нуҳасидан олға қараб жуда катта силжи эди.

Уларнинг дostonлари воқеалар ва характерларга бой сюжетли ҳикоянинг классик намуналари ҳисобланади. Бугун Низомиий ва Навоий шеърлари ўз замоналаридагидан ҳам кучлироқ янграмоқда, чунки ўша вақтлар уларнинг машҳурлиги олимлар ва аслзодалар дунёсидан нари ўтмаган эди. Ҳозир эса, бу шоирларнинг асарлари тамомла халқ мулкига айланди ва бутун Совет Иттифоқи ҳамда унинг ҳудудларидан ҳам узоқда жаранглайдиган бўлди.

ТУЛКИ РОЛИГА КИРГАН ҲАҚҚА

Юни дарёси бўйида тунаган балиқчилар ўзларининг овлаган ўлкаларига эрга билан ҳаққа учиб келганини кўрдилар. Бир неча минутдан кейин эса, тулкининг ақилдан овози эшитилди. Балиқчилардан бири — Бутунроссия Табиати муҳофазаси қилиш жамиятининг аъзоси М. Исупов ҳаққа билан тулки балиқ таллашиб жанг қилади, деб ўйлаб уларнинг уришишини томоша қилиш мақсадида ўтлар орасидан бориб ҳаққа мўралади ва... ҳайратдан қотиб қолди. Яқин атрофда тулкидан номинишон йўқ эди. Ҳаққанинги ёлғиз ўзи балиқ устига чиқиб олиб, уни чўлилар ва вақти-вақти билан бамисоли тулкидек ақиллаб овоз берар эди.

Афтидан, деб хабар қилади «Советска Сибирь» газетаси, ҳаққа бошқа кушларни чўчитиб, ўзи эса бежавотир мазза қилиб оқватланиш мақсадида малла йиртқиқа ўхшаш товуш чиқарган.

Қаҳва — эчкилар кашфи

Ҳа, ишонаверинг, қаҳвани оддий эчкилар кашф этмишган. Айтишлари-ча, бу ҳодиса минг йиллар муқаддам Эфиопияда содир бўлган экан. Бир эчки боқувчи чўпон ўз сурувини ҳайдаб юриб, кутилмаганда эчкиларнинг учна катта бўлмаган чоғроқ дарахтининг майда меваларини еб, ўзларини тамоман бошқача тугтанликларини кўриб ҳайрон қолди. Сўнгра чўпон ҳам ўша дарахтининг мевасидан тоғиб кўради ва ўзини қандайдир кучли бақуваат ҳис этади. Шундай қилиб, унинг мевасини қувватдори сифатида одамлар истеъмол қила бошлайдилар.

Мевасини эчки еган дарахт ўсган жойда Каффа деган ер бўлиб, кофе сўзи шу жой номидан олинган экан.

Саёҳатчи капалаклар

Мексика пойтахтидан учна узоқ бўлмаган Шарқий Сьерра-Мадре тоғларида ажойиб кўриқхона бор. Кўриқхонада ўсадиган дарахтларнинг новдалари ҳар йил мавзуда одатдан ташқари янги «япроқлар» билан тиниш қопланади. Гап шундаки, кичкина майдонда, бор-йўғи саккиз гектар ерда қишлар учун 50 миллионга яқин манарҳ-капалаклар тўпланади. Баҳор келгандан кейин эса, бу капалаклар бутун бир қитъа орқали учиб ўтиб, жанубий Канадага боришади. Буни қарангки, ёз ойлари давомида капалаклар донийи яшаш жойларида уч-тўрт марта ўз авлодини ўзгартиради. Баҳорда Канадага учиб келган капалакларнинг эвараларига феномена генетик хотира туйғули қишлар учун умрида ҳеч кўрмаган Мексика тоғларидаги аждодлари қишлайдиган жойини беҳато тоғиб боришади.

Футбол матчини тўхтатган асарларилар

Бразилия шаҳарларидан бирда ўйналадиган футбол матчи аини энг қизилган пайда тўсатдан осмонини қора булут қоплади. Лекин у булут эмас эди. Футбол ишқибозлари орасидан: «Ючинглар, асарларилар!», деган қичқир эшитилди.

Матчин тўхтатишга тўғри келди. Бразилия газеталарида босилган ре-



портажларда таъкидланишича, стадионга келган футбол ишқибозларининг ҳар иккитадан бирини асарлар жар талаб оғир аҳволга тушганлар. Жабранганларнинг барчаси касалхонага ётқизилган.

Осмондан тушган

«МЕҲМОН» МЎҶИЗАСИ

Бирданига шамол кўтарилиб, ҳамма ёқни чағ-тўзон қоплади. Қолқоронги осмонни фақат чақмоқнинг шиддаткор нурларига тез-тез ёришиб турарди. Мана шу пайда Александр Зайцев бошқарётган Смоленск маршрутндаги автобус шаҳарга келаятганди. Автобус ичиде одам утилади кўп эмас, асосан шаҳар четига дам олиб, уйлариға қайтаётган йўловчилар эди. Кўжда чақнаётган чақмоқ шуъллари тез орада автобус устида ярақлай бошлади. Тўсатдан автобус чироклари ўчиб қолди. Мотор ҳам ишламади. Гира-шира қоронгилда ҳамманинги кўзи ойнага яқинлашган оловли шарга тушди. Автобус ҳайдовчиси чақонлик қилди. Бошқарув приборлари ишламай қолди билан у дарҳол тормозни босди ва эшикларини очиб юборди. Автобус ичига кирган оловли шар ҳавода муаллақ сузиб, ортадаги эшик томон секин-аста ўйнади.

Автобус ичидеги йўловчилар ҳайрат ва кўрчиндан тошдай қотиб қолгандилар. Оловли шар орқа эшикдан ташқарига чиқиб кетди...

ОШҚОЗОНДА ЎСАДИГАН БАҚАЛАР

Яқинда австралиялик биололар «реобитракус» деб номлаган маҳаллий сув бақасининг кўпайиш жарабини суратга олдилар. Гап шундаки, бу хил сув бақалари ўз болаларини оғзидан... тугади. Бўйи 55 миллиметрдан ошмайдиган она сув бақаси урчиган уругини ютиб юборади. Уруг она ошқозонда ўсабошлайди, тугилмажак сув бақаларининг итбалқикли ҳолати ҳам она қорнида кечади. Улар она қорнида сувдагидан кўра тезроқ ўсади.

Сув бақаси боқилдиган террариумда ўтказилган кузатиш гоят қизиқарли бўлди. Биринчи она сув бақаси ўз болаларини кўз очиб юлғунча 60 сантиметр узоқликка тўғлаб юборди. Иккинчи сув бақаси хитирямроқ экан, оғзини очиб она билан иккита бақача пастга сакраб тушди. Бу жарабани бемалол суратга олиш мумкин бўлди. Уша сув бақаси бир неча минутдан сўнг хурвайиш турди-да, бирданига тўртта бақачани оғзидан тўғлаб юборди. Шундан кейин она бақалар ҳар нуни учтадан болалади. Бир ҳафта ичиде террариумда 27 дона бақача пайдо бўлди.

Яна бир қизиқ ҳолат: она бақача нимжонроқ бир бақачани ютиб юборди. Маълум бўлишича, у ўз жигарбандини тезроқ ўстириш учун қайтадан ошқозонига йўллаган экан...

ЎЗБЕК ДЎППИСИ

«Дўст бошинга қарайди, душман оёгинга», дейдилар. Бу қадимий ҳикмат ёдга тушганда Ўзбекистонимизнинг бир парча чаманидек товналиб, қуёшда ярақлаб турадиган дўппимизни кўраётгандек бўламиз. Устоз Фафур Гулом:

**Симлобдай жилваланиб,
Кумушдай ялтираган,
Шу тагдўзи қайси бир
Хинали қўлнинг иши!
Қайси бир садаф сийна,
Тўзим-ла санчиб игна,
Инжуларни бирма-бир
Бу шоҳига қадаган!**

дея дўппидўз, чевар аёлларимизни алқаган. Дарҳақиқат, ўрта осийликлар, жумладан ўзбекларнинг удуми шундай. Юртимизга, хонадонимизга очик кўнгул билан келганларнинг бошига дўппи кийгизамиз, елкасига тўн ташлаймиз, белига белбоғ боғлаймиз.

Бу одатнинг ўзига яраша ҳикмати бор. Дўппи кийгизганимиз «Бошинг тошдан бўлсин, биз тутган меҳру муҳаббат бошингдан асло тушмасин», деганимиз бўлади. Елкага тўн ёганимизда: «Умринг тўндек яшноқ бўлин», деган эзгу ният кўнглимиздан ўтади. Белбоғ боғлаганимизда эса: «Белинг бақувват бўлсин», деб ният қиламиз.

Дўппи элимизда ҳамisha эъозда. Халқ орасидан чиққан истеъдодли, қўли гул ҳунармандлар қадимдан ақли ҳайрон қолдирадиган, дилларни равшан этадиган санъат намуналарини яратиб келганлар. Халқ ижодкорларининг ишларини кўриб, ҳаяжонланган улуг пролетар ёзувчимиз Максим Горький: «Санъатимиз асосчилари деб, биз кулолларни, мисгарларни, тўқувчиларни, ёғич устаси дурадгорларни, кийим тикувчиларни — умуман олганда, ҳунармандларни, ўз ишларининг моҳир усталарини биламиз. Чунки улар яратган мўжизалар кўзимизни қувонтиради, музейларимизни бойлатади», деган эди. Ушбу оташин сўзларни дўппидўзларимиз яратаётган санъат ҳақида айтсак арзийди.

Дўппи — халқимиз ичида кенг тарқалган бош кийим. У қиш кунлари бошимизни иссиқ тутса, қайноқ ёзда салқинлик бахш этади. Бу ардоқли бош кийим юртимизнинг табиати, ота-боболаримизнинг диди туфайли халқ амалий санъатига сингиб кетган ҳамда бу санъатнинг усуллари таъсирида унинг хилма-хил турлари ажудга келган.

Дўппи духобага, сидирга шойига, сатинга ип, ипак, зар билан тикилади. Ўзбекистонда Чуст, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Қўқон, Бухоро, Бойсун, Шахрисабз дўппилари кенг тарқалган. Хусусан, Чуст дўпписи Ўзбекистонимизнинг ҳамма ерларида тикилади ва мароқ билан бошга кийилади.

Қўли гул чеварлар қатор сўриларда ўтириб, бир ёқ тиззаларини букиб олганча кизакларни тиззага енгилгина кийдириб аста игна урадилар. Соқинлик, ором, хотиржамлик ва ўз санъатига бўлган иштиёқ ҳаммаси бир бўлиб, ажиб бир ҳолат кашф этади. Ҳар қатминни чатиб, бориб келаётган нозик, аммо уddaбурро

қўллар, гўё қамон қил қаламини гоҳ у ён, гоҳ бу ёнга тортаётгандек, гўё бу аломатдан соқинлик куйи таралаётгандек туюлади.

Мен бу ҳолатни кузатар эканман, ўша соқинлик куйи қалбини бир дам қамраб олади, димоғимга нафосат шабодасини уфурлади. Чевар қизларга қарайман. Уларнинг диққати дўппида, ўзлари бунёд этаётган «чаманзор»да. Дўппидўзларнинг «чаманзор», бунёд этаётганларини ўз кўзин билан кўраман. Ўзбекистон диврини бир парчасидан нусха кўчираётганларига амин бўламан... Висол, дейдор белгиси ҳам бўлган бу дўппилар қатор қўйилганда бутун бир чаманзор олами пайдо бўлади!

Қадимда қўли гул маъшуқлар ўз ошиқ йигитларига дўппи кийгизганлар, белларига муҳаббат туйғусидан бунёд этилган шохи белбоғ боғлаганлар...

Булар ҳаммаси айтилмай туриб билдирилган муҳаббат изҳори бўлган. Тил айтмаган, дил изҳор этган. Чунки дил нусхаси шохи белбоқча, чаман-чаман дўппига кўчган. Шоирлар эллаб айтолмаган севаги изҳорини игнанинг нозик учларида бунёд этилган гуллар очилиб-сочилиб ифода этган:

Бошимга кийганим — ўша бир дўппи,
Ўзинг бунёд этган охорли газал.
Ўзинг ўқиб бергин қалбимга,
хўпми!
Ўзинг ўқиб бергин, ўзинг,
эй гўзал.
Қалампир гуллари қаламқошингми,
Сезилиб турибди бергандай савол.
Уртада нуқтаси — ҳижрон ёшингми!
Шунчалар азизми сен учун аисол.
Қуёшдай чўғланган дўппинг қўлимда;
Чорқаржга букланса юрак бўлади.
Меҳринг нақшланиб борар кўнглимда
Белбоғинг белимга тирак бўлади.
Бошимда тутганим дўппинг — бу аён,
Меҳнатинг бошимда, ижод бошимда.
Ўзбекистон-азиз унда намоён,
У ўлкам мадҳини куйлар қошимда.

Яқинда йўлимиз Қўқон шаҳрига тушди. У ерда, шонир дўстларимизнинг қўшилари хонадониде дўппи тикишиб, фабрикага олиб бориб топширадиган сингилхонлар, онахонлар ҳўнарига маҳлиё бўлиб қолдик. Оппоқ шохи рўмолларини елкаларига ташлаб олган, очик чехраларида юмшоқ табассум нурдай ёйилиб турган Саодатой Орипова, Бувихадича Мирзаева, Жўрахон Бекмуродова, Турғуноя Мадраҳимоваларни кўрганимизда, уларнинг игна билан бунёд этаётган ажиб нусхаларини томоша қилганимизда, маъшакатли, аммо кўзни яшнатадиган меҳнатлари учун уларга ташаккур билдирдик. Бодом-нусха, чуствунсха, маргилоннусха, бах-

малеланнуса... Тўрт аёлнинг қўлида тўрт хил нусха. Дастлабки қарашда бир иш бўлиб кўринаётган дўппи тикиши, тўрт аёлнинг ихтиёри, меҳнати билан тўрт нусхада бунёд этиляпти. Ҳар чеварнинг ўзига хос услуби, ўзига хос ҳўнар изи ва изми бор экан... Бир-биридан гўзал бу дўппилар ўзига хослиги, ўз гулига, ўз жўзбасига эгаллиги билан дилларни мафтун этади... Бу манзарани кўрган киши беихтиёр дўппи шўнинг учун ҳам қадрли экан, шўнинг учун инсон уни бошидан қўймак экан, деган туйғунин ўзида хис этади. Бундай фахр туйғуси эса, дилларни яшнатади. Ўзбек хонадониде ҳам, тожик хонадониде ҳам бирдек у ардоқда.

Бундан бир неча йил муқаддам Москвада ўтган пахтакорлар курултойиде қатнашганим эсимде. Ушанде залда қатор-қатор ўтирган пахтакорлар бошидаги дўппилар бир-бирига қўшилиб, бутун бир гўзал водийнинг кўркам табиатини яратгандай, Бу чаман-чаман оламдан кўнгуллар янаб кетганининг гувоҳи бўлган эдим. Ушанде республикаимизнинг атоқли кишилари дўппиларини бошдан қўймасликлари сабабини яна бир қарра тушунгандай бўдим. Шунда кекса инқилобчи, Султон Қосимхўжаев отани, моҳир пахта усталари уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов ва икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носировни, улуг доҳийимиз ҳузурига дўппи кийиб, бориб, ўз нақили курсиларини унга тақдим этган Ўзбекистон ССР халқ рессоми Қодиржон Хайдаровни, машхўр ирригатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бузрукхўжа Усмонхўжаевни, республикаимизнинг атоқли отахонлари Йўлдош Охунбобоев ва Усмон Юсуповни, катта Фаргона каналини бунёд этишда қатнашган жонфидо меҳнатқашларни дўппиларини бошга

кийиб турган ҳолатда қайта кўргандек бўлдим. Дорбоз Тошкентбөөларнинг қайси бир мамлакетга сафарга чиқиб, томоша кўрсатмасинлар бошларидан Чуст дўпписи тушмаганлигини, устозлар: Ҳамза, С. Аиний, А. Кодирий, Фафур Гулом, Ойбек, Ғайратий, Сергей Бородин, Уйғун, Назир Сафаровларнинг бошда дўпписи билан ижод этганларини қайта кўргандек бўлдим. Қўлида сержаранг тори билан машхўр бастакор Юнус Ражабий намоён бўлдилар. Машхўр мишчиларимиз Мустақим Юсупов ва Маҳмуд Мўйдиновлар бошидан дўппи тушмаслиги, Тошкент область Пискент район «Гулистон» колхозининг раиси Ислиддин Ҳайдаров, қардош тожик пахтакорлари, ленинободлик икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуғафур Самадов, Турсунзода районида, Ленин номили колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аскарали Мирзаев, Сирдарё область «Оқ олтин» районидаги «Фаргона» бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собиржон Сиддиқов, Бухоро область, Шофиркон район Академик Иброҳим Мўминов номидаги колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргашели Жўмаевлар бошлариде дўппи билан қизгин социалистик меҳнат жарангига раҳбарлик қилиб келаятирлар. Пахтакор-механизатор қизларимиз бошига дўппи кўндириб, сочларини чамбарак қилиб юришларини кўрганимизда юраклар тўлқинланиб кетади. Буларнинг ҳаммаси — юрт меҳрини бошда юксак тутиб юришдан нишона.

Машхўр рус ёзувчиси Константин Симоновнинг Москвадаги Аэропорт метроси станцияси ёнидаги уйига борганимиз ёдимда. Шунда Константин Михайлович бизни бошда ўзбек дўпписи, елкада бекасам тўни билан эшик олдиде кутиб олган эди. Кейин



Дўппи эл эъозлаб бошга киядиган буюм. Кўз нури, қалб кўрини сарғилаб онахонларимиз, онахонларимиз, сингилхонларимиз оддий ип қатмиларидан санъат пайдо этадилар. Улар кашф этган бўстонга маҳлиё тикилиб қолар эканмиз: «Нафис ижод яратган қўларингиз толамсин», деймиз!

А. Герасимов фотоси

Уткир РАШИД,
филология фанлари кандидати

ЛИРИК ШОИР

УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИГА 70 ЙИЛ ТУЛДИ

Усмон Носирнинг номи йигирманчи йилларнинг охирларида қулоққа челиниб, ўттинчи йилларда дилларга кўчди. Камол топаётган Усмон Носир, ўз сафдошлари билан адабий бахсларга қатнашар, улуғ Пушкин, Лермонтов, Некрасов ижодидан чуқур баҳраманд бўлар, айниқса Алишер Навоий, Муқимий, Фурқат, Оғаҳий китобларини қўлдан қўймай мутулаа қилар эди.

Бу вақтда ўзбек адабиётининг ижодий муҳитига салмоқли ҳисса қўшиб турган Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Уйғун, Ғайратий, Собир Абдулла, М. Шайхзода, Амин Умарийлар суҳбатига қатнашарди. Мана шулар бир омил бўлиб, асарларини китобхонлар интиқлик билан кутадиган шоирга айланган.

Усмон Носир, ўзи айтганидек, «Ҳейне билан ўртоқ тутинган, Лермонтовдан кўмак ўтинган» ёш шоир, рус ва жаҳон поэзиясининг мафтункор фазилатларини ижодий талқин қилиш билан бирга, Шарқ адабиёти ва огаҳий ижоднинг бойликларини ҳам эгиллашга интилади. Мана шу интилиш ва изланишда шоирлик зувалеси пишган Усмон адабиётга шиддат билан кириб келди. Кириб келдию, теъдда адабиёт майдонининг минбарига кўринди. Уни бу минбарга катта истеъдод ва серҳосил ижод кўтарган эди.

Усмон Носирнинг ижод даври 6—7 йилгина давом этди. Шу йиллар ичиде у бешта шеърлар тўплами («Кўёш билан суҳбат», «Сафарбар сатрлар», «Трантрабуд», «Юрак», «Меҳрим») ва икки дoston («Норбўта», «Нахшон») ҳамда тўрт драма («Атлас», «Зафар», «Сўнгги кун», «Душман») яратди. Бадий таржима

соҳасида ҳам зўр илҳом билан ишлади. А. С. Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани», М. Ю. Лермонтовнинг «Демон» каби дostonларини ва бир қанча шеърларини, Гейне, Гёте, Байрон ижодидан кўпгина намуналарини, Н. Добролюбовнинг «Ҳақиқий кун қачон келади» деган машҳур асарини, В. Киршоннинг «Улуғ кун» драмасини ўзбек китобхонлари Усмон Носир таржимасида ўқидилар. Бу шеърый таржималар ўзбек бадий таржимачилигининг ноёб намуналари бўлиб қолди.

Усмон Носир лирик шоир эди. Унинг лирикаси ўзига хос овоз билан жаранглади, ўзига хос парвоз билан қанот қокди, ўзига хос соз билан янгради. Бу янгроқ лирика ўзбек совет шеъриятидаги лирик оқимга ҳамоҳанг бўлди. Усмон Носир шеърларида жимжимадорлик, сунъийлик, гализлик, зўрма-зўракилик кўринмас, унинг шеърларида фикр-туйғу содда, лекин лирик ҳарорат билан, жозибадорлик билан, оригинал ташбиҳлар билан ифода этилар эди.

Мана бир шеърдан парча:

Шеърим, яна ўзинг яхшисан,
Боқча кирсанг, гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахсанан,
Жоним каби ишайсан танда.

Усмон Носир лириканинг ҳамма турларида эсда қоладиган асарлар яратди. Унинг ижодиде Ватан, халқ, доҳий Ленин ва Коммунистик партия мавзулар қабариб турарди. Шоир оозодлик доҳийси В. И. Лениннинг ўлими ҳақида ёзган «Дилиндадир мангуга бутун» шеъри ўзбек поэзиясида яратилган Ленинномадан муносиб ўрин олган:

Шундан кейингина мен англадим
Улим борлигини дунёда.
Шундан кейин уни кўрдим
Юрагимда, ерда, ҳавода...
Ленин учун туғилиш кунин бору
Аммо Улим кўни йўқлигин.
Шундан бери дилда ўт туташган,
Ҳаёлимда ҳамон уша кун.
Мен Ленинни дилимга кўмганман,
Дилимдадир мангуга бутун.

Шоир янги замон, янгича социалистик давр мазмунини ва унинг ҳаётбахш сирини ўзига хос туйғу билан — шоирона ҳис қилди. Унинг 1929 йилдан 1932 йилгача бўлган ижодиде публицистика, воқеаларга публицистик муносабат ва публицистик пафос кўпроқ кўзга ташланади, шеърлари шоир ва чакириқ бўлиб янграйди. Бу хусусият Усмон ижодининг замон талабига ҳозиржавоблигини кўрсатади. Шу илк ижодий давриндаёқ шоир ўз гоҳийи позициясини аниқ белгилаб олган эди:

Кеч туғилдим, аммо
Қола олмадим
Икки булак йўлнинг
Аросатида.
Ҳар бир сўзим синфий,
Фалсафий, фард
Синфий онг ётади
Фаросатимда.

Усмон Носир муттасил тарзда ижодий ўсиб борди. Шеърларига фалсафий фикрларни, теран мушоҳадани сингирди, бадийи соддаликка эришди. Лирикасида ижтимоий-сиёсий мавзулар чуқур ҳиссиёт ёрдамида ифода этилди, шеърлари юрак садоси бўлиб янгради ва меҳр ўти бўлиб оловланди. Шунинг учун шоир бу йиллардаги шеърый маж-

муаларига «Юрак» ва «Меҳрим» деб ном қўйди. Унинг шеъри юрак бўлиб урди, юраги эса шеър бўлиб оқди ва Ватан ишқи билан ёнди:
Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ериш! Чақмоқча айлан сен.
Ериш! Майли тамом ўлсам!

Юракка қилинган бу буйрук, бу «ҳукмнома» шоир ижодининг гоҳийи мундарижиси эди.

Усмон лирик дostonлар ҳам яратган эди. Унинг дostonларидаги халқчиллик, бадийи соддалик, лиризм, фалсафийлик ва романтик бўёқлар китобонини мафтун қилади. Шоирнинг «Норбўта» ва «Нахшон» дostonларини 30-йиллардаги ўзбек поэтичилигининг энг яхши намуналари эди.

Усмон Носир драматургияда, айниқса «Атлас» драмаси билан шўҳрат қозонган эди. Бу асар биринчи ўзбек шеърый драмаси бўлиши ва студентлар ҳаётига бағишланганлиги билан адабиётимизда ўзига хос воқеа бўлган эди.

Усмон Носир ҳам ўз истеъдоди кучини билар, халққа, партия ишга ҳамарбаства эканлиги билан фахрланар эди:

Баргдек узилб кетсам,
Унутмас мени боғим.
Ишмини ҳурмат қилур,
Гуллардан ҳайкал қурур.
Шеърларим янграб қолур.
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим.

Усмон Носир 1952 йил 20 декабрда 40 ёшида вафот этди. Лекин шоир ўзи айтганидек, уни Ватан, халқимиз, адабиёт унутмайди.

билсам, у муҳтарам зот, ижод столига шу кийимда ўтирар экан: «Тошкентда яшган чоғларимда шунга одат қилиб қолганман. Жуда қулай», деган эди ўшанда устоз.

Бундай инсолар жуда кўп. Машҳур рус ҳажачиси Леонид Ленч Тошкентга келганиде, бир суҳбатда, муҳитининг ижодга таъсири ҳақида гапиринг:
— Мен ижод этаётганимда бошимга дўппи кияман. Чунки Насридин Афандига бироз бўлса ҳам ўшанга келади. Шунда кулги кайфияти кела бошлайди,— деган эди.

Бу ҳаётий фактларнинг ҳаммасида ўзбек дўпписига катта инсоний ҳурмат ва эъзоз ётгани ҳеч кимга сир эмас. Дарҳақиқат, дўппини ҳамма эъзозлаб кийса арзийди. Лекин шу

ўринда дўппини босма шаклда чиқариб, ҳусни ва нусхнин бузётганларга тилимизни игнадек санчимиз келади... Дўппиларни кўплаб тикиб чиқарилишини истаймиз. Андижон Медицина Давлат институтининг киравершида бир неча қиз-кигитлар кизгин суҳбат қилишиб турарди. Ҳаммаларининг бошларида дўппи. «Дўппини ёшлар кийсин экан», деди ҳамроҳларимиздан бири завқини яшира олмай. Чиндан ҳам дўппи ёшларга жуда ярашган, ҳар бир чеҳрага латофат бахш этиб, чиройларини очиб юборган эди. Ҳаммамиз бирдек маҳлиё бўлиб қолдик. Ёшларга камол, ёрқин истиқбол тилдик. Ажойиб замонамиздан, тинч ва тўкин турмушимиздан фахр туйғусига тўлдик.

Дўппи — миллий ифтихоримиз. Оламнинг қай бурчида бормайлик, бошимизда дўппимизни кўрган инсон борки, бизни Урта Осиёдан келган деб уйлайди, асло инглишмайди. Бугунги кунде ўлкамизга кўплаб ташриқ буораётган дўсту биродарларимизга, азиз меҳмонларга ҳурмат билан дўппи кийдирамиз. Ўзбек дўпписи ҳаммиза бошда кўёш парчасидек қақнаб туради, қақнаб турабаради.

Ўзбекман,
Бошимда чуст дўпписи бор;
Ўлкам чаманзорин нусхиси бошда.
Юраман юртимда,

дилда ифтихор,
Гуллари жилвасин акси қўёшда.
Бошимда, юрт кўркин юксакда тутиб,

Ўлкамга меҳримни сочиб юраман.
Оламда қай манзил,
қай йўлдан ўтиб...
Бағримни дўстларга очиб юраман.
Шундан бошда дўппим эъзозда
дом,
Пахтакор унвоним,
меҳмоннавоз қалб.
Ҳаётим тошқиндир...
дарём ва сойим...
Шундаймиз ҳаммиза
мўл-кўл, тўкс халқ

Келинг,
мана ўзбек дўпписи қўлда,
Меҳмон бўлиб келинг уй тўри сизга.
Бугун ҳам,
Эрта ҳам
кўзимиз йўлда,
Келинг, дўстлар, тўйинг бор
меҳримизга.

«УЧАР ТАРЕЛКАЛАР»

«Литературная газета»нинг мухбири СССР Фанлар академиясининг Умумий физика ва астрономия бўлими академик-секретари ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Мигулинга ва катта илмий ходим, физика-математика фанлари кандидати Ю. Платовга: «Узга сайёралардан учиб келадиган «кемалар» ҳақиқатми?» деган савол билан мурожаат эди. Биз қуйида ўша савол-жавобни журналхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

В. МИГУЛИН. Умумий физика ва астрономия бўлимига атмосферадаги тушуниб бўлмайдиган турли-туман ҳодисалар тўғрисида жуда кўп хабарлар келиб туради. Қарийб ҳар бир хат муаллифи бошқа сайёралардан келган космик кемани кўрганлигини айтади. Миш-мишларнинг, ҳар хил гапларнинг тарқалишига ҳам ўшалар сабабчидир. Натжида ўзга сайёраларнинг ҳаво шарлари кўрмасизга мунтазам равишда келиб туради, деб ишонувчи кишилар пайдо бўлади. Базан уларни бу фикрдан қайтариш қийин бўлади.

Ю. ПЛАТОВ. Базан кузатишлар бўйича билдирилган хабарлар космик кеманинг ёки фазовий аппаратларнинг маълум учиб жарафини эслатади. Эҳтимол шундайдир. Лекин буни тўлиқ исботлаш учун, албатта унинг учиб жойини, кузатиш вақтини, йўналиш «йўлини» ва бошқа белгиларини аниқ билиш зарур. Афсуски, Фанлар академиясига ёки редакцияга юборилган аксарият хабарлар, кузатувлар ўз тахминийлиги билан қинайд.

— Ким бўлмасин номаълум учар объектларни кузатган чоғида уни аввалдан бизга аён бўлган қандайдир нарсага қиёслаш, тенглаштириш, сизлар айтгандек, ҳамма вақт ҳам аҳамиятлими?

В. МИГУЛИН. Биринчидан, НУО (номаълум учар объектлар)—бу жуда ҳам ўринсиз танланган термин («Учар тарелкалар», «ликопчалар» ва ҳоказолар ҳақидаги гапларни назарда тутяйман)... Аввало «номаълум» сўзини олайлик. У ким томонидан номаълум дейилган? Кўрганлигини хабар қилган тасодифий кузатувчи томониданми? Агар унинг ўрнида мутахассис бўлганида эди, у кўрган нарсасини қийинчиликсиз аниқлаши, «таниши» мумкин эди. «Учар» сўзини таҳлил қилиб кўрайлик. Айтинг-чи менга, масалан, булутни ёки қутб нурулини учар дейиш мумкинми? Бу атмосферадаги оддий ҳодисанинг хилма-хил туридир. «Учар» сўзи ўзиндан ўзи, кузатилаётган ҳодиса қандайдир қўлда ясалган, бошқариладиган деган фикрга етаклайди. Бошқачароқ айтганда, терминнинг ўзида ҳодиса табиати айтиб қўйилган.

— Сизнингча, қайси термин кўпроқ маъбул?

В. МИГУЛИН. Мен «фавкуллода» ҳодиса ёки «тенгланмас» ҳодиса — ФХ ёки ТХ маъбулроқ деб ўйлайман. Энди саволининг ўзи: ҳаммиса кузатилаётган нарсани қандайдир маълум нарса билан тенглаштириш мумкинми? Албатта, мумкин эмас. Агар ҳар қандай кузатилаётган ҳодисани ҳамма вақт ҳам «у» мана бундай эди,

дейиш мумкин бўлса, бутунлай ғалати ҳол эва берарди. Ахир бутун фан тарихи янги ва янги тушунилмас ҳодисаларни ўрганиш орқали яратилган-ку...

— Бари бир бу ҳодиса кишини анча-мунча ҳайрон қолдиради. Юзада ётган ҳамма нарса «курроланмаган кўзига аёндек, гўёки тадқиқ этилгандек туюлади...

Ю. ПЛАТОВ. Бунга қўшилиш қийин. Ёмон кузатилган, ҳатто удуман ўрганилмаган нарсалар жуда кўп ва биз уларга ҳар кун и дуч келиб тураемиз. Фақат биз уларга аҳамият бермаймиз. Атрофимизни кўршаб турган ҳамма нарса аниқланган дейиш, бу адашшидир.

— Тушуниб бўлмайдиган ҳозирги ҳодисага ҳаддан ташқари қизиқувчилар, мутахассислар эмас, шунчаки оддий одамлар кўпроқ эътибор беришининг сабаби нимада?

В. МИГУЛИН. Бу, хусусан, шундай изоҳланадиган, тенгланмас ҳодисани ўзга сайёра тараққиёти билан, тўғридан-тўғри айтманки, бутунлай асоссиз боғлайдилар. Юзага келган сунъий қизиқтириш баъзи одамлардаги ҳайратни янада алогалантириб юборади. Яъни ўзига ҳос автокатализ жараёни бошланади.

Ю. ПЛАТОВ. Қизиқ, масалан, қақмоқ шар ҳақидаги гапни кўпчилик — қизиқиб эшитмайдиган. Ваҳоланки, илмий нуқтан назардан, бу — фавкуллода қизиқарли ва шу пайтга қадар жумбоқли ҳодисадир. Демак, «ўзга сайёра» таъбири маълум даражада қизиқиш уйғотидаи ва ҳар бир киши ўзга сайёралик билан учрашишни истайди.

— Сиз хоҳламайсизми?

Ю. ПЛАТОВ. Ўзга сайёра тараққиёти муаммоси ҳақиқатан ҳам қизиқ ва мураккаб. Агар тараққий этган ўзга сайёра борлигини ёки йўқлигини исботловчи қандайдир маълум бир жавоб топилса эди — бу қутилмаган муҳим қадам бўлар эди. Бироқ ҳозирча бу муаммони фавкуллода ҳодиса билан боғлайдиган ҳеч қандай асос йўқ.

— Ўзга сайёра ҳаво шарлари тўғрисидаги фаразлар бошқа фаразларни ўргангандек текшириб кўришга нолойқим?

Ю. ПЛАТОВ. Фараз, албатта, кўп нарсани илгари суради. Бироқ уларнинг ҳаммаси тенг аҳамиятга эга эмас. Масалан, фикрлашаётганимиз мавзу бўйича ҳеч қандай далилга эга эмасмиз.

В. МИГУЛИН. Булар фараз эмас, шунчаки уйдирма. Биз, тадқиқотчилар, авваламбор ҳодисанинг физик механизмини тушунишга уринаемиз. Қандайдир номаълум ҳаракат қонуни-қондасидан фойдаланадиган, физика қонуниятларига риоя қилмайдиган (аслида ўзи йўқ) ўзга сайёраликка «топинаверишимиз» инсофданими?!

— Мен бир саволга аниқлик киритишни истардим. Сиз ўзга сайёра ҳаво шарлари ҳақида гапириш мумкин эмас, деб ҳисоблайсизми?

В. МИГУЛИН. Атмосфера ва космосдаги турли-туман англаб бўлмас ҳодисаларни шунчалик ўзга сайёрадан келган кемаларга ўхшатиб шарҳлашадиган, шу сабабли улар илмийликдан узоклашиб кетади.

— Фавкуллода ҳодисани нима билан тенглаштириш мумкин?

Ю. ПЛАТОВ. Тўқсон-тўқсон беш фоиз — бу инсон фаолиятининг қандайдир техник намоёнидир... Ўзга сайёра ҳаво шарлари... Аслида «шарлар» дейишнинг ўзи нотўғри. Бизнингча, масалан, маълум бир шароитда Францияда одатдан ташқа-

ри — тетрандал (тўртта бир-бири билан елимланган учбурчак) шаклидаги ҳаво шарлари учиб келади. Француз мутахассислари шунақа шаклни бирмунча технологик деб ҳисоблайдилар. Биз учун эса у бутунлай бегона.

— Улар қандай баянликда учадилар?

Ю. ПЛАТОВ. Айримлари 50 километргача кўтарилади.

— Уларни оддий кўз билан кўриб бўладими?

Ю. ПЛАТОВ. Ҳа, албатта. Улар уфқ ортга энди ботган қуёш нурида ялтираган вақтда яққол кўринади. Кейин у ер соясига кириши билан, кузатувчи кўздан лаҳзада ғойиб бўлади. Бу кўпгина кузатувчиларнинг «НУО» деб аталган таъриқларига жуда мос келади.

Бундан ташқари, мана шундай юксак баянликда баллон ёрилиши ҳам мумкин. Бундай чоғда ҳам кишини ҳайрон қолдирувчи натижа юз беради...

— Ҳозирда «Петрозаводск мўъжизаси» деб аталмиш табиат ҳодисаси ҳақида у ёки бу тарада аниқроқ бирон нарса дейиш мумкинми? Гап нима ҳақда бораётганини унутганларга эслатиб ўтамиз: «мўъжиза» 1977 йил рўй берганди. «Петрозаводск аҳолиси кутилмаган табиат ҳодисасининг гувоҳи бўлдилар, — деб аъён бўлганда ўшанда газеталар, — 20 сентябрь тонги соат тўртларда

қөл-қоронғи осмон узра тўсатдан улкан «юлдуз» чақнади, заминга гайри ихтиёрий нур тарамларини йўналтира бошлади. Бу «юлдуз» Петрозаводск томон секин силжиб, шаррос куйган ёлғирни эслатувчи жуда кўп ингичка нур толалари сочган куйи шаҳар узра медузасимон тарада узунасига осилиб турди. Бир қанча вақтдан кейин нур сочилиши тугеи. «Медуза» ярим айлана бўрилиб, уфқини курафган булут босган Онега кўли тарафга ҳаракат қила бошлади. Бу парда орасида кейин у биқиллари оқ, ўртаси тиниқ-қизил рангли ярим доира ўлқонга айланди. Гувоҳларнинг тасдиқлашича, бу ҳодиса 10—12 минут давом этди». Матбуотда хабар қилинганидек, ёрқин оловли шарнинг 20 сентябрь тонг-отарида Ленинград области ва Карелия узра, шунингдек, бошқа жуда кўп жойларда ҳам осмонни жанубдан шимолга тезлик билан кесиб ўтганини кўрганлар. Хусусан, уни Пулково астрономлари ҳам кузатганлар.

В. МИГУЛИН. Бу ҳодисанинг тўлиқ табиатини бари бир тушуниб бўлмайди. Биз кузатилган ҳодисанинг бошқача эмас, худди мана шундай бўлишини юзага келтирувчи жараёни тўғрисида жуда кам билаемиз. Бироқ у ерда камида икки фактор — мураккаб геофизик вазият (магнит майдонининг қули тебраниши, шиддатли кўнг нурулини ва ҳоказолар бўлиб ўтган) ва фазовий кенгликда техник эксперимент қўшлуви юз берганлигини тасдиқлаш мумкин.

Ю. ПЛАТОВ. Карелияда кузатилган ҳодисанинг айрим бўлаклари сунъий равишда синовдан ўтказилган. Аммо рўй берган ҳодиса тўлалигича тавкорланмади.

В. МИГУЛИН. Ҳозирги вақтда хилма-хил фазовий экспериментлар билан бирга кечадиган жараёнлар ўстида махсус текширишлар ўтказилаётми.



«Гулистон» журналі мухбири-нинг саволларига Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институти ЕҒ-мой технологияси кафедрасининг мудири, техника фанлари доктори, профессор Абдурахмон АБДУРАҲИМОВ жавоб беради.

ОЛИМЛИК БАХТИ

Савол:— Абдурахмон Абдурахимович! Сизга маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган (1982 йил, сентябрь) VII Пленумида кўпгина илмий муассасалар қатори Беруний номидаги Тошкент Политехника институти олимлари яратилган янгилар ҳам саноат ишлаб чиқаришида ажойиб самаралар бераётгани таъкидлаб ўтилди. Институт муваффақиятлари ҳақида гапириб берсангиз?

Жавоб:— Саволингиз ўзининг эндигина дорилфунунни тамомлаб, корхонага ишга борган пайтларимни ёдимга олди. Биласизми, 60-йилларда саноатда ишлаётган мутахассислардан фақат план талаб қилинар эди. План бажарилса, инженер ҳам ўз бурчини ўтаган бўларди. У йилларда саноат корхоналарида ишлайдиган олий маълумотли мутахассисларнинг ўзи ҳам бармоқча таъкидлаб ўтилди. Уларда таълим олаётган 45 мингдан ортиқ студентга кимё технологияси инженерлари, системаларни автоматик бошқариш мутахассислари, инженер-физиклар, саноат электроникаси инженерлари, тоғ металлургияси, механика-машинасозлик инженерлари, геологлар, қишлоқ хўжалиги трактор-машиналари мутахассислари, нефть-газ мутахассислари, саноат-граждан қурилиши инженерлари, қурилиш-инженерлик мутахассислари каби 20 дан ортиқ касблар ўргатилади. Институт ҳар йили республикамизнинг саноат корхоналарига 3,5 мингга яқин мутахассислар етказиб бермоқда. Бу рақамлар йилдан-йилга ошиб бораётди.

Энди эса инженердан фақат план талаб қилинмайди. Аксинча, бугунги инженер том маъноси билан ижодкор, рационализатор, ихтирочи ҳамдир. Шу сабабли институтга қабул қилинган талаба биринчи курсдан оқиб ўз устида тинимсиз ишлашга одатлантириб борилади. Уқиб билан бирга амалий тажрибалар ҳам узлуксиз давом этади: танишув-экскурсия практикаси, инженерлик технологияси практикаси, касб технологияси практикаси, дипломолди практикаси... Бу амалий тажрибалар вақтида студентлар ишлаб чиқаришга таъкид этилаётган фан ихтиролари, мураккаб аппаратлар, технологик жараёнлар билан чуқур ва ҳар томонлама танишадилар. Илмий ишларнинг юзага келишида ўзлари ҳам қатнашадилар. Еш олим ва аспирантларимизнинг ҳар бирига тўрт-бештадан аълочи студент бириктириб қўйилган. Студентлар вақти-вақти билан ўз ишлари юзасидан ҳисобот тайёрлайдилар. Муваффақиятли чиққан, бошқаларга янгилек бера оладиган кўләзмаларнинг муаллифлари шаҳар, республика, ҳатто Бутунитти-

фоқ конференцияларида ҳам иштирок этадилар.

Институтимизнинг илмий базалари республикамизнинг ҳамма бурчакларида ишлаб турибди. Тошкент ЕҒ-мой комбинати кафедримизнинг илмий базаси ҳисобланади. Бу корхона қошида ихтироларнинг натижаларини махсус текширадиган лаборатория ташкил этганимиз. Институтда олиб борилган тажрибалар натижаси бу ерда маҳобатли қурилмалар, мураккаб технологик комплекс ёрдамида яна синовдан ўтказилади. Тажрибанинг муваффақиятли экани аниқлангач, уни саноатда қўллаш режалаштирилади.

«Гулистон» гурунги

Бу жараёнларнинг ҳаммасини тажрибаларда қатнашаётган юқори курс студентлари кузатиб борадилар. Шундай қилиб, ҳали институтни тамомламасдан оқиб саноатнинг нима эканини тушуниб этадилар. Илмий ишларни ишлаб чиқаришга жорий этишда бевосита аралашадилар. Натижада айрим истеъдодли ёшлар талабалик йилларидаёқ авторлик гувоҳномасига эга бўладилар. Масалан, кимё факультетимизнинг V курс аълочи студенти Абдуфаттоҳ Муслимов чигитдан ёғ олишда гидрогенизацияни тезлаштирадиган янги катализатор ишлаб чиқиб, авторлик ҳуқуқига эришди. Катта лаборанткамиз Фаёза Сувонова эса студентларни тажрибалар билан таништириш давомида ўзи ҳам иш жараёнларининг самарадорлиги устида тадқиқот олиб бориб, тўрта авторлик гувоҳномасини қўлга киритди ва институт аспирантурасига имтихонсиз қабул қилинди. Кейинги ўн йил ичида 50 дан ортиқ студент ана шундай авторлик гувоҳномасини олди, улардан 10 киши фан кандидати бўлди... Ана шу студентлар орасидан ўзларини фанга бағишлайдиган ҳақиқий олимлар кўп етишиб чиқади. Эришаётган муваффақиятларимизнинг боиси ҳам шунда.

Савол:— Кафедрада ихтиро этилган қандай фан янгилеклари ишлаб чиқаришга жорий қилинди ва уларнинг афзалликлари нимада?

Жавоб:— Кафедрамазда олиб борилётган илмий-тадқиқотлар саноатнинг негизи ҳисобланади. Пахта ёғи ва ёғ кислоталарини водород билан

тўйинтириш, ёғларни перезерефикациялаш, гидрогенизациялаш устида тинимсиз изланилаётди. Поёнига етказилган айрим тадқиқотлар эса, саноатда ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Масалан, чигитдан олинган ёғ тозаланганда чиқинди (соапсток) ҳосил бўлади. Корхонада яқин-яқингача ана шу чиқинди маҳсулотини гидрогенизациялаш сўнг сульфат кислота билан парчалаш, ювиш, қуритиш, тозалаш ишлари бажариларди. Ҳозир эса бу чиқинди маҳсулотини (соапсток) водород билан тўғридан-тўғри турғун катализаторларда тўйинтирилади ва олинган маҳсулот совун ишлаб чиқарадиган заводни

хомашё билан таъминлайди. Бу илмий тажрибанинг ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши натижасида корхона ҳар йили катта маблағ тежаб қолиш мумкин.

Савол:— Кафедрада яқин келажакда қандай илмий тадқиқотларни амалга ошириш мўлжалланган?

Жавоб:— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, «чиқинди» деган сўз келгусида саноатда умуман бўлмаслиги керак. Бизнинг илмий ишларимиз ҳам ана шу широра мос бўлишига ҳаракат қилилмоқда. Ишимизда асосий диққат-эътиборни озик-овқат маҳсулотлари таннархининг арзон, ammo сифатли бўлишига қаратганмиз. Бир неча кондитер фабрикалари, ном заводлари ўз маҳсулотларида кафедрани олимлари томонидан тадқиқ қилинган ёғ турларини синаб кўришмоқда.

Савол:— Баъзан магазинларимизда эскириб, хидланиб қолган сариёғ, могорлаган маргаринлар ҳам учраб қоляпти.

Жавоб:— Этирозингиз ўринли. Еғ маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси хали мукамаллашганча йўқ. Микробиологик йўллар билан уларнинг сифатини бўзмай узоқ сақлаш, бу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи технологик жараёнларни поёнига етказиш кафедрани коллективни зиммасида турибди. Айни пайтда Вазира Солижонов, Уткир Маҳмудов, Фаёза Сувонова, Равшан Раҳмонқулов, Малоҳат Салимова, Юсуфбек Ёқубов, Тошкент ЕҒ-мой комбинатининг директори Азамат Жамолов

каби мутахассислар мана шу тадқиқотлар устида иш олиб бораётирлар.

Савол:— Институтда таълим олаётган ёшларнинг олдида қандай вазифалар турибди?

Жавоб:— Биласизми, илм-фаннинг ҳар бир тармоғида давлат аҳамиятига эга бўлган вазифалар, муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Бу муаммоларни ечиш асосан фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Муаммоларни ҳал этиш биз кекса авлод олимлари қатори ёшларимизнинг ҳам зиммасидаги асосий вазифадир. КПСС XXVI съезди қарорлари ва мамлакатимизнинг 1990 йилгача мўлжалланган Озик-овқат программаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сентябрда бўлиб ўтган VII Пленуми қарорлари шу соҳага яқин бўлган барча олимлар учун дастуруламалардир.

Савол:— Узини фанга бағишламоқчи бўлган ёш олимларга нима-ларни маслаҳат берасиз?

Жавоб:— Кимда ёшлиқда олган билим бойлиги кўп бўлса, уни амалда қўллай билса, шундай олим ҳаммиша фанда ютиб чиқади. Ҳозирги фан-техникамиз олдида турган муаммолар жуда мураккаб. Уларни ҳал этишда иштирок этиш малақатли, ammo шарафлидир. Фан, билим, тажриба, изланишларинга олимни ҳар қандай қийин вазифани ҳам тез ва тўғри ҳал этишга, фанда ўз сўзини айта олишига ёрдам беради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII Пленуми материалларида таъкидлаб ўтилганидек, «Олим даставвал фанга астойдил берилган, у билан шўғулланиш имкониятини ўзи учун бахт деб биладиган инсондир».

Сўхбатни Н. ИҲЛДОШЕВА
ёзиб олди

Ю. ПЛАТОВ. Бу ерда, хусусан, «скайэлб-эффект» деб аталувчи жараённи эслаш мумкин: «Сатурн-5» ракетагини учирish чоғида, маълумки, ўзига хос «ионосфера қавағи» ҳосил бўлди, натижада бир неча юз километр доирада радиоолақа бузилди. Мана, кўрдингизми планетамиздаги ихтироларнинг ўзи қандай натижалар бериши мумкин!..

— Автомобиль мотори ҳам ўчадимми? (Маълумки, Кунцеводаги темир йўл переэзди узра «номазълум объект» кузатилган пайтда ўша ерга тўпланган ҳамма машиналарнинг мотори тўсатдан ўчиб қолган).

Ю. ПЛАТОВ. Агар киши кўрқувдан

автомобиль педалини қаттиқ босса ёки ёндирувчи қалитини бурса ҳам шундай воқеа содир бўлади.


— Ҳозирча номазълум барча ғайриқонуний ҳодисаларни бир классга ажратиб мумкинми?

В. МИГУЛИН. Йўқ, албатта. Биз ҳозир қандайдир маълум нарсага тенглаштира оладиган ғайриқонуний ҳодисалар — мана шу ранго-ранг табиат. Биз уларни кўрганимиз. Ҳозирча номазълум нарсалар ҳам, шакл-шубҳасиз, худди шундайдир. Нима бўлиши мумкин? Бу — кутб нурланшининг камситилган шакли (тамомила қизиқ ҳодиса, кўпича чорроқ тугма шаклига киради ёки вергулли

эслатади) ҳам, атмосферанинг пастки қатламида гардшисимон қуюқ шаклланишининг махсус тури (А. С. Линин ва Т. И. Баренблатт яқинда шундай фаразни илгари сурдилар) ҳам, бошқа нарсалар ҳам бўлиши мумкин.

— Сизнинг сўзингиздан шундай хулоса чиқариш мумкинки, номазълум ғайриқонуний ҳодисалар миқдори вақти билан тобора камайиб бораверади. Қачонлардир ҳамма нарса тамомила ўрганилади. Шундайми?

В. МИГУЛИН. Йўқ, бу мумкин эмас. Маълумки, билишининг чегараси йўқ. Бу хулоса мазкур соҳага ҳам тааллуқлидир.



Тошкентда қиш.

Н. Шарипов фотоси

НАВОИЙ ВА ХУШҶОЛХОН ХАТТАК

Файзулла АЙМОҚ,
афгон адабиётшуноси



Амир Низомиддин Алишер Навоӣ (1441—1501) билан Хушҷолхон Хаттак (1613—1689—91) ашаган давр ораси қарний икки асрин қамраса-да, бироқ бу икки атоқли шоир ўртасида баъзи бир муштарак томонлар мавҷуд. Бирӣ ўзбек тили адабиётини яратган буюк мутафаккир бўлса, бири пашту тили адабиётини юксалтирган улўғ сиймо ҳисобланади. Бу икки халқ маданий оламининг ёрқин юлдузлари ўзбек ва пашту тилларининг тараққийот қасрига шундай асос ва пойдевор қурганларким, у пойдеворларга ҳеч қачон зарар етмайди. Ҳар иккала шоирнинг ҳам она тиллари дари эмас эди. Ҳар иккала шоир ҳам ўз девонларини она тилларида тартиб бердилар. Уларнинг ижоди шу даражада олий маъқени эгалладикки, натижада улар даризабонларнинг ҳам машҳур шоирлари бўлиб қолдилар. Маълумки, бу икки бебаҳо шоир бизга дари тилида ҳам мерос қолдириб кетган эдилар.

Икки соҳибдил ўз замоналарининг кўп қийинчиликларига, сиёсий турғунсизлик мушкулликларига рўпара келдилар. Алишер Навоӣ ёшлигида осойишта, кўнгилдагидек илм ололмай машаққат чекди. Ҳиротда яшаш хавфли бўлганлигидан Самарқандга ўнади. Лекин кейинчалик давлат ишлариға аралашди, сиёсий ва ижтимоий ҳаётга ўз таъсирини ўтказди. Шунингдек, Хушҷолхон Хаттак ҳам шону шавкат, мол-дунё соҳиб эди. У ҳам давлат арбобларидан бири ҳисобланарди. Аммо ҳаётининг охири кунларида қамоққа тушди, қўл ва оёқларига кишан солинди. Сўнгра ўз ватанидан бадарга қилинди.

Амир Алишер Навоӣ бир неча қатъла ўз илтимосига биноан вазирлик лавозимидан бўшади, сиёсатдан қўл тортиди, замон ва саройнинг рудхий тутқунлигидан қўтилишга, халққа яқин бўлишга уринди. Сиёсий доирадан чекиниб, халқ бағриға интилди. Хушҷолхон Хаттак ҳам шоҳ дарборига яқин эрса-да, шоҳий тузумға қарши ҳаракат қилди, сиёсий ва ҳарбий кураш олиб борди. Бироқ у энгилиб, давлат ишидан бўшатиб юборилди.

Амир Алишер Навоӣ билан Хушҷолхон Хаттакнинг фақат ҳаётий йўлларигина муштарак бўлмасдан, уларнинг ижодларида ҳам маълум ҳамоханглик сезилади. Бинобарин, Навоӣ ўз қасидаларининг бир қисмида шоҳликни қоралайди. Шоҳликнинг ортиқча масрафини танқид қилади ва буларнинг мамлакатни сукути (мамлакат тўнтарилиши — тубанликка юз тўттиш) деб билади. Айниқса, унинг Фоний тахаллуси билан форс тилида ёзилган ва Абдураҳмон Жомийға бағишланган «Тафаккур туҳфаси» номили қасидасида шоҳлардан фақат вайронлики келишиш бадийи юксак байтлар орқали ифодалаб берилди:

Оташин лаъле ки тожи хисравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри ҳаёли хом пухтан дар сар аст.
Шаҳни, ёди марғ н-орад з-уст вайронини мулк,
Хисрави беоқибат хисрав балоду кишвар аст.
Қайди зинат масқади фарру шукӯҳи хисравист.

Шери занжири зи шери беша камсавлаттар аст.
Лозими шоҳи набошад холи аз дарди саре,
Хўси шаҳ холию бонги гўлгулаш дарди сар аст.

(Маъмуни: Елқинланган лал шохлар тожига безак бўлса, бошдаги хом хавллар уммонига дош берувачи лаҳча чўғ ҳамдир. Хисрав — подшоҳ сўзи оқибатсиз бўлса, яъни унинг охириги ҳарфи (бу ерда муаммо санъатиға амал қилинган) тушиб қолса, араб алифбесига хўср — вайронлик бўлгандек, «Хисрави беоқибат» — оқибатини ўйламайдиган подшоҳ ҳам мамлакатға вайронлик келтиради. Зийнатға берилган шохларнинг қасри тезда вайронликка юз тутади, негаки занжирбанд шердан кўра чўлу биёбонда юрган шернинг ҳайбати ва савлати кучлироқдир. Подшоҳлик бош оғриқдан ўзга нарса эмас, ахир ичи бум-бўш ногоранинг шовқини бош оғригади холос).

Худди мана шу байтларға ҳамоханг тарзда Хушҷолхон Хаттак ҳам қасида ёзади. Фикримиз исботи учун унинг ўша қасидадан куйидаги байтларни келтираемиз:

Вигзаронад дар дил ин андеша, ки хоҳам шуд заиф.
Ҳар ки дар нозу наим даҳри дун танпарвар аст.
Шоҳ бошу мир бошу оқибат ҳеч асту ҳеч,
Аз барои ишрати даҳ рӯз ин шўру шар аст.
Дар даруни гўриу набвад магар азми рамим.
Гарчи гўри подшоҳи мулк аз хишти зар аст.

Хушҷолхон ХАТТАК

Хасис одам бой бўлур, шунда ҳам шод бўлмағай,
Қим бойликка қул бўлса, асло озод бўлмағай.
Ҳиммати баланд одам ҳаммиса озод эрур,
Ҳамиша озод эрур, асло ибод¹ бўлмағай.

Таъма шундай балоқим, яхшини айлар ёмон,
Нафсига гўлом инсон бўлиб қоларкан ҳайвон.
Шундай кишилар борким, таъма нелигин билмас,
Улар наздида титрар мустабид хону сўлтон.

Тоши бор ёқутдир, кимёдир,
Уларни билган одам бинодир.
Одамлар аро тафовут кўпдир,
Бири инсондир, бири чирподир.

Уйлаб кўринлар: ҳар хилдир инсон,
Бири фаришта, биттаси шайтон.
Яъши инспатни буюк инсон кўл,
Афсус, баъзилари дарранда, ҳайвон.

Парвоз этса ҳам чўпу хас ҳасдир,²
Шакар еса ҳам мағас мағасдир²,
Давлатманд бўлсин, донишманд бўлсин,
Ҳеч парво қилма, нокас нокадир.

Не-не шодлик бор, дўстим, офоқда³,
Барчаси мавжуддир иттифоқда.
Не-не гаплару не андуҳлар бор
Ёки ёлғонда, ёки нифоқда.

Давлат нимада! Аҳил-иттифоқда,
Хорлик-зорлик бор чиркин нифоқда.
Кексайиб қолдим, содиқ дўстим йўқ,
Қалбим дўстлик деб зўр шитиқда.

Ақли бўлса кам — бўлмағай одам,
Бўлмағай одам — ақли бўлса кам.
Ақли бўлса кам — дилда доим кам,
Дилда доим ғам — ақли бўлса кам.

Ориф УСМОН таржималари

Шоҳи оламгирро бодд суботи
аду дод.
Гар надорад ин ду чиз охир завоти
кишвар аст.

(Маъмуни: Кимда-ким дунё нозеъммати билан яшар экан, у охири ўз қалбига, заиф бўлман, деган тавишға тушади. Шоҳ бўлганин билан, мир бўлганин билан охири-оқибати ҳечдир. Ун кўнлик ишрат учун буларнинг ҳаммаси фойдасиздир. Агар шоҳнинг мазори тилла гиштан асалган тақдирда ҳам, унинг мазори ичида чирган ва қуп-қуруқ суюқдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Оламгир шоҳда адолат ва инсоф бўлмоғи эрур, агарда шу икки фазилат ундан соқит эрса, мамлакатға зевол етади).

Афгон халқининг улўғ шоири, озодлик ва эрк кўйисчи Хушҷолхон Хаттак ижодада Алишер Навоӣ издан борди. Унинг асарларида шоҳликка, давлатдорликка қарши нафрат оханги кучайди. Бойлардан, амалдорлардан оддий халқни устун қўйди. Чўки унинг асли келиб чиқиси тоғлиқ қишлоқдан эди. Шунинг учун ҳам у тоғларнинг, чўқиларнинг, тош ва ўсимликларнинг тилини тушунар, улар билан гўё шеърий тилда сўлаша эрди. Шунингдек, шоирнинг шеърларида лирика, дунёвий ишқ, бирлик, дўстлик садолари янгради. Унинг жуда кўп китоблари, 40 миғ байтдан иборат «Куллиётни Кобул, Пешовар, Деҳли, Калкутта ва Лондондаги кутубхоналарда сақланаёттир.

Хушҷолхон Хаттак паштузабонларнинг улўғ шоири бўлиш билан бирга дари тилида ҳам худди ўз она тилида ёзгандек бадий юксак асарлар яратган моҳир қалам соҳибидир. Унинг шеърлари маълумдор, услуби содда. Шоирнинг асарият шеърлари лирик-тарихий, уруш қасидалари ва миллий мавзуларға бағишлангандир. Лекин уларда илгари сурилган асосий ғоялар Алишер Навоӣ ва умуман барча тараққийпарвар, шоирлар илгари сурган умминсоний ғояларға уйғунлашиб кетади.

Маълумки, Алишер Навоӣ бадават оиладан бўлса-да, меҳнаткаш элдан, оддий улўсдан узоқлашмади. Қишлоқ ва овулда яшайдиганлар, қосиблар, хунармандлар, барча меҳнаткашлар билан гўзта яқин бўлганлиги унинг ўз асарлари шоҳидидир. Амир Алишер вазирлиги даврида Ҳирот ва қўшни шаҳарларда хунар ҳамда маданият мажмуаси, анчагина хунарий шоҳор (бадий)лар вуҷудға келди. Чўночи, Ҳирот ўша вақтда таттоглик санъати бўйича энг юқори даражаға кўтарилди. Санъатшунос олим ва донишмандларнинг гувоҳлик беришлариға, бундай чиройли китоблар дунёнинг ҳеч бир пучмоғида яратилмаган, фақат теурирлик давридагина мана шундай нақшошлик санъати энг юқори поғонаға етган. Ҳирот миниатюра мактабининг асосчиси, бутун жаҳон миниатюра санъатининг отаси устод Камолиддин Бехзод ҳам худди шу даврда Алишер Навоӣ қўл остида тарбия топганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Улўғ мутафаккир Алишер Навоӣ замонида меъморлик, яъни шаҳар-созлик санъати жадал тараққий этди. Бу соҳада ҳам кўлгина истеъдодли меъморлар, нақшошлар, дурадгорлар тарбиялаб етиштирилди. Донишманд шоир, зукко сиёсатчи, тadbиркор вазирнинг бевосита тарғиботи ва таъуббуси билан маҳобатли медресалар, шифохоналар, карвонсаройлар, кўприклар, ҳаммомлар, бошқа кўпгина оммавий бинолар қурилди. Турли китоблар, илмий ва хунарий асарлар кўпайтирилди. Навоӣ ўз атрафиға машҳур ёзувчиларни, шоирларни, донишманд олимларни тўплади. Муסיқани кучайтиришға алоҳида аҳамият берди. Унинг ўзи ҳам муסיқани яхши билар эди. Умуман, улўс ва халқ манфаатини кўзлаб фақат биргина Хўросонда 370 бино қурдирган амир Алишер Навоӣ туркий халқларнинггина эмас, жамики Афғонистон ва Эрон территориясидаги барча халқлар маданий тараққийетиға

² Мағас — пашша.

³ Офоқ — дунё, ер юзи.

¹ Ибод — банда, қулар.

«СУВДАЙ СЕРОБ БЎЛИНГ...»

Жазирама ёз. Қуёш ерга олов пуркайди. Пахтазордан толиқиб чиққан дөхлон салқинда бироз хордик чиқаради. Тери қотиб, ховридан тушган, рўпарасидаги водопровод жуьрагини охишта бураб, бир коса зилот сув олиб сиқоради. Уша захоти тани яйраб, бутун вужудига муздек шабада югургандек бўлади. У бардам тортиб яна ишга — пахтазор ораб-лаб кетади...

Ҳа, ишдан ҳориб, роса чанқаган кезларингизда бир чойнак чойга ёки бир коса зилот сувга нима етсин! Узоқ Томди яйловларида қўй ҳайдаб юрган чўпоннинг тирикчилиги ҳам, шаҳарларда кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган минг-минглаб кишиларнинг рўзғори ҳам сувсиз кечмайди. Умуман, обихаётисиз инсон ҳаётини тасаввур қилш мумкин эмас... Узоқ сафарга чиққан йўловчининг ўзи билан бирга нон ва сув олиб чиқши — ота-боболаримиздан мерос бўлган қадимий анъана. Дарҳақиқат, сув — бу ҳаётимиз манбаи!

Биз мазкур мақолада республикамиз аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланиши ҳусусида ва у билан боғлиқ бўлган баъзи муаммолар тўғрисида тўхталгани лозим топдик.

Партия ва ҳукуматимиз ижтимоий ривожланишнинг улғувор программасини амалга ошира бориб, водопровод-каналлизация ҳўжалигини ривожлантиришга ҳалқимизнинг фаровонлигини ошириш вазифаларидан бири сифатида доимо эътибор бериб келмоқда. Ҳозир республикамизнинг барча шаҳарлари, шаҳар тилидаги посёлкалари ва қишлоқ районларининг марказлари ичимлик сув билан таъминланган. Албатта, кейинги йилларда янгидан ташкил этилган ўрта район бундан ҳозирча мустаснодир. Лекин бунинг учун тегишли техник ҳужжатлар тайёрланмоқда ва қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Бизнинг водопровод-каналлизация ишлаб чиқариш бирлашмаларига 172 та водопровод ҳўжалиги, 95 та шаҳар, 38 та шаҳар тилидаги посёлка ва 39 та қишлоқ район маркази ҳўжалиги уюшган бўлиб, мазкур водопровод ҳўжаликларнинг жонкуяр инженер-техник ходимлари аҳолига муносиб хизмат кўрсатмоқдалар. Сув узатиш ва ҳайдаш тармоқларининг умумий узунлиги 6 минг 300 километр бўлиб, булар орқали бир кеча-кундузда 1 мильт 960 тонна-куб сув ҳайдалмоқда. Урта ҳисобда ҳар бир киши учун шаҳарларда бир кеча-кундузда 397 литр, шаҳар тилидаги посёлкалар ва қишлоқ районлари марказларида 187 литр сув сарфланмоқда. Умуман, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражаси ўн иччи беш йилликда 21 процент ошди. Таҳлилларга кўра, бу рақамлар иттифоқчи республикалар ва мамлакат бўйича умуман олганда ўртача кўрсаткичдан бирмунча орткидир.

Шу нарса қувончлики, кейинги йилларда Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Наманган ва Чирчиқ шаҳарларида йирк сув ишоотлари фойдаланишига топширилди. Қашқадарь областида эса районлараро сув ҳайдаш йўлининг иккинчи тармоғи ишга туширилди. Бу Чим—Қарши сув йўлининг узунлиги 34 километрdir. Бир кеча-кундузда 60 тонна-куб сув тушириш қувватига эга бўлган 76 километр узунликдаги Китоб — Шаҳрисабз — Чим 3-сув тушириш ўзани қурилиши ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Мана шу сув ҳайдаш тармоқларини ишга тушириш билан биз Қарши шаҳар аҳолисини ва унинг атрофидаги посёлкаларни тоза чўчук сув билан таъминлаш

имкониятига эга бўламиз. Янги ичимлик сув тармоқларини ишга тушириш натижасида Сурхондарь областининг Қумқўрғон ва Шарғун шаҳарлари, шунингдек, республикамизнинг ўн битта қўрқ район марказлари ҳамда бешта шаҳар тилидаги посёлка аҳолиси чўчук сув билан таъминланмоқда. Ҳозир бош коллекторлар ва каналлизация тармоқларининг умумий узунлиги 1 мильт 408 километрни ташкил этади.

Шаҳарлар ва посёлкалар аҳолисининг муттасил ўсиб бораётганини ва уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, янги-янги сув узатиш тармоқларини қуриб фойдаланишига топширмоқдамиз. Масалан, Ангрн, Гулистон, Қарши, Урганч ва Ленинск шаҳарларида ичимлик сувни биологик жиҳатдан тозалайдиган ишоотлар қурилди. Яқин йилларгача республикамизнинг қарийб ўттизта шаҳрида аҳоли ҳовузи ва ариқ сувларидан фойдаланар эди. Республикамиз партия ва ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли бу нарсага қисқа вақтда барҳам берилди. Мазкур шаҳарларда марказий сув таъминоти ва каналлизация хизмати йўлга қўйилди. Маълумки, Ўзбекистон территориясининг каттагина қисмини чўл ва ярим чўл зоналари ташкил этади. Бу районларда яшовчи аҳоли оссон чорвачилик билан шўғулланади. Чорвадорлар ақин-ақингача ичимлик сувни 15—20 метр чўқурликдаги қудуқлардан не-не машаққатлар билан от-туя ёрдамида тортиб олардилар. Шу сувдан молларини ҳам сувлатар эдилар. Ҳозир эса аҳол бутунлай бўлакча. Республикамиз узоқ яйловларидаги чорвадорлар учун механизмилашган артезиан қудуқлар қазилган, аҳоли 200—300 метр чўқурликдаги ерости чашмаларининг сувидан фойдаланмоқда. Бу нарса кейинги йилларда республика водопровод-каналлизация ҳўжалик бирлашмаси ҳам сон ҳам сифат жиҳатидан ўсганлигини кўрсатади. Айниқса, бирлашманинг энергия қуввати кескин ошди. Бирлашмага қарашли барча корхоналар ва қурилмалар бир йилда 495 миллион киловаттдан кўпроқ электр қувватида фойдаланмоқдалар. Водопровод-каналлизация ҳўжалиги қарашли сув ишоотларида икки миңдан орткироқ насос агрегати ишлаб турибди. Сув ҳайдаладиган ишоотларимизда 1 мильт 300 та қазилма чашмалар бўлиб, булар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ҳамда Болгария, Польша ва Германия Демократик Республикасидан келтирилган энг янги механизмлар, автоматлашган бошқарув аппаратлари билан ускулангандир. Умуман, насос қурилмаларининг 70 проценти автоматлашган. Асосий ишлаб чиқариш жараёнлари 96 процент ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари эса 55 процент механизмилашган.

Чирчиқ шаҳрида ерости сувлари запасини сунъий тўлдириб бориш методининг жорий этилиши натижасида сув қамчиб бўладиган фасларда сув ҳайдаш унумини бир кеча-кундузда 10 тонна-кубга ошириш имконини берди. Бу фойдали методни Олмалик, Бухоро, Зомин, Чимбой ва Тўрткўл шаҳарларида ҳам қўллаш бўйича иш олиб бораляпти. Шунингдек, республикамизнинг етти шаҳридаги тозалаш-каналлизация ишоотларида оқова сув чўкиндилари азобий метод билан стабиллаштирилмоқда. Бу метод оқова сув чўкиндиларини биологик тозалашни анча тезлаштириб, лойқа йиғилдиган майдонни тўрт-беш марта камайтирди.

Биз бирлашмамиз фаолиятида фан ютуқларини кенг жорий этиш мақсадида мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртлири ва илмий муассасалари би-

лан бамаслаҳат иш кўрмоқдамиз. Масалан, ҳозир бизнинг ҳўжалик шартномаларимиз бўйича ишлаб чиқаришимиз билан бевосита боғлиқ бўлган ўн олти та муҳим мавзу илмий ходимлар томонидан ишлаб чиқилмоқда. «Ерости ва ер юзасидаги сувларни мўтадиллаштиришнинг турли методларини тадқиқ қилиш», «Коммунал каналлизация ва оқова сувларни тозалашнинг истиқболли системаларини ишлаб чиқиш» мавзудидаги тадқиқотлар ҳамда ерости сувлари запасини сунъий тўлдириб бориш ва оқова сув чўкиндиларини азобий усулда стабиллаштириш бўйича илмий ишларни давом эттириш ҳам умумий ишми-зи учун фойдалидир. Коммунал ҳўжаликни ривожлантириш соҳасида техникавий мақсад — сув таъминоти ва каналлизация системаларининг қувватини интенсификаштириш йўли билан янада ошириш, ишоотларнинг ускулналари ва конструкцияларини тақомиллаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда илғоф методларни жорий этиш ва автоматлаштириш даражасини оширишни кўзда тутади.

Албатта, эришилган ютуқлар билан бир қаторда ҳали ишимизда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар ҳам мавжуддир. Бу муаммолардан энг асосийси — ичимлик сув манбалари запасининг камайиш ва минераллашиб боришидир.

Қишлоқ ҳўжалигида мелiorатив ишлар кўламининг тобора ошиши, минерал ўғитилар, дефоллантлар ва гербицидларнинг қўллаб ишлатилиши, шунингдек, ерларнинг шўрини ювиш оқибатида кўпгина шаҳар ва посёлкалардаги ичимлик сув манбалари минераллашиб, запаси камайиб бормоқда. Айниқса, бу борада ичимлик сув манбалари очиқ ва сертармоқ бўлган Қорақалпоғистон АССРда, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарь ва Сирдарь областларида аҳол унча яхши эмас. Мана шунинг учун ҳам мавжуд сув омборлари ва тоғолди ерости сувларидан ичимлик сув манбалари сифатида фойдаланиш учун районлараро системадаги қурилишларнинг зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ҳозир Туямыўни, Дамхўжа, Тўпалнар сум омборлари базисида ана шундай бош схемалар ишлаб чиқариш кўрсатилди.

Республикамизда ҳозиргача тозалаш-каналлизация ишоотларини қурайдиган иختисослашган ташкилотнинг йўлгили ишимизда анчагина қийинчиликлар туғн-диқмоқда. Бундай объекتلари қуриш — жуда мураккаб иш. Бунинг учун юқори малакали курувчилар ва монтажчилар ҳамда зарур техника керак. Ўзбекистон Қурилиш министрлигининг тозалаш-каналлизация ишоотларини қурайдиган умумқурилиш трестлари бундай кадрларга ҳам, техникага ҳам эга эмас. Мазкур министрлик қошида иختисослашган ташкилотни ташкил этиш масаласи эса нимагадир ҳануз ҳал этилмаётир. Республикамизда каналлизация ҳўжалигининг ривожланиши бунинг кун талаблари даражасида эмаслигининг сабаби ҳам ана шундидир.

Республика Давлат план ва Давлат таъминоти комитетлари ҳам водопровод-каналлизация ҳўжалигини ривожлантиришга етарли эътибор бермаётир. Канализация ҳўжаликларини эса қурувларга, насос агрегатлари, кучли трансформаторлар, механик панжарлар, лойқаларни тозаловчи машиналар каби турли ускулналарга тобора кўпроқ эҳтиёж сезмоқда. Биз бирлашмамизнинг албатта-эҳтиёжларини тегишли му-тасадди ташкилотлар, албатта, ҳисобга оладилар, деган умиддамиз.

Бирлашмамизнинг кўп сонли коллективи бундан кейин ҳам ўзларининг бутун куч ва ғайратларини ҳалқ фаровонлигига ҳисса қўшишдек шарафли ишга сафарбар этадилар.

Э. БОБОЖОНОВ,

Ўзбекистон водопровод-каналлизация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директор

ҳам улкан ҳисса қўшди Шу сабабли бу улғў мутафаккир Афғонистон ва Ўзбекистон ҳалқлари учун муштарак бир шахс ҳисобланади. Айниқса, Афғонистонда яшайдиган ўзбеклар ва туркий ҳалқлар Навоийни бағоят ҳўрмат қиладилар, эъзозлайдилар, унинг асарларини севиб ўқийдилар.

Афғон ўзбеклари мамлакатнинг шимолий территориясида яшайдиган. 60-йилларда босилиб чиққан бир маълумотга кўра, Афғонистонда туркий тилда сўзлашувчилар 4,5 миллион киши атрофида деб кўрсатилган. Ўзбеклар ҳамда бошқа туркий тилларда гаплашувчи аҳоли яшайдиган шимолий Афғонистоннинг умумий ер майдони 75 мильт квадрат километрга баробар. Мазкур майдоннинг 80 фоизга тоғлик. 20 фоизгача ер экишга яроқли ҳисобланади. Шу пайтгача аксарият ўзбеклар севодисиз эди. Шунинг учун ўзбек ма-

ҳаллаларида узун қиш кечалари навоийхонлик мажлислари уюштирилди. Тонг отгунча унинг шёрларини ўқидан, тинглашдан чарчамайдилар. Ўзбек ўғил-қизлари савод чиқариш учун маҳаллий мадрасаларда Навоий шёрларини ўқийдилар. Қундуз вилоятидаги ўзбеклар яшайдиган маҳалла кўчаси Навоий номи билан аталади.

Савр инқилобидан илгари Навоий асарлари кенг тарқалмаганилиги сабабли қўлэзма шаклида қўлдан-қўлга ўтиб юрарди. Савр инқилоби туфайли Афғонистонда Алишер Навоий тарғиботи яхшиланди. 1981 йил август ойида бўлиб ўтган «Алишер Навоий ва унинг замонаси» мавзудидаги илмий мажлис замининда бу буюк шоир ижодини ўрганишнинг ўн йилга мўлжалланган тадқиқоти бошланди. Мажлисга Афғонистон Ҳалқ Демократик партиясининг Марказий Комитети секретари, Афғонис-

тон Демократик республикаси Революцион кенгашининг раиси Бабрак Кармал табрикнома йўллади. Мажлисда ўзбекистонлик Азиз Қоюмов, афғонистонлик профессор Абдулхай Ҳабибий ва Абдушўкур Ришодлар, Ёқуб Воҳидий, Абдулла Хидмадгор Батхонай, Пуё Фарёбий, ушбу сатрларнинг муаллифи ва бошқалар қатнашиб, нутқ сўзладилар. Ўн йилга мўлжалланган Навоий ижоди бўйича тадқиқот ишлари тасдиқланди. Бу тантанали мажлис муносабати билан Алишер Навоийнинг «Фоний» тахаллусида ёзилган девони, «Макоримул-ахлоқ» асари, В. В. Бартольднинг «Мир Алишер Навоий ва сиёсий ҳаёти» китоби дари тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Шунингдек, дари ва пашту тилларида улғў шоирнинг ижодида тааллуқли кўпгина мақолалар ҳам эълон қилинди. Навоийнинг 550 йилгига олдидан ишлаб чиқилган ўн йил-

ликнинг дастлабки даврида унинг кичик асарлари нашр этилди.

Улғў паштузабон шоир Хушҳолхон Хаттакнинг талай шеърини тўпламлари эса бир неча марталаб Кобул, Қандаҳор, Пишаварда чоп этилиб, қишлоқлар қўлга етказилган. Яқинда Совет Иттифоқининг Афғонистон Фанлар академиясидаги маслаҳатчиси, фиология фанлари кандидати Ориф Усмон ташаббуси билан Кобулда Хушҳолхон Хаттакнинг панднома-рубонийлар тўплами ўзбек, туркман, балуж ва пашийо тилларида босилиб чиқди. Афғонистон Фанлар академияси томонидан чиқарилган мазкур китоб «Хушҳолхон юз пандномаси» деб номланади. Биз Хушҳолхон Хаттак пандномалари тўғрисида маълум бир тасаввур ҳосил қилиш мақсадида журналхонларни ўша тўпламга киритилган айрим намуналар билан таништирамиз.

ЖОНОНИНГ ҚАРИНДОШ

ХИКОЯ

ЖОНОНА олтинчи синфни, аввалги йиллардаги-дек, аъло битирди. Шу муносабат билан бугун дадаси ҳам йўлдан қуруқ келмайди. Жононанинг бир қиз, бир ўғли укаси бор. Дадаси уларга ҳам совға-саломлар олиб келади-ю, лекин бош қизига меҳри бошқачалигини Жононанинг ўзи ҳам яхши сезади. Дадаси темир йўлда ишлади, бир ҳафта йўлда, бир ҳафта уйда бўлади. Жонона совғалардан кўра дадасининг кўпроқ уйда бўлишини истади. Дадаси — ширин сўз, меҳрибон. Агар Жонона унинг айтганини ўз вақтида бажармаса ҳам уришмайди, қулиб қайта эмса солади. У болаларини кийим-бош, озиқ-овқатдан сира толиқтирган эмас. Шунинг учун бўлса керак ойиси ҳам дадасини мактаб-мактаб қўяди. Эшикдан кириши билан айвонда турган чамадонга қўзи тушган Жонона дадасининг яқинда келганини пайқайди. Севинганидан:

— Дадам келибдилар, дадажоним келибдилар,— деди ичдан қийқириқ туриб ва папкасини айвонга улоқтира уйга югурди. Эшик тутқичини ушлаганида дадасининг кимгадир баланд товушда насаҳат қилаётганини эшитиб, тўхтади. Жонона унинг бирорва товушини бунчалик кўтариб гапирганини эшитмаганди. У хиёл очик эшик олдида ўйланиб турганида ичкаридан ойиси чиқиб келди. У хомуш эди. Нахотки дадаси ойисини хафа қилган бўлса?

— Нима бўлди, ойи?— деб сўради ташвишланиб.

Ойиси жавоб ўрнига қизининг қўлидан етаклаб, бошқа хонага олиб кирди. Унинг ҳам оқ-сариклиги, гавдаси Жононага ўхшаб кетар, ўттиз бешларга бориб қолган бўлса ҳам анча ёш кўринар, ҳали ҳуснига чизик тушмаган эди. Жононанинг фақат қош-кўзалари қоп-қора эди. У дадасига сира ўхшамасди.

Жамила опа хона эшигини бекитгач, қизининг саволига хомушлик билан жавоб берди:

— Фарғонадан даданнинг қандайдир узоқ қариндоши келибди, ўғли ўлиб, ёлғиз қолибди,— деди. Шу лаҳзада унинг пешанасида маржон тер кўринди.

— Еш эканми ўғли?— сўради Жонона ачиниб.

— Даданг қатори...— деди Жамила опа устик лабини тишлаб.

— Вой бечора, болалари йўқ эканми?— Яна савол қилди Жонона қоп-қора қошларини чимириб.

— Бола-чақанинг қадрига етмай-диган одам бўлган экан,— деди Жамила опа афсус чеккан оҳангда.

Жонона Раҳима исмли мактабдош дугонасини эслади. Унинг дадаси яқинда оламдан ўтган, докторлар ичкилик жигарини эзиб ташлаган дейишган эди. У бир жойда ёлчитиб ишламаган, бола-чақасини ўз хонига ташлаб қўйган бевурд одам эди. Раҳима бирор марта дадасини тилга олмас, ота меҳри қанақалигини билмас эди. Жонона дадасининг болажон одам эканлигини ўйлаб бироз

кўнгли ёришди. Гаффор ака кампир билан айвонга чиққанида Жонона унинг оёқ товушини эшитиб, хонадан югуриб чиқди-да, дадасининг бўйиндан қучди, юзларидан ўпди. Гаффор ака ҳам қизининг елкасини силеди.

— Уқишинг яхши битдими?— деб сўради.

Кампир қизининг эркалиниши, отасининг меҳрибончилигини кўриб бир хил бўлиб кетди: ранги оқариб, боши айланаётгандек кўзаларини юмди. Бирдан рўмоли келиб юзини беки-тиб, чайқалди... Агар Гаффор ака уни суяб қолмаганида йиқилиб тушиши аниқ эди.

— Узингизни босинг, дадил бўлинг,— деди Гаффор ака кампирнинг қуллогига энгашиб.

Жонона кампирнинг аҳволига ачиниб, ичкаридан стул олиб чиқди. Кампир аста ўтираркан, ўзининг ёнгинасида турган қизининг сочларини силлаб, ёшли кўзларини унга қадади-да:

— Умрингдан барака топ!— деб дуо қилди. Унинг товушида таърифлаб бўлмайдиган меҳр ва чуқур бир алам бор эди.

Бегона кампирнинг бундай муносабати Жононага эриш туюлиб, ўзини тортиди. Кампир бунни сездди, рўмолининг учига бурнини артди. Анчадан кейин ҳаёлини чағиритиш учун рўмолини икки марта бошидан ўтказиб ўради-да, зўрма-зўраки жилмайиб:

— Сизларни ташвишга солиб қўйдим,— деди гуноққорона табассум билан. Унинг сочлари оппоқ бўлишига қарамай, қошлари Жононаникдек қоп-қора эди.

Гаффор ака чамадондан бир кийимлик ҳаворанг мато олиб, кампирга узатди.

— Хафа бўлманг, мен ҳам...— ортиқча гапириб қўйгандек тутилиб, у Жононага қаради. Кампирга бу гап малол келгандек ўзини тутолмай хўнграб юборди. Гаффор ака елкаларини қисиб, хотинига қараб қўяди. Жонона эса кампирнинг хатти-ҳаракатларига тушуна олмай бўзрайиб турар, назарида бу ҳол ҳавонини айнитган ёқимсиз бўйдек, қувончини бузган эди.

Кампир анчагача бошини эгиб жим ўтирди-да, илҳож бўлганда келиб туришга ижозат сўраб, ўрнидан турди. Кампирнинг хафа бўлиб чиқиб кетгани Жононага ғалати, сирли туюлди.

Шундан сўнг кампир ҳар ойнинг ўрталарида келиб, шу кунлик қайтиб кетадиган, баъзан кечроқ қолса, бир кеча тунаб қоладиган бўлди. У ҳар келганида Жононага узоқ тикилиб қолар, агар уйдагилардан андиша қилмаса, қизни қучогидан қўядиганга ўхшамас эди. Кампирнинг бундай ҳаракатлари Жононага ёқмасди, фақат ҳеч кимми йўқ, ўғлининг доғида куйган қарияга ачинганидан индамасди.

— Ойи,— деди Жонона бир кун,— нега дадамнинг узоқ қариндоши тез-тез келаверади?

— Бошқа борадиган жойи йўқ-да,— дея жавоб қилди Жамила опа.

— Айтиб қўйинг, менга ҳадеб бунақа қарайвермасин...

— Фарғоналикларнинг одати шунақа,— деди Жамила опа бошқа гап топа олмай.— Майли айтиб кўраман, лекин одатини тарк эта олармикан?

Шу тариқа йиллар ўтди. Кампир одатини тарк эта олмасди — ҳар ойнинг маълум кунинда келиб, Жононани бағрига босиб кўришар, қизга ёқадими, ёқмайдими, қош-кўзларидан ўлиб, юзларини силар эди. Кампирнинг ҳар гал пенсияси текканида бу ёққа келишини Жонона ойисидан билиб олди...

...Жонона ўиничи синфни битирадиган йили эди ўшанда. У жамоат ишларига фаол қатнашгани учун мактабда узоқ қолиб кетар: деворий газеталар чиқаришар, турли касб эгалари билан учрашувлар ўтказишар эди. У янада дуркунлашган, қадиқомати нуқсонсиз, олча рангли, кўйлаги қирмизи юзига монанд — ҳуснини очиб турарди. Кампир энди Жононани кўргани мактабга борарди. Дадасининг узоқ қариндошининг бу қадар меҳрибончилигини қиз дугоналарига тушунтириб беролмасди, ҳеч кимми йўқ экан-да, бечоранинг, даярди.

— Содда бўлмай кет,— дейишарди дугоналари ҳазиллашиб,— ўиничини битиргин, кўрасан синаб юрганни.

— Керак эмас, мен ўқийман!— дея жеркиб ташларди Жонона дугоналарини.

Шундан кейин у кампирни мактабга келтирмайдиган қилиб қўйди:

— Дадамнинг қариндоши бўлсангиз, мактабда нима қиласиз, келманг, уяламан,— деди у кузатган бўлиб четроққа чиқибган пайтда.

Кампир Жононанинг аччиқланган шахло кўзларига ва чиройли юзига бирдам қараб туриб, йиғлаб юборди. Жонона қаттиқ гапиргани учун пуншаймон еди. Энди кампирни қандай юпатишни билмас эди.

— Бувижон...— деди у бехосдан.

Кампир шу заҳоти йиғидан тўхтаб, қизга анграйиб қаради. Жонона айтди ми бу сўзини, ёки унга шундай эшитилди? У шу биргина сўзни унинг оғзидан яна эшитишни орзиқиб кутарди. Лекин қиз бунни тушунмай:

— Мактабда ҳар ким ҳар нарса деяпти, мени хижолат қилманг,— деди ялинган оҳангда.

— Ҳўп, қизим, айланиб кетай, тасаддуғин бўлай,— дея дарров кўндик кампир ва Жононанинг юзидан ўлиб, бурлиб кетди. Орқасига бошқа қайрилиб қарамади ҳам.

Жонона уйига келганида кампирнинг бу ёққа кирмаганини билди. Шу кетганча у уч ой кўринмади. Кампирнинг ғалати муносабатларини ёқтирмайдиган Жонона негадир унинг кўринмай қолганидан хавотир олди.

Уиничи синфни битирувчиларга аталган кечада одам кўп, мактаб ҳовлисининг ўртасига тўрт бурчак шаклида қўйилган столларни отаналар, меҳмонлар, ўқувчилар эгаллаб ўтиришибди. Кенг ҳовлининг этағидаги гулзор, манзарали дарахтлар олдида томошабинлар — кўпчилиги майда болалар ғужгон ўйнашарди. Четдаги шохлари тарвақайлаб кетган дарахт тағида бир кампир чўққайиб ўтирибди. Фира-шира қоронғида унинг юзи яхши кўринмади. Унинг ён-атрофида ҳеч ким йўқ. Мактаб директори битирувчиларни табриқлаб, ўртани олиб боришни Жононага топширганида кампир ўрнидан туриб кетди. Шунда хизмат қилиб юрганлардан бири кампирни кўриб, унинг олдига келиди-да, столга таклиф этди. Оёқлари толиб турган кампир қаршилик қилмай, энг четдаги стулга бориб ўтирди. Бу пайтда Жонона шеър ўқирди. У сўз маъносига мос ҳаракат билан бурилганда кампирни кўриб, туттилик қолди. Анчадан бери кўринмай кетган кампирнинг битирув кечасига етиб келганидан ҳайрон. Унинг меҳр



А. ХОЛИҚОВ ЧИЗГАН РАСМ



(УЛАР ЧИЗГАН СУРАТЛАРНИ КҮРИБ
ЕЗИЛГАН ОҚ ШЕЪР)

Дунёнинг ишлари кўп қизиқ;
Сен вақтни кутарсан орзиқиб доим,
У эса кутмас.
Фурсат ўтиб борар елиб, югуриб,
Учқур отдай чопқир,

Шиддаткор ва аёвсиз.
Баъзан ўхшатаман чопқир поездга:
Вегонлар ичра тумонат одам,
Ҳамманинг ўй-фикри етар ўзига,
Тумонат одамда тумонат тилак.
Кимдир ҳаёл сурар деразанинг

олдида,
Жимгина, Бепарво ўтирар унқис.
Ҳей, дўстим, туртиб куй уни,
Ғафлатда қолмасин, фурсат

аёвсиз...
Дунёнинг ишлари кўп қизиқ;
Миянга ҳукмрон минг бир хил
уйлар;

Минг бир хил ташвиш, истак,
Севги, муҳаббат...
Орауларга етмоқ мушуқмас бу

кун,
Узинг яратсан бахт ва тақдирни.
Қурашмоқ ва енгмоқ зарур.
Поезд елиб борар тўхтовсиз.

Суратларинг бунча мунгли, болажон!
Мурғак қалбинг фақат шунинг туйдимин?
Ақлинг таниб шу бўлдимини кўрганинг?
Суратларинг бунча мунгли, болажон!
Юракимни пора бўлди, болажон,
Уйингиди ўша чизган вайронанг?
Отангиди ўша қонга беланган?
Юрагимни пора қилдинг, болажон.
Сен шундай сурат ҳам чизки, болажон,
Унда бўлсин тиниқ осмон ва қуёш.
Бугдойзор ҳам, мевазору гулзор ҳам.
Сен бир шундай сурат чизгин,

болажон,
Чизгин хандон укангинг ҳам суратин,
Онанинг, дўстлар қувончию кулгусин,
Болаликнинг бор бегубор туйгусин,—

Чизгин орзуингнинг ҳам суратин.
Ҳа, чиз ёвуз Исроиля ваҳшатларин,
Зулм-заҳмат, вайрона даҳшатларин!
Чиз ўтли газабинг, эзгу ораулару
Тотли хаёллар лавқасин ҳам, болажон!
Суратларинг қурол бўлсин, азизим,
Душманининг бағрига қаттиқ санчилсин,
Титрасин ёв қалби уни кўрганда,
Суратларинг қурол бўлсин, болажон!
Сен чизавер, буш келма, толмагин,
Фақат мақсад, орзуингда турсанг, бас.
Фақат жонинг омон қолиб юрсанг, бас,
Сен чизавер, кураш, толма, болажон!

Фаргона

Фарида БУТАЕВА

тўла кўзларида гуруланиш сөзди
Жонона. Бу унга далда берди. Ту-
тилиб қолганини билдирмаслик учун
ўша мисранга қайтадан, янада кўта-
ринки кайфиятда берилиб ўқиди.

Шу оқшом Жононанинг энг яқин
қариндоши шу кампир эди. Дадаси
йўлдан етиб келолмади, ойиси эса
Жононанинг мактабини битириши му-
носабати билан йиғилганидан меҳмон-
ларини кутушига тайёргарлик кўрмоқ-
да эди. Мактабда тантанали қисм
тугагач, синфдошлари униқига бо-
ришмоқчи эди.

Жонона бошқаларга гал бераркан,
худди ойнага қарагандек очилиб,
кампирга нигоҳ ташлаб кўяр эди.

Тантанали кеча тугагунча кампир
Жононадан кўз узмай ўтирди. Ҳавас-
кор ўртоқларининг кўшиғига ўйнаёт-
ган қиз атайлаб Жононага муқом
қилиб келиб, унинг кўлунгога:

— Ана, сенинг онахонинг ўтириб-
ди,— деди—да, ноз билан бурлиб
кетди. Жонона оппоқ бўйнигача қи-
зариб кетди, лекин жаҳли чиқмади.
Дугонасига «алам қилсин» дейишга
улгурма олмади.

Кеча тугагач Жонона бир тўда
синфдошлари билан уйига жўнади.
Кампир ўзи уйга борса керак деган
хаёлда унга яқинлашмади. Алмо
анча ерга етганида, кампирини ўйлаб
ортига қаради ва унинг шоҳиш кел-
лаётганини кўрди. Кеча соқин, синф-
дошларининг қувноқ кулгуси—ю, оёқ
товушидан бошқа бирор сас эшитил-
масди. Синфдошларнинг шоҳқини
орасида кампирининг:

— Жонона!— деб қақиргани эши-
тди. У болалардан ўттиз-қирқ қа-
дам орқада ҳаллослаб, юрломлай ту-
рарди.

Жонона ўртоқларини қолдириб,
кампирга қараб юрди. Яқин келга-
нида у мадорсиз қадам босиб, қизи-
ни қучоқлади, қалтираб, юз-кўзлари-
дан ўпди.

— Бир пас тур, кетма, дийдоринг-
га тўйиб олай,— деди у ялиниш
оҳангида. Кўчанинг нурсиз чироғида
ҳам унинг кўзлари ҳароратли йилти-
рар, Жононага соғинч билан боқар
эди. Қиз ўз онасининг ҳам бу қадар
муҳаббат билан тикилганини, қайноқ
бўса олганини билмасди. Жонона
кампирни қучоқлаб олгиси келди—ю,
нарироқда кузатиб турган ўртоқлари-
дан андиша қилди.

— Кетма, қизим, энди сени кўра-
манми, йўқми,— деди кампир эзиллиб.
— Негат!— ўзи сезмаган ҳолда
Жонона ташвишлиниб сўради.

— Икки ой касалхонада ётдим,

бу ерга зўрга келдим, куним бит-
ганга ўхшайди.

Дадасининг узоқ қариндоши бўл-
са ҳам Жононанинг юраги ачади, уни
юпатиш учун:

— Ундай деманг, буви,— деди.
— Вой буви деган тилинганда бу-
вигинанг айлансин, жонимни қоқай
сенга. Олдин ҳам буви деганинда
юрагим ёрилай деганди,— кампир-
нинг ўпкаси тўлиб, гапиролмай қол-
ди, кўз ёшларини Жононанинг юзла-
рига суркаб ўпди.

Ўртоқлари Жононани сабрсизлик
билан қақирди. Ҳозир у кетиб
қоладигандек, кампир қизинг қўли-
дан ушлаб:

— Мен сенинг бувинг бўламан,
жигаргўшам, даденгинг онасиман!—
деди шошиб.

Жононанинг юраги шигиллаб кет-
ди. Бошига биров қаттиқ ургандек
гангиз қолди: «Дадам нега мендан
ойисини яширди, узоқ қариндошим,
деди. Наҳотки одам ўз онасидан
кечса, деб ўйлади.

— Нега шу вақтгача дадам сиз-
нинг кимлигингни мендан яшир-
ди?— деб сўради қиз.

Кампир Жононанинг Ғаффор ака
ҳақида гапирётганини хаёлига ҳам
келтирмади:

— Улган одамдан гина борми?—
деди.

«Улган одам...» Жононанинг кўз
олди қоронғилашди. Демак Ғаффор
ака ўз дадаси эмас экан—да! Кўз
олдида бир ум Ғаффор ақанинг
қийфаси ўтди. Унинг бирор марта
ўғайлик қилганини, ноқўя турганини,
бирор нарсадан камситганини
эслолмади. Жононани бир-бирига
зид хаёллар чулғайди. Узининг дадаси
қанақа одам эди, нега ойиси бошқа
қада тегди, нега қизининг тирик етим
бўлишини ўйламади?

— Нега ойм билан ажрашган!—
деб сўради Жонона алам билан.

Кампир ўлини ёмонлагиси келма-
ди, Жамила опага ҳам айб қўймади.
— Пешона экан,— деди у яна
Жононани қучоқлаб.— Сен менинг
биттаю-битта жигарпорамсан, ҳаётим-
ниг сўнмас чироғинан, мен мушти-
пар бувингни унутма!— деди—да, яна
рўмоли учига кўзларини яшириб,
бурлиб кетди.

Кампир оёқларини сургаб, мадори
қолмагандек зўрга қадам босар,
ҳалом қўли юзиде, гоҳ-гоҳ қайқайли
борар эди. Жонона унинг кетидан
боришини ҳам, ўртоқлари ёнига қай-
тишини ҳам билмай, оёғи ерга ёпи-
шиб қолгандек, жойидан қимирла-

масди. Қандайдир кўнгилсизлик со-
дир бўлганини узоқдан кузатиб тур-
ган синфдошлар эртага учрашишга
ваъдалашиб, тарқалишди. Фақат Жо-
нонанингни ён қўшиеси нарироқда
уни кутиб турарди.

Бу ёқда Жамила опа бир ўзи ҳаф-
сала билан столни безатиб қизининг
синфдошлари билан бирга келишини
кутарди. Жононанинг бир ўзи га-
мин қириб келганидан она бечора
қўрқиб кетди.

— Нима бўлди, ўртоқларинг қан-
ни?— дея хавотирланиб сўради у
қиздан.

Жонона жавоб бериш ўрнига, оёқ-
қўли бўшашиб, эшик олдидаги кур-
сига ўтирди. Жамила опа хавотир-
ланиб, қизининг бошини қучоқлади—
иситмаси йўқ. Нима бўлди, ёки биров
хафа қилдими, деган ноҳус хаёл
онани чўчишиб юборган эди.

— Нима бўлди, айтсанг—чи!
Жонона ўзини тутолмай йиғлаб
юборди. Онанинг шўбқалари қучай-
ди. Нима қилишини билмай, қизи-
нинг боши, елкаларини силаб тинч-
лантирмоқчи бўларди. Жонона лаб-
ларини қимтиб:

— Бувим... дадам...— деди—ю, ўки-
риб юборди.

Жамила опа гап нимаделегини
тушунгандек, қизидан нари кетди.
Изтирбога тушмади. Фақат қимдан
зашитган экан деган савол ўйлантир-
ди уни. У кампирнинг келганидан
бехабар эди.

— Нега ажрагансиз?— деб сўради
ниҳоят Жонона ер остидан, онасига
қарашга йиманиб.

— Юзим шувит эмас, ўша даданг
яқши қуриб теккандим. Сен ту-
йилдинг, у болам бор деб ўйламади,
фақат ўз вақтичоглигини билди.
Икки-уч кунлаб уйга келмасди. Ғаф-
фор даданг сени ўз боласидан ҳам
азло ардоқлади. Ўғай деб кўнглинг
ўқсимасин учун Андижонга қўчиб
келдик. Бу ерда ўғайлигингни ҳеч
кимга билдирмадик...

Ғаффор ака қорача, кўзлари қи-
қина, қошлари сийрак ушоқроқ одам
эди. Жонона дадасини яқши кўрган-
лиги учун унинг хунуқлиги ҳам би-
линмасди. У— болажон, феъли кенг,
оққунли одам. Ойисининг қўпнича:
«Дадангни шунинг учун яқши кўра-
ман», дейиши сабабини энди билди
Жонона.

Ясоғлиқ дастурхон олдида она-
бола ҳеч нарсига қўл урмай тонг
оттиришди. Ҳали қуёш чиқмасдан
кўча эшик олдида текис тўхтади.
Жамила опа эрини маҳтал қилмасдан

эшикни очди. Ғаффор ака гуноҳ иш
қилиб қўйгандек хотинига узар айтди:
— Поезд кеч келиб, вагонни то-
ширгунимча ушланиб қолдим. Жо-
нонанинг битирув кечасига етиб келиш
насиб этмади. Қалай, хурсандман!— у
кечикганига ваҳ айиб, савол берар-
кан, жавобини кутмасди. Ҳар галги-
дек Жононанинг югуриб чиқшини,
севинч билан кўришишини истар
эди.

Жонона Ғаффор ақанинг меҳр тў-
киб айтиётган гапларини эшитиб ту-
рарди—ю, аввалгидек орақиқиб, қуво-
ниб чиқшига, эркаланшишга энди
бегоналик туйғуси ҳзлаб берарди.
Эсли-хушли қизни бир-бирига зид
туйғулар ўртарди. Ҳали ҳеч гапдан
хабары йўқ ота меҳрибонлик билан:

— Жонона ухлаб етибдимми? Май-
ли, ухлайверсин, ўзинчи синфни
битириш орасинми?— деб бошқа хо-
нага ўтиб кетди.

Энди ўғайлиги ошкор бўлган ота-
нини самийли ғамхўрлигидан Жонона
эзилди. Қўнграб юборса, товуши
эшитилмаслиги учун қафтини озгина
босди. Ғаффор ака оёқ учиде юриб
хонага кирганида Жонона йиғлаб
ўтирарди. У дадасини кўриб, унинг
кучоғига отилмади—ю, одоб эъси-
дан ўрнидан турди.

— Нима бўлди?

Бундай муносабатни кутмаган
Ғаффор ака ташвиш билан сўради.

— Боши оғриятми,— деди Жамила
опа ноқулай вазиетда.

— Доктор қақирмадингми?— Ғаф-
фор ака шошиб Жононанинг пешо-
насини ушлади.— Иссиғи йўқ. Бош
оғриғи бўлиб қолмасин. Ҳозир тез
ёрдам қақираман.

Ғаффор ака хонадан шошиб чи-
қётганида Жонона уни гўхтатди.

— Кераги йўқ,— деди у совуқчи-
на. Илгарй ҳар гапнинг бирда дада-
ла туредиган қизинг энди бу сўзга
тили айланмасди.

Ғаффор ака Жононадаги ўзгариш-
ни чарчаганга йўйиб, уни севишти-
риш мақсадидеа чўнтагидан соат
олди.

— Бу ўнқинчи синфни азло битир-
ганингга!— деди.
Жонона соатни олмиш ўринга Ғаф-
фор ақанинг оёқларини қучоқлаб,
ўқраб юборди. Ғаффор ака шошиб
қизинг қўлтигидан ушлаб тургазди.
— Тур ўрингдан, нима бўлди
сенга?

Унинг ҳайратланиб берган саволи
жавобсиз қолди. Қиз дадасини қу-
чоқлаб, у юзидан-бу юзидан қайта-
қайта ўпди.

Гафур Гулом
таваллудининг
80 йиллиги
олдидан

АДИБ НАСРИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

В. И. Ленин Лев Толстой вафоти муносабати билан ёзган мақоласида бу гениал санъаткор қондорган меросда ўтмишга айланмай келажакка мансуб бўлган жиҳатлар кўп эканлигини уқтирган эди. Бу доно сўзлар барча улкан адиблар қатори халқимизнинг фахри, адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бири бўлиб қолган Гафур Гулом меросига ҳам дахлдордир.

Гафур Гулом қирқ йилдан ошиқроқ ижодий фаолияти давомида бой адабий хазина яратди; у — 50 хил-хил адабий тур, жанрларда моҳирона қалам тевратди. Гафур Гулом деганда, биринчи гада унинг шеърини кўз олдимизда намоён бўлади. Айни пайтда Гафур Гуломнинг бошқа соҳалардаги ижоди, хусусан, насрий мероси ҳам гоёат салмоқдордир.

Гафур Гулом насрий асарларининг гулгонлари саналмиш «Хийлан шаръий», «Едгор», «Шум бола» яратилгандан буён орадан 40—50 йил ўтди, «Менинг ўрғинга болам» ҳикояси билан танишганимизга ҳам салкам йеттирма йил бўляпти. Қизиқ, бу асарларни қайта мутолаа қилганда, улар гўё худди кунни кеча ёзилгандек туюлади; уларда бугунги насримиз ривожидagi бир қатор характерли тенденциялар билан оҳангдош жиҳатлар, умуман, ҳозирги адабиёт тараққийтига дахлдор ҳислатлар кўп. Гафур Гулом прозаси ҳозирги пайтда жаҳон миқёсда қизгин баҳсларга сабаб бўлаётган кўпгина назарий масалаларни ўртага қўйиб, улар ҳақида фикр юритиш ва уларга аниқлик киритиш учун қизиқарли материал беради.

Кейинги йилларда: «Адабиётдаги тараққийнинг бош омили нимадан иборат? Бадий асарнинг умрбоқийли, таъсирчанлиги сирини нимада?» деган масалалар теварағида азалий баҳслар яна кўзголиб қолди. Базми олимлар: «Адабий тараққийнинг бош омили — ҳақонийликда», деса-лар, бошқалар: «Даврнинг муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларини ўртага қўйиш», деб билдиллар. Яна бир гуруҳ адабиётшунослар эса: «Гуманизм — бадий тараққийнинг олий мезони», деб ҳисоблайдилар.

Дарҳақиқат, адабиётда ҳаёт ҳақиқатини айтиш, ифодалаш, ҳақонийлик, даврнинг жиҳдий ижтимоий, маънавий-ахлоқий масалаларини кўтариб чиқиш ҳам муҳим, бироқ оқибат-натияжада бадий асарнинг таъсир кучи, умуман, адабиёт ривожининг даражаси, кўлами унинг гуманизми, гуманистик ғояларнинг теранлиги ва миқёси билан белгиланади. Жамики шох асарларни эсланг, улар биринчи гада инсонга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати билан инсонни ардоқлаш, унинг имкониятларига ишончи, инсон зотига адоасиз ҳамдардлик-муруват тўғриси билан қалбимизни асир этади, тугёнга солади. Шунга асосланиб, чинакам бадий асар аввало инсонга меҳрдан тугилади, деб баралла айтиш мумкин.

Гафур Гуломнинг «Соғиниш», «Сен етим эмассан» сингари тенгсиз шеърлари қатори энг яхши насрий асарларида ҳам аини шу хислатлар барқарор. Унинг ҳикоя ва қиссаларидаги талай персонажлар — дастлаб қандайдир «гуноҳкор» бўлиб кўринган

шахслар пировард-натияжада олижаноб қалб эгаси, меҳр-муруватга, ҳимояга муҳтож одамлар бўлиб чиқадилар.

Ёзувчи қаламининг сеҳри шундаки, асарларни ўқиш давомида китобхоннинг мазури қаҳрамонлар ҳақидаги илк тасавури бутунлай ўзгариб кетади. Адибнинг чуқур реалистик таҳлили тугайли шу нарса аён бўладики, қаҳрамонларни гуноҳ йўлга бошлаган, уларнинг инсонлик шаънига доғ солган нарса — нобоп шароит, мураккаб муҳит. Бегуноҳ қизалоқ Нетай ўтган асарнинг охириларида юз берган конкрет тарихий ҳодисалар — чоризмининг галаён кўтарган халққа қилган зулми, зуғуми оқибатида дарбадарликка учраб, ногаҳон гирдобга тушиб қолади, бойваччаларнинг кўнгил очувчи эрмағига айланади. Шунинг учун ҳам ёзувчи бу аёл қисматини чуқур бир ички дард билан ҳикоя қилади. «Тирилган мурдадаги Мамажон куллиқ, қарамлиқ, тенгсизлик ҳукм сурган замонда меҳнатдан, ҳаётдан совуб, бефарқ бемаслак — жонли бир мурдага айланиб қолган, янги замон, янгича инсоний муносабатлар таъсирини у тирилиб, чин инсон қиёфасига кира бошлайди. Ёзувчи Мамажондаги ана шу ўзгаришлардан қувониб, унда пайдо бўлаётган ҳар бир катта-кичик инсоний фазилатларни чин дилдан ардоқлаб қалам тевратлади... «Едгор»даги Меҳри эскича урф-одатлар зулматини дадил ёриб чиқишга интилади — эркин сеғи кўлини тутайди, бироқ ёшлиқ қилиб, қалтис хатога йўл қўяди, қонунсиз тугилган чақалоқни меҳр йўли билан соддадил бегона йиғитга ошради. У маълум йўқотиларлар эвазига асл мудоага эришади, аммо узоқ йиллар ўзи қилиб қўйган қалтис иш жабрини тортади. Меҳри — чин инсон, ҳаммадан бурун у аёл, она; оналик бурчи, меҳри олдида унинг сеғидига бахти — висол ҳеч нарса эмас, чақалоққа, соддадил йиғитга қилган жабр — улар олдидаги гуноҳ тугайли сеғидига бахти ҳам унга мутлақо татимайди. Аёлдаги ана шу чуқур инсоний тўғей ёзувчининг ҳадисиз ардоғига сазовор бўлади. Шўх-шаддоод, ўта қув Шум бола довдираб кўп қалтис ишларга қўл уради, Ёзувчи эса, меҳри дарё ота каби, унинг гуноҳларини кечириб юбораверади; боланинг хилма-хил ҳаёт сўмоқларидаги ғаройиб саргузаштларини катта хайрхоҳлик, ўзига хос илиқ бир юмор билан сўзлаб беради. Қисса давомида олдингина Шум бола бир оз жабрдийда, бир оз исёнкор, ва энг муҳими, жуда ёқимтой болага айланади...

Буларнинг барчаси майли-ку-я, «Менинг ўрғинга болам қаҳрамони — ўғрининг ҳикоя давомида китобхон наздида ижобий шахсга, меҳр ва ардоққа муносиб кимсага айланиб қолиши... бу энди ёзувчи маҳоратининг ажойиб сеҳри, адиб қалб сахавати — гуманизмининг буюк бир эҳсон, қолаверса, автор реализмининг мўъжизакор кудрати!

Кампир ва ўғрининг серхасрат сўхбатидан биринчи жаҳон уруши тўзони тугайли нашор аҳволга тушиб қолган меҳнаткаш ҳалқ турмуши манзараси шундоққина кўз олдимизда гавдаланади. Кампир ҳам, ўғри ҳам ўша тўзоннинг икки зарраси. Кам-

пир ҳолидан хабардор бўлган ўғри ўзининг шум ниятини унутиб, кампирнинг ҳамдардига айланади — унга «бувижон» деб мурожаат қилади, ўтинини ёриб бериб, озгина бўлсада, кампирнинг ҳоқатини чиқармоқ истайди. Кампир эса, ўғрининг дардидан огоҳ бўлиб, унинг ҳолига чиндан ачинади, уни ўзига яқин олиб, «ўрғинга болам» дея эркалайди, қутлуг уйдан қуруқ кетмасликини маслаҳат беради, унга бекор ётган ярим пудлик қозонни ньом этади, йигит бўлса, етимлар ризқини олиб кетишни ўзига эп кўрмайди...

Маълум бўляптики, ёзувчининг гуманизми бефарқ гуманизм эмас, балки инсонга нисбатан талабчан, юксак ахлоқий принципларга таянадиган изчил, симфий, партиявий, шу билан бирга, шахснинг имкониятларига, истибоблига катта ишонч руҳи билан йўғрилган, аини пайтда инсон тақдирини, хатти-ҳаракатларини, унинг гуноҳларини, бошига тушган савдоларни муайян тарихий шароит, муҳит билан муштахкам алоқадорликда таҳлил этувчи чуқур реалистик принципларга асосланувчи гуманизм!

Гафур Гулом прозасининг ярқ этиб кўзга ташланиб турадиган яна бир фазилати ана шу гуманистик руҳ билан узвий боғлиқ, балки унинг давоми бўлмиш чуқур халқчиллик ва миллий ўзига хосликдир. Адиб асарларида ўзбек халқининг руҳияти ёрқин акс этади, халқнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, кайфияти, кулгиси, орзу-интилишлари, кучли ва ожиз томонлари яққол намоён бўлади. Улардаги ҳар бир жулма, ҳар бир деталь, тафсилотда халқ турмуши, ўзбек типрогининг нафаси барқ уриб туради. Гафур Гулом асарларидаги ҳар бир катта-кичик персонаж — Шум боладан тортиб ўғри йиғитчага, аламийда Меҳрдан тортиб меҳри дарё Қора бувиғача, танбал Мулла Мамажон, мерос Матмасдан тортиб олижаноб Жураю Саодатгача — барчасида халқ характерининг қандайдир жиловлари мўжжасан...

Гафур Гулом прозаси ўта миллий колоритли проза, аммо унда ҳеч қаерда миллийликни кўз-кўз қилиш, экзотиккага берилиш йўқ; таъсирдаги миллий бўёқ ҳеч қачон қуруқ либос бўлиб қолган эмас, миллий руҳ билан йўғрилган ҳар бир ҳаётий лавҳа, персонаж чуқур ижтимоий таҳлил самараси-ҳосиласидан ёки жиҳдий ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммолар таъсирини, таҳлили учун асосдир. Адиб асарларидаги миллий руҳ табиий, ҳаётий, тарихан конкрет.

Маълумки, миллийлик ўзгармас хусусиятлар йиғиндисидан иборат эмас, миллийлик тарихан аниқ, ўзгариб, бойиб бурувчи тушунча. Гафур Гулом буюк инқилобий ўзгаришлар даврида яшаб ижод этди, асарларида асосан халқ ҳаётининг ана шу ижтимоий ўзгаришлар даврини акс эттирди, бинобарин, у яратган персонажлар тақдирини ва характеринида ўша даврдаги социал эҳдиётлар, инқилобий ўзгариш, янгилашлар хилма-хил кўринишда ўз аксини толди. Шуниси характерлики, Гафур Гулом асарларидаги етакчи персонажлар маънавий-ахлоқий, маданий жиҳатдан ўзгариб, юксалиб борадиган шахсларидир, улар характеринидаги ўзгаришлар эса бутун бир халқнинг миллий

онигидagi ўзгариш — янгилашдан далолатдир. Мамлакатдаги ўзгаришлар, кишилар орасидаги янгича муносабатлар таъсирини Кўкан, Жўра, Мамажонлар тамомила янги типдаги шахсларга айланадилар. Шуниси муҳими, маънавий жиҳатдан тирилиб, эл-юртининг олдига ўтиб олган Мамажон ҳам, тўпориликни ортада қолдириб, катта ташкилотчи даражасига кўтарилган Кўкан ҳам, чапанликдан маданий зиёлига айланган Жўра ҳам — ҳар бири ёрқин миллий характерлигича қолаверадилар. Бир қарашда персонажлар характерини бу хил кескин ўзгаришлардан холи, турғунроқ бўлиб тугилган «Нетай», «Шум бола», «Менинг ўрғинга болам» каби асарларида ҳам инқилобий силсилалар, маънавий-ахлоқий янгилашларга ҳозирлик нафасини сезамиз.

Қисқаса, Гафур Гулом прозасидаги ёрқин миллийлик чуқур ижтимоий таҳлил билан йўғрилган. Қандай удумлар эскирган, тараққийга эид, қайсиси илгор, халқни олға етаклашга қодир — ёзувчи талқинида булар ниҳоятда аниқ-равшан. Янгича ахлоқий нормаларни, социалистик ҳаёт тарзини таъсирлаш ёзувчи асарларининг асосий лафосини ташкил этади. Ҳатто ўз даври тақозосига кўра кўпинча бу хусусиятлар ташвиқий характер касб этади.

Маълумки, сўнгги йилларда, кўп-миллатли совет адабиётинида бўлгани каби, ўзбек насрида, хусусан, кейинги авлод ижодида миллий-маънавий манбаларга қизиқиш, халқ характерига хос азалий маънавий хислатларни топиб таъсир этиш, ардоқлаш тенденцияси кучайиб бормоқда. Бу билан ёш қаламкашларини устозлар анъанасини янгича кўринишда давом эттирмоқдалар. Бу интилиш ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга молик. Бироқ айрим ҳолларда азалий миллий-маънавий хислатлар таъсирини ва талқинида ижтимоий таҳлил заифлашиб қолмоқда, баъзан азалий удумларга социал жиҳатдан бефарқ муносабат содир бўлмоқда. Шундай ҳолларга дуч келганда, беҳтиёр яна устозлар ибрати ёдга тушади. Жумладан, бошдан-оёқ чуқур халқчил, миллий руҳ билан йўғрилган, миллий-маънавий манбаларга ниҳоятда яқин турган Гафур Гулом насрига хос ижтимоий аниқлик ёш носирларини унинг учун яхши ибрат, сабоқ бўла олади.

60—70-йиллар давомида социалистик реализм поэтикаси, унинг бой имкониятлари, жулмадан, социалистик реализм адабиётинида халқ оғзаки ижодида хос таъсир хусусиятлари билан реализмининг муносабати хусусида кўп баҳслар бўлди, аини шу йиллари кўпмиллатли совет адабиётинида, жаҳон тараққийпарвар реалист ёзувчилари ижодида фольклор шакллари, мифларга қизиқиш ошди. Бу ҳодисани тамомила янглик деб аташ, баъзан эса фольклор шаклларига мойилликни қоралаш, реализмдан чекиниш деб баҳолаш ҳоллари ҳам рўй берди. Ваҳоланки, реализм билан фольклор шакллариининг қўшилиб-чатишиб келиш тенденцияси ҳозирга келиб тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. Бу ҳодиса реалистик адабиётда азалдан мавжуд. Қолаверса, улкан реалистларда фольклор аъналарини ҳеч қачон ҳаётнинг реалистик картинанини яратиш, ҳодиса-

Ж

УН БҮЙИ ёмғир ёғиб ўтди. Пайкалларда юриш қийин бўлиб қолди. Икки киши шудгорланган картанинг қоқ ўртасига келиб тўхтади.

— Бригадирнинг ташлаб кетганича бор экан,— деди Холмўмин ўз ҳамроҳи Кўчаровга.— Ҳамма гап шундаки, бу ер экишдан аввал текисланмаган.

Картанинг чуқур жойларига кўлмак сувлар йғилиб қолганди. Нишабларда эса ернинг қанчалик саёз ҳайдалганлиги яққол кўриниб турарди. Ҳайдов чуқурлигини ўлчашди: бир қарич! Утган йили Эргаш ақанинг бригадаси шу картада ҳосилдорликни зўрага 16 центнерга етказганлигининг боиси шу экан-да! «Холмўминнинг картадан кўнгли тўлмаё бошқа ер беринглар, деса нима қиламиз? Бошқа майдонларнинг ҳаммаси эгалик бўлган». Агроном Кўчаровнинг кўнглидан шу фикр ўтди.

Йўқ, Холмўмин эътироз билдирмади, ерни қабул қилиб олди. Унга бикритилган карталар деҳқонлар тили билан айтганда, ёпишқоқ, сақич тупроқли ер эди. Унинг олдида қолақ бригадани кўтаришдек масъулиятли вазифа турарди. Холмўмин енг шимариб ишга киришди. У режа билан иш тутди: карталарни қанчалик қийинчилик, харажат бўлса ҳам текислаш керак эди. Эртасига у далага бульдозер ва скреперни бошлаб келди. Уюм-уюм тупроқлар ўйди-чуқур ерларга сурилди. Холмўмин Сафаров йигирма беш кун давомида бульдозерчи билан скреперчини тиндирмади. Майдон теп-текис бўлди.

Ерга уруғ тушди. Бироқ тракторнинг баллонлари бир жойда айлана бошлади. Епишқоқ, сақич туп-

урмайдиган жойга кўчириб ўрнатилгач, машинанинг мотори қизмайди дегани бўпти.

Сафаровнинг терим машинасини тўхтовсиз ишла- тилишининг ҳам боиси шу эди. Амалиёт билан боғ- ланмаган назариянинг қиммати йўқ, Холмўмин Сафаров Ташкент кишлоқ хўжалик институтида ўқиб юрган кезларидаёқ техника сирларини билиш- га кунт кўйган эди. Институти тамомлагач, унинг назарий билимлари амалиёт билан боғланди.

Уша йили Холмўмин Сафаров 600 тонна пахта териб, ўзига хос рекорд қўйди. Ҳосилдорлики 16 центнердан 50 центнерга етказди.

Мана беш йилдирки, Холмўмин Сафаровнинг бригадаси йил сайин йириллашиб бормоқда. У бошлиқ бригада коллективи дастлаб 50 гектар май- донда деҳқончилик қилди. Ҳозир комплекс механиз- ациялашган бригаданинг майдони қарийб 300 гек- тарга етди, яъни олти-етти баравар катталашди. Бунинг сабаби шундаки, унинг бригадасига ҳар йи- ли планини тўлдирилмаган, қолақ бригадаларнинг ерлари қўшиб берилди.

Энди дала командири Холмўмин Сафаровнинг ижтимоий фаолияти хусусида: Холмўмин 1977 йилда пахтачиликдаги юксак кўрсаткичлари учун СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Кейинги ча- қириқда СССР Олий Советига депутат қилиб сай- ланди. У Ленин йўли район партия комитетининг бюро аъзоси ҳамдир.

* * *

Етмиш саккизинчи йилнинг киши, Изгири. Ёмғир ҳавоси баданини жунжитди. Арабали лойда оғир этганини зўрага кўтариб босарди. У йўлда «Ража-

— Одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ҳо- силдорликни кўтаришга қурбимиз етади. Укалари- миз Чори, Улмаслар ҳам бизнинг ташвишимизга шерик.

Арабали эртасигаёқ тракторига шатак арава тиркаб, қўй қийи ташини киришиб кетди. У сира тиним билмади. Ҳар бир пайкал четнда гўнғи гарам пайдо бўлди. Ер маҳаллий ўғитга обдон тўйди- рилди. Хамиртурушдек кўпчангун тупроққа сара уруғ ташланди. Кўчат ҳам бир текис ундирилди. Бригада коллективи, айнқса ака-ука Ражабали, Чори, Улмас Дўстмуродовлар гўза парваришида янада фаолият кўрсатишди. Далада бўлиқ ҳосил етиштирилди.

Ез охирида пахта теримига санокли кунлар қол- ди. Август ойини деҳқонлар «Старт олдидан нафас- ни ростлаб олиш мавсуми» деб атайдилар. Арабали Дўстмуродов бригада ишчиларини карта четига (ҳали бригадада дала шийони қурилди битмаган эди) тўплади:

— Ҳамкасбарим,— деди у ишчиларга юзла- ниб,— энг долзарб мавсум— пахта теримига ҳам киришиш пайти келди. Менинг ўзим машинада 500 тонна пахта тераман, деб область механизаторлари кенгашида ваъда берганман. Асосий ҳосилини ма- шинада терамиз. Шунинг учун пайкалларни бегона ўлдан ахшилаб тозалаш керак.

Ҳамма Арабалининг фикрини қўллаб-қувватлади. Орадан ҳафта ўтгач, дефолиация бошланди. Ҳадемай оммавий теримга киришилди. Арабали Дўстмуродов ва бошқа механизаторлар ҳам маши- нада теримга тушдилар. Бригаданинг пахта хирмо- ни кун сайин кўкка бўй чўзаверди. Ҳар гектар ер-

СУРХОН ШУНҚОРЛАРИ

роққа трактор баллонлари билан бирга саялқалар ҳам тишланди қоларди.

— Трактор топиб келмасанг бўлмайди,— деди Холмўмин укаси Чори Тўрақоновга.— Гербцид солинган «ПС» аппарати тракторнинг оғирлигини ошириб юборганга ўхшайди. Тракторни шатакка олиб бўлса ҳам юртамиз.

Чори трактор ахтариб кетди. Холмўмин эса туш- гача унинг йўлига кўз тутди. «Т-28» трактори кел- тирилгач, универсални шатакка олиб чиқаришди. Лекин барибир ўша кунги иш юришмади. Олти гек- тарли картага чигит экиш олти кунга чўзилди. «Шун- дай кёмон ерда ҳосил олган деҳқоннинг жони тош экан», дея дилидан ўтказди Холмўмин. Лекин ўша йили Холмўмин Сафаров бошлиқ бригада коллек- тиви чинакам тер тўқди. Қийинчиликларни бардош билан енгди.

Сентябрнинг бошларига келиб пахта очилди. Сал ўтмасдан терим машиналари ишга туширилди. Холмўмин Сафаров ҳам ҳар йилгидек енг шима- ри машина рулига ўтирди. Унинг машинаси бирор соат ҳам тиним билмасди. Паҳлавон кетма-кет бун- керлаб пахта тўқарди.

Будённинг номили совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуқаттоб Қурбонов Сафаров- нинг янги синлабтган олти қаторли машинада пахта- терининг синчковлиги билан кузатди: одатда агрегатнинг ҳаво тозалалгич аппарати бункер тагда бўларди. Сафаров эса уни шланг орқали кабина олдига ўрнатганди.

— Ҳа,— ишинг кўзини билади-да,— деди дирек- тор билан бирга келган совхоз бош инженери Хушвақт Пайғамов.— Ҳаво тозалалгич чанг ва гард

бали акам нега қақирди экан!» деб ўйлаб борарди. Ақсиникида бригада ишчилари сўхбатлашиб ўти- ришган экан. Бир-оқдан кейин улар асосий максад- га кўчишди:

— Сен нима дейсан,— деди секин гапга арала- шиб Ражабалининг ёнида ўтирганлардан бири.

— Олдинги бўлимда қолганимиз маъқулмиди, дейман,— деди Ражабали истиқола билан укаси Арабалига юзланиб.

— Ҳа, нима учун энди.— дея у акасига жиддий тикилди.

— 5-бўлимда ернинг тилини тушуниб қолгандик.— Қайси жойига ўғит керак, сувин қандай оқизиш лозим—буларни беш бармоқдай билардик. Биз плани тўлмаган бригадаларнинг ерини олаверамиз- ми? Бошқалар ҳам ишласин-да.

Арабали тобора жиддийлашиб борарди. У ўти- рганларга қаттиқ термулди.

— Тўғри, ораларнингизда энг ёши менман,— деди Арабали сал қизишиб.— Лекин янги ер дўзах бўлса ҳам борамиз. Кўз қўрқоқ, қўл ботир, дейди- лар.

Бригада ишчилари Арабалининг сўзларини икки қила олмасди. Чунки улар олдида моҳир трактор- чининг эътибори катта эди. Арабали ақиси Ража- бали Дўстмуродов бошлиқ бригада коллективи билан 3-бўлимдаги қолақ бригадага ўтиб ишлай бошлади.

Янги ер— очилмаган ҳазина. Ундаги жаҳоҳир- ларнинг қалити— маҳорат ва омилкорликда.

Ака-ука янги карталарни ёқалаб юришибди.

— Ҳали кўп қийнаса керак бу ерлар,— деди Арабали акасига оҳиста кўз қирини ташлаб.

тарнинг социал моҳиятини очишга монелик қилган эмас, аксинча, улар- да реализминг чуқурлашувиغا хиз- мат этган. Бунинг ёрқин далиллари- дан бири — Гафур Гулом прозаси.

Гафур Гуломнинг насрий асарлари гўё халқ озаки ижоди бағридан ўсиб-ўниб чиққандек туюлади. Адиб- нинг «Бисотдаги гаплар», «Халқ ижо- дий бойлигидан», «Атоқли қизиқчи- ларимиз меросидан», «Латифалар» туркумидаги талай асарлари халқдан ёзиб олинганга ўхшайди. «Афанди ўлмайди» бўлди, «Мулла Насрид- дин Афанди ва Шайтон алайҳу лаъна», «Энг расво намози аср»,

«Ҳасан Қайфий» асарлари халқ ҳи- қолатларининг ўзгинаси. «Тирилган мурда», «Едгор», «Шум бола», «Ҳий- лан шаърий», «Менинг ўргинига бо- лам» сингари реалистик қисса, ҳи- коялари ҳам бадий озаки ижоди- миз руҳи билан суғорилган, фольк- лорнинг ранг-баранг бўёқлари билан безатишган. Ва асарларда реализм билан фольклор хусусиятлари шу қадар туташиб-чатишиб кетганки, қаерда реалистик тасвир тугаб, қаер- да фольклор аъёниси бошланади ёки аксинча, қаерда фольклор шакли тугаб, қаерда реалистик тасвир бош- ланади — ажратиш қийин. Лекин

фольклор руҳи, жилolari билан йўғрилган бу ҳикоя, қиссалардаги лаҳзалар — реал ҳаёт манзаралари, персонажлар эса аниқ ҳаёт типлари- дир. «Бир бор экан, бир йўқ экан шу замонда» деб эрталардек бош- ланувчи машур достоннинг қаҳра- мони Қўкан, «Минг бир кеч» қаҳра- монига қийсан яратилган «Тирилган мурда»даги Мамажон, халқ озаки ижодида хос фаройиб саргузаштлар бағридан қад кўтарган Шум бола, мазкур қиссадаги талай персонаж- лар — барчаси, фольклор асарлари қаҳрамонларидан фарқли ўлароқ, муайян тарихий шароит маҳсули са-

налмиш, чуқур ижтимоий таҳлил са- мараси бўлиши типик характерлар- дир. Фольклор тажрибаларига қизи- қиш гоят кучайган ҳозирги пайтда баъзан реализмининг энг муҳим шар- ти — характерларнинг шароит билан алоқаси, социал моҳияти таҳлили бир оз заифлашиб қолётганки, бу борада ҳам устозлар, жулбаланд, Гафур Гу- лом сабоқлари гоят асқотганди.

Хуллас, Гафур Гуломнинг насрий меросида фақат кечаги кун учун эмас, адабиётимизнинг, маданият- мизнинг бутунги ривожин, истиқболи учун ҳам ибрат-сабоқ бўладиган хислатлар кўп.

Жавли ХУШВАҚТОВ

ЗАҲМАТКАШ ИЖОДКОР

Халқимиз яратган ҳикматли гапларнинг бирида: «Узигамас, қўзигаю сўзига боқ», дейилади. Агар, шу жиҳатдан қаралса, Бердиали Имомовнинг кўзлари ҳаётда тўғри йўлни кўра билади, сузлари ахширни ёмондан ажрата олади, деб бемалол айтиш мумкин.

Бердиали Имомов — жангчи, олим, педагог. У 1922 йилнинг 20 декабрида Тошкент областининг Қатортол қишлоқ Советидаги Бешқўрғон қишлоғида (ҳозирги Чилонзор райони территориясига кирди) дехқон оиласида туғилган. Бердиали 1942 йили ўрта мактабни аъло баҳоларда битиргач, Ватан муҳофазасига отланди.

Еш солдат дастлаб кичик командирлар ҳарбий мактабида ўқиб чиқди. Кейин Дон, Харьков йўналишларида, Белоруссия фронтларида ўқиш, минометчи, артиллерист, танкака қарши отувчи курул — ПТРчи бўлиб жанг қилди. Икки марта яраланиб, соғайиб сафга қайтди.

Бердиали Имомов урушнинг Берлинда тугаллади. Қўмондонликнинг жанговар топшириқларини вақтида, тўлиқ бажарганлиги учун бир неча марта тақдирланди. Кўксини безаб турган бу мукофотлар — «Қизил юлдуз», унчинчи даражали «Шуҳрат» орденлари, «Варшаванинг озод қилинганлиги учун», «Берлин олинганлиги учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари унинг жанговар йўлини намоён қилади.

Б. Имомов армия сафидан қайтгач, САГУ (ҳозирги ТошДУ) филология факультетига ўқишга кирди ва уни 1950 йили илмий диллом билан битирди. Шундан кейин бўлуғуси олимда педагогик фаолияти, ижод-

корлик ҳисси кучайди. У 1950—1951 йилларда «Ёш ленинчи» газетасида, 1955—1956 йилларда «Шарқ юлдузи» журналинда, 1956—1957 йилларда «Ўзбекистон маданияти» газетасида бўлим мудири, масъул секретарь бўлиб ишлади. Шу билан бирга 1951—1954 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида аспирантурани тугаллади. Аини даврда республикамиздаги ёш ёзувчилар ижоди, адабий олоқаларга доир ўнлаб мақолалар ёзди, эълон қилдириди. Ниҳоят, 1955 йили «Гафур Гулом ижодига Маяковский традициялари» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Бердиали Имомов журналистик билан бирга педагогликни, илмий изланишни ҳам баробар давом эттирди. У 1957—1959 йилларда Тошкент Олий партия мактабида журналистика назарияси ва практикасида дарс берди. 1960—1970 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаб юриб, «Драматургиямизда маҳорат масалалари» деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1970 йилдан буюн эса у Тошкент Давлат университети филология факультетиде дарс бераётир. Уша йиллардан эътиборан Б. Имомов профессорлик унвонига эга. У олим ва педагог сифатида ўнга яқин фан кандидатлари етиштирди.

Олимнинг илмий қизиқиш доираси кенг: у болалар адабиёти, поэзия, проза ва драматургия, танқидчилик масалалари билан шуғулланади. Аммо, булар орасида, унинг драматургия масалаларига доир тадқиқот-

лари миқёсли, дадил ва салмоқлидир. Шунинг учун ҳам, унинг болалар адабиётига оид, меҳр билан ёзилган «Ўзбек совет адабиёти юксалишида», «Пулат Мўмин» деган китоблари қаторида, драматургияга доир «Замон хизматида», «Ҳаёт ва драматик конфликт», «Трагедия ва характер», «Драматик лавҳалар», «Ҳаёт ва ижод» каби монография ва мақола тўпламлари ҳам ўқувчилар олкишига сазовор бўлган. Олим жанрлар масаласини синчковлик билан текширади. Унинг бадиий очерк, драматик конфликт масалаларига бағишланган монографиялари, қиссачилик муаммоларидан баҳс этакдиган мақолалари фикримизнинг исботидир. Аиниқса олимнинг «Трагедия ва характер» монографияси эътиборга сазовор. Мазкур монографияда Бутуниттифоқ миқёсида ҳам кам ўрганилган бу жанрнинг назарий асослари, типологияси ўзбек драматургияси мисолида чуқур ёритилган. Хуллас, ҳаёт ва конфликт, драматик характер ва танқидчилик муаммолари, комедия масалалари, драматургиянинг маҳорати сирларига бағишланган ўндан ортиқ китоб Бердиали Имомов қаламига мансубдир. Бердиали Имомов — Москвада чиққан «Ўзбек совет адабиёти тарихи», олти томлик «Кўпмиллатли совет адабиёти тарихи» ва тўрт китобдан иборат «Ўзбек совет адабиёти тарихи», «Ўзбекистон кинодраматургияси тарихи очерклари» каби фундаментал ишларнинг авторларидан бири. Унинг илмий ишлари рўйхати юздан ортиқроқ.

Бердиали Имомов — СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. У очеркчи ёзувчи сифатида ҳам салмоқли ижод қилмоқда. Кейинги ўн йил ичида



унинг уруш ҳодисаларини акс эттирган бир қанча очерк ва ҳикоялари эълон қилинди. Уларнинг бир қисми авторнинг «Хорманг, қуролдошлар» деган китобидан жой олган. Эндигина 60 ёшга тўлган Бердиали Имомов ҳозирда ўзи севган мавзуда ҳикоялар ёзиш билан бирга адабиётимизнинг чигал ва мураккаб даври бўлган 20-йиллар адабиёти устида тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Хусусан, унинг 20-йиллар драматургияси ва Гулом Зафарий, Абдулхамид Мажидийнинг ижодлари хусусидаги мақолалари эълон қилинди.

Меҳнатқаш, камтарин олим Бердиали Имомовга узоқ умр, теран саломатлик, юксак парвоз, ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Аббос МУҲИДДИН



РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Митти йиртқиччлар

Амазонка дарёсида чўмилиш осон эмас. Бу улкан дарёда эҳтиёт чорасини кўрмасдан чўмилиш эркаклар аксарият ҳолда ахта бўлиб қолишга маҳкумдилар. Шу боисдан Жанубий Американинг мазкур улкан дарёси бўйида ашайдиган, одатда салкам яланғоч юрайдиган аборигенлар сувага тушишдан аввал рафия толаларидан тўқилган газламадан чўмилишчи кийиб оладилар. Бу нарса уларни ўзи кинич бўлса ҳам ниҳоятда хавфли жонивор ҳисобланган текинхўр балиқчалардан асрайди. Кўрниниши митти бомбачани эслатадиган бу йиртқич балиқчаларни ерли аҳоли қандиру ёки қарnero деб атайдди. Фанда эса у ванделлия деб ном олган.

Атиги олти сантиметрли бу йиртқич одатда чучук сувадаги балиқларнинг қони билан озиқланади. Унинг

анатомик хусусиятлари ўз ўлжасининг танасига кириб олишга имкон беради. Жабрасидан ўсиб чиққан, ўз танасига ёпишиб ётадиган тиканли тирноқлари ўлжанинг танасида бурғусимон ёйилиб кетади. Бу нарса ванделлиянинг ўзи кирган жойдан қайтиб чиқмаслигини «таъминлайди».

«Бу текинхўр балиқнинг ҳаёти ва хусусиятлари ҳақида ҳали ҳеч нима маълум эмас,— деб ёзади журналист Изабелла Кауфман Миланда чиқадиган «Зурапее» газетасида босилган мақоласида.— Яқинда Жак-Ива Кусто бошиқ илмий экспедиция шу нарсани ўрганиш учун Амазонка районида жўнаб кетди. Лекин ванделлия ҳақида баъзан бир нарсаларни биламиз: масалан у оқимга қарши сузишни яхши кўради. Ана шу йўл билан у қаршидан калаётган ўлжасининг жабрасидан танага кириб, ти-

нимиса қон сўрганча шўрнинг қурғур ўлжанинг тити-питисини чиқариб юборади. Шу хусусияти туфайли у одамнинг сийдак каналига ҳам кириб кетиш эҳтимоли бор. Бу хавфли ҳолат кўпинча ўлимга олиб келиши мумкин: ўз вақтида ванделлия тўхта-тилмаса у сийдик халтачасигача кириб боради».

Амазонка дарёси атрофидаги хатарлар фақат шу билангина чекланмайди. Улардан яна бири чиқирок плондир. Уни бразилияликлар каскавель деб атайдилар. Бу хавфли илоннинг номи кўп одамларнинг ўлими билан боғлиқдир. Унинг заҳарида елка ва бўйин мускулларини шол қилиб қўядиган невротоксик дозаси ниҳоятда кўп. Шу сабабли чиқирок илон чаққан киши бошини тутиб туролмайди.

Амазонка қирғоқларидаги қумда ўтириш ҳам хавфли. Бу ерда нектор деб аталадиган чувалчансимон курт одамларни пойлаб туради. У инсон танасига кириб олиб, қанақадир географик ҳарита чиқизқлари сингари айланаверади, охири бирор шиллиқ пардага етиб олади-да, қон сўриб ётаверади.

Шунингдек қумларда танага кириб олувчи бургалар ҳам учрайди. Бордию урғочи бурга бўлса борми, инсон танасида етклиб, ўша жойида минглаб тухум қўяди. Бу нарса инсон танасида ҳар хил касалликлар қақирувчи шилларни келтириб чиқаради.

Кусто экспедицияси бу ерда кўп нарсаларни аниқлаши керак. Зоологларни пайше-до-мато деб аталган фалати балиқ ҳам қизиқтиради. Бу балиқнинг фалатилиги шундаки, ма-

бодо дарё ирмоқчаларининг суви озакиб кетса, улкан қирғоққа чиқиб, ўрмон оралаб йўлга тушадилар ва инстинкт бўйича йўл юрса ҳам мўл юриб, сувли ирмоқни топиб оладилар. Бу пайтларда улар сувсиз муҳитга ҳам бемалол мослашиб кетадилар. Зоологлар ўлимга олиб келадиган чағос касаллигини таркатадиган заҳарли ўргимчакларни, учувчи тахтаканаларни, рақибини ўзидиган электр заряди билан ўлдирадиган угра балиғини, оқендан 1,500 километр узоқликда яшовчи кўр дельфинларни ҳам текширадилар. Бу йиртқичларнинг кўпчилиги одатда тилсоҳларни даҳшатга солади.

Улкан дарёда «пиранье» ёки «карридо», яъни «одамхўр» деб аталадиган бошқа хил кинична балиқлар ҳам ашайди. Гоат қонхўр бу балиқ фақат Амазонкада эмас, Жанубий Американинг бошқа дарёларида ҳам катта фалокат ҳисобланади. Пираньенинг 18 тури маълум. Уларнинг узунлиги 20 сантиметрга етади, гоҳо-гоҳо 25—30 сантиметрли пираньелар ҳам учраб қолади. Бир қарашда ювошига балиққа ўхшаб кўринади. Бирок уларнинг тишларига кўзингиз тушиши билан дарҳол фикрингиз ўзгаради. Аррасимон тишларинг ишлаб туришини тасаввур этганинг, бу тишлар ҳар қандай ўлжани ҳаракатдаги қайчидек кесиб ташлайди. Пираньенинг ҳид сезиш қобилияти кучли. Шу боисдан улар сувага тушган жониворга тўда бўлиб ёпишадилар. Ва бир-икки дақиқа ўтар-ўтмас қўлга тушган ўлжанинг қоқ суяги қолади холос.

(«За рубежом» газетасидан)

ДЕЛЬФИНЛАРИ

Қайси жонивор қўлларини ҳаракатлантириб учеди, оёғини осмонга қилиб ётади, қулоғи билан кўради! Ҳар қандай мактаб ўқувчиси бу саволга: «Кўршалапақ», деб жавоб беради. Бошқа ҳеч нарсани айтмайди ҳам. Негадир бу безор жониворнинг ёқимли қиёфасига унинг кўрмисиз туррадор юзи, шовқинсиз шиддатли парвози, тўсиқлардан сақлана билмиш қобилияти мос келмайдигандек туюлади. Ҳеч кимга эъён етказмаса ҳам одамлар уни азалдан ёқтирмайдилар. Шу сабабли қадимги адабиёт асарларида у иккиозламачи образи сифатида талқин этилган, афсона ва эртакларда эса ёвуз руҳ тарзида ифодаланган.



Масалан, Камерунда яшовчи африкалик айрим қабилалар ҳозирга қадар кўршалапакни кундуз горларда яшириниб яшайдиган, ўзининг қора ниятини амалга ошириш учун қоронгу кечалардагина ташқарига чиқадиган ёвуз руҳ «ю-ю» деб тасаввур этдилар. Мексикаликларнинг фольклорига эса, кўршалапақлар энг ёвуз махлук сифатида талқин қилинади. Мексиканинг жанубида истиқомат қилувчи майя ҳиндулари афсоналарида шайтон Хикал — маккорлик ва алдамчиликнинг тимсолидир. Антропологлар Хикалнинг тузилиши кўршалапақлар билан бир хилда эканлигини аниқлаганлар.

Нима учун биз кўлқанотлиларни бунчалик ёмон кўраемиз! Бунинг сабаби уларнинг яшаш тарзи бошқа сўтэмизувчиларга ўхшамаганлигидандир. Яъни кўршалапақлардан бошқа сўтэмизувчилар уюлмайдилар ва асосан кундуз ҳаёт кечиради. Бу ҳол олимлар диққатини ҳам жалб этмасдан қоллолади. Биринчи марта италян табиатшуноси Ладзаро Спалланцани XVIII асрда кўршалапақларнинг гайройиб хатти-ҳаракатини ўрганшиш учун жиддий киришди. 1793 йили у



Лекин кўзлари одамнинг қўзидан уни барабар ўтқир.

Кўлқанотлиларнинг овқатга шинавалдалиги ҳам хилма-хил. Улар ичда фақат гулнинг гулчанглиги ва нектари билан озикланадиганлари ҳам бор. Нектар қандга бой, гулчанг эса уни яшаш учун зарур бўлган протеинлар, ёғлар, витаминлар, минерал тузлар билан таъминлайди. Ҳўра кўлқанотлилар, чунончи, ёрқанотлар [катта кўршалапақлар] чинакам йиртқичлардир. Бу қароқчилар қурбақаларга, кемлирувчиларга, қушларга ҳужум қилади. Марказий ва Жанубий Америкада балиқхўр кўршалапақлар яшайди. Улар фақат балиқ овлайди.

Энг ёқимсиз кўлқанотлардан бири ёрқанот-қонсўрувчилардир. Улар ҳам Марказий ва Жанубий Америкада кўп тарқалган. Улар йирик тўёқли ҳайвонларнинг қонини сўради ва бошқа таомни хуш кўрмайдилар.

Кўлқанотлиларнинг энг кўп тури ва энг кўп тарқалгани ҳашоратхўр кўршалапақлар ҳисобланади. Масалан, қорамтир-қулранг кўршалапақ бир соатда мингга яқин ҳашоратни йўқотиши мумкин. Мексиканинг қаққонлаб кўршалапақлари эса фақат Теқс штатининг ўзидан бир йилда яқин бовар қилмайдиган ҳашоратларини — умумий оғирлиги 20 тонна ҳашоратни ютиб юборди.

Энди яна экологияга қайтайлик. Кўршалапақлар табиат тортиқ этган бу нийомсиз на капалак, на пашша, на кўнғиз, на қуш ва на балиқларни тута биларди. Унинг ишлаши қўнғирдак: жонивор учаётиб жуда қўнғир ултраговуш импульслари тарқатади. Унга ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз объектларни акс эттирувчи акс-садо қайтади. Кўршалапақлар миқясиздана шу товуш манзараларини, ов усулларини саралаш ва энг қулайини танлашни, йўналишини ҳай томонга ўзгартиришни, яқинлашган ҳашоратга ҳамла қилишни таҳлил этади ва — нишонга уради! Кўлқанотлилар ўлжаларини асосан қанотлари билан ушлайдилар, сўнгга тил билан яллаб оладилар. Базъан оғиз ҳам бу ишни бажаради.

Ультратовуш орқали ов қилиш — жуда мураккаб иш. Биринчидан ультратовушлар ҳавода тез сўнади. Шу сабабли ов нишонининг энг қулай олислиги 40—60 сантиметр, охириг чегараси бир ярим-икки метрдан ошмаслиги керак. Иккинчидан, кўршалапақ ўнга капалакни бир минутда тутар экан. Бу вақт ичда кўршалапакнинг учини траекториясини кескин ўзгартиб туради: жонивор шўнғийди, ўмбалоқ ошади, тўнтарилди, қанотда сирғанади, умуман, унинг парвоз техникаси танг қолулки! Учинчидан, учини тазлиги соатга 20—30 километр. Ўлжани мўлжалга олиш ва туттишгача ўтган вақт ярим секунддан зиёддор. Яъни сеқунд — оний нигоҳ [оний қулоқ]да мураккаб ҳисоб-киتابни амалга оши-

кўршалапақлар устида тажриба ўтказ та туриб уларнинг кўрлик ҳолатида ҳам ҳеч қандай тўсиққа урилмасдан учмишни аниқлайди. Иккинчи йили женевалик хирург Лум Жюирин кўршалапақлар сирини кашф этди. Маълум бўлишича, агар унинг қулоқлари маҳкам бекитилса, кўлқанотлари бутунлай яроқсиз аҳволга тушаркан.

Спалланцани ўзини Жюирин тадиққотиға ишонмагандай қилиб кўрсатади, лекин яширинча унинг тажрибаларини ҳар йили синая туради. Женевалик ҳамкасби ҳақ экан. Чиндан ҳам кўршалапақлар қулоқлари билан «кўрар экан». Бироқ унинг тажрибалари тўғрисида Спалланцани вафотидан кейин эълон қилинди. Олимлар дунёси бу маълумотларга таъна билан қаради. Бекорларни айтибди! Унда кўршалапақлар кўзи билан эшитар экан-да!!

1920 йилларда товушунослардан бири, кўршалапақлар юксак частотали товуш тарқатади ва кенгликдаги тўсиқлардан қайтган акс-садо хабарлари бўйича парвозда кўзнинг ҳеч қандай хизмати йўқлигини, уларнинг сигналларга таяниб ҳаракат қилишни исботлайдилар. Кўп ўтмай фанда янги термин — экологияча пайдо бўлади.

Мана, иккинчи ўн йилдирки, оддий кўршалапақ экологиянинг бағрида кўз очиб кўрилмаган теранликлар мавжудлиги тадиққ этилаётир. Кўршалапақлар келтириб чиқарётган жумбоқлар ҳали ҳам тугаган эмас.

Кўлқанотлилар Ер шарининг ҳамма жойида бор. Ер юзидаги ҳар ўн сўтэмизувчидан бири кўлқанотлилар лашкарининг вакилидир. Сайёрамизда кўршалапақлар ва кўлқанотли сўтэмизувчилар ўн миллиардлаб топиллади. Улар сўтэмизувчилар ичидан кемлирувчилардан кейин иккинчи ўрнини эгаллайди. Бу улкан армиянинг 2 лашкардоши, 19 олмаси, 174 уруғи, мингга яқин тури ва турдошлари мавжуд. Қандайдир бир оддий горда сон-саноксиз кўршалапақлар жойлашади. Чунончи, Техасдаги Янги горда 15 миллионга қадар кўршалапақ яшайди. Қоронгу тушгач, улар овқат эслаб гордан чиқеди, четдан кузатган кишига, уларнинг гордан кўтарилиши гўё ер остида улкан ёнғин юз бергану ёрқилардан бурқираб чиқаятган тўтунга ўхшайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳамма кўлқанотлилар тунда уксидан чиқармайдилар ёки бемисл «эшитувчани» бўлавермайди. Масалан, тропиқда яшовчи учар тулқилар — захарли жониворлардир. Улар «товуш» орқали ҳашоратларни тутмайдилар. Бу йирик кўлқанотлилар бир қанот ёзшида бир ярим метр жойини қамрайди. Улар экологиядан махрум.

ришми, овининг катта-кичиклигини аниқлаши, ўзининг ҳар бир аъзосига мос — бутун аъзудига буйруқ бериши даркор.

Гап шундаки, кўршалапақлар учмиши товуш майдонига кўра бошқаради: у хилма-хил баландликдан қайтган акс-хабарларни баҳолайди. Майдонда бирон ўлжага ўхшаган товушқиз пайдо бўлган заҳоти сигналлар характери ўзгаради, учувчи оний лаҳзада «кўнғирроқ» қилишига қодир ҳар хил даражадаги экологиянинг энг қўнғир кимлиқларини атрафдаги кенгликка кетма-кет тарқатади. Кўршалапакнинг бир галлик импульсининг узунлиги 0,3 дан то 2 миллисекундгача тебарланади. Орқалидаги вақт жуда қисқалиги туфайли жонивор сигнални кенг майдонда бир пардадан иккинчи пардага алмаштиради: товуш частотасини бутун бир октавага кўтаради ва бемалол тор йўналтирилган товуш тарамдан кенг ҳужум нурига ўтади. Табиийки, қайтиб келган акс-садода хабарлар оқими ниҳоятда зиқ. Ов шароитига қараб кўршалапақ секундига 10 дан тортиб 200 гача ва ундан ҳам кўп мана шундай импульслар юборади. Ҳашоратлар эса, бунақа тазлиқда қочиб улгуролмайди.

Бизнинг техник асримизда кўршалапақка қиёс топиш қийин эмас. У радиолокатор ҳамда борт электрон қисбоблаш машинаси билан жиҳозланган, ҳар қандай об-ҳавода уча оладиган кирувчи-тутувчи самолётга ўхшайди.

Шундай сивов ўтказилди. Силлардан тузилган, кирган нарса адашиб қоладиган чалкаш маконга кўршалапақ кўйиб юборилди. Жонивор эса қанотларини симга ҳеч бир тегизмай ўчди. Такрор ва яна такрор ўчди... Кейин сим олиб қўйилди. Унинг ўрнига фотоэлектрик қурилмадан кўзга кўринмас ниғичка нур таралди. Кўршалапақ чалкаш макон бўйлаб тағин ўчди! У барча айланши ва бурилишларини аниқ қайтарди.

Сивовчилар ҳавода учаётган қорамтир-қулранг кўршалапақ туррига ҳар хил шаклдаги металл ёки пластмасса парчалари юмилга чувалчанг солиб отишди. Кўршалапақ табиатда бундай ҳодисаларни учратмасда-у, ўзининг рўпарасига сочилган қўқим орасидан чувалчангини қийналмай топа билди.

Кўршалапақлар товушлар денгизда ҳам бўлади. Акс-садо уларда кўриши, ҳис этиши, қандайдир маълум даражада ҳид сезиши ўринини босади. Одамлар учун шуниси яхшики, кўлқанотлиларнинг атраф-муҳит билан «суҳбати» ультратовуш диапазонида ўтади. Йўқса биз кар бўлиб қолардик... Товушуносларнинг аниқлашчак, қорамтир-қулранг кўршалапақ тарқатган ва унинг оғзидан қотиб қолган товуш сивовчидан бир неча метр нарида урилган болга шовқинидан 20 марта кучлироқ экан. Айрим тропик кўршалапақ турлари жуда секин гаплашади, «швирилайди», бироқ шундайлари ҳам борки, қорамтир-қулранг кўршалапақка нисбатан ўч марта қаттиқроқ бақиради. Ҳатто базъин бир кўлқанотлилар импульсини баландлиги 145 децибел, яъни учинга қолганган реактив самолётнинг шовқини билан тенг, демакдир.

Биологлар кўршалапақларни, бир табиатшуносининг образли қилиб айтишича, «туниг осмон дельфинларини» синчиқлаб ўрганаёттирлар. Бу образли номлашда фақат товуш нигоҳининг ўхшашлиги назарда тутилмаггани йўқ, балки кўлқанотлиларнинг одатдан ташқари ақлий қобилиятига ҳам ишора қилинаётир. Олимлар, кўршалапақлар хатти-ҳаракатини кузатиш гоят муҳим жумбоқларни ечишга қўмаклашади, деб умид билдиришмоқдалар. Кўршалапақларнинг миқяс сезги аъзоларидан келадиган хабарларни қандай ишлаб чиқеди ва улардан қандай фойдаланади! Бу саволга жавоб топиш охирикўбатда инсон миқясининг ишлашини аниқлаш имкониятини ҳам яратади.



ИНСОН ЎЗ ГАВДАСИНИНГ МЕЪМОРИ

СССР Савдо министрлигига қарашли Савдо ходимлари раҳбарлари ва мутахассислари малакасини ошириш институтининг Тошкент филиали директори, Республика теннис федерацияси аъзоси **ГАФУР ГИЁСОВИЧ ЮСУПОВ** билан суҳбат.

— Ҳурматли Гафур Гиёсович, сиз узоқ йиллар муҳим ҳамда масъул вазифаларда ишлагансиз. Лекин ҳамма вақт спорт сизнинг ҳамроҳингиз бўлган, спорт билан мунтазам шуғуллангансиз. Айтинг-чи, спортга нега бунчалик қизиққансиз, у билан шуғулланишга қандай вақт топгансиз?

— Ҳаётни севган, яшашга қизиққан киши спортга ҳам кўнгли қўйиши табиий. Чунки спорт, жисмоний ҳаракат — яшаш демокдир. Айтишларича, машҳур шоир Пахлавон Маҳмуд одамларга қарата шундай деган экан: «Мен елкамда гулларнинг гулбаргларини кўтариб қарчадним, уларни харсанглр билан алмаштиринг, елкам қонга бўлса ҳам майли, зеро таним соғлом бўлади... Осмонга қаранг, осмонга: юлдузлар ҳаракатда, ой ҳаракатда, сиз ҳам ҳаракат қилинг!». Бу сўзларнинг маъноси теран. Замонавий тил билан тушунтирганда, бу сўзлар мунтазам суратда спорт билан шуғулланишга чақирқидир.

Мен спортни бир нарсага қиёсламоқчиман. Маълумки, шаҳар архитекторлари, яъни шаҳарсоз меъморлар кишиларни ҳайрон қолдирувчи лойиҳалар тузиб, чиройли ва гўзал бинолар, ҳашаматли иншоотлар қуришга ҳаракат қиладилар. Шаҳарнинг маълум бир майдони ёки бўлагини эмас, тўлалигича, бутунисича гўзал қилиш учун курашадилар. Худди шунингдек, инсон ҳам ўз гавдасининг меъморидир. Меъморлар шаҳарни турли лойиҳа ва қурилиш материаллари ҳамда ишчи кучи орқали безаса, киши спортнинг хилма-хил турлари билан шуғулланиш орқали ўз гавдасига чирой беради. Инсон ҳам ўз гавдасини бутунисича гўзал қилишга, баданини чиниқтиришга, доимо соғлом юришга уриши керак. Бунинг учун бўйин бўғинларидан тортиб, қўл ва оёқ бармоқларигача машқ эттириш лозим.

Масалан, мен ҳар кун эрталаб 300—350 хил ҳаракатни машқ қиламан.

Вақт масаласи... Тўғриси, вақт ўзимизнинг қўлимизда. Фақат ундан ўз ўрнида ва унумли фойдаланиш зарур. Зеро, вақтим йўқ деб, вақтини шамолга соураётганлар оз эмас. Вақтдан бундай ноўрин фойдаланаётганлар жамият олдиди ҳам гуноҳдор ҳисобланадилар. Шу сабабли вақтни тежаш, вақтни ўз манфаатига бўйсундириш ҳар бир кишининг вазифасидир. Чунончи, мен шуғулланаётган Тошкент шаҳридаги диспансер ҳузурида ташкил этилган соғлиқни сақлаш гуруҳларида 700 дан зиёд киши спорт билан шуғулланадилар. Уларнинг ҳаммаси ҳам машғулот олиб бориладиган жойга эрталаб соат олти яримда етиб келдилар. Шахсан ўзим бу даргоҳга 17 йилдан буён қатнайман. Уйкудан тонги соат 5,5 да уйғониб, эрталабки бадан тарбияни уйда қилиб, кейин машқ майдонига бораман. Бу

менинг учун одат тусига кириб қолган. Кўришиб турибдики, эрталаб соат 5,5 да турган киши иш вақтигача жуда кўп ишлари бажаришга улгуради. Агар кишида кунт етишмай, эричқочлик устун келса, спорт майдонларига бориб машғулот ўтказиш у ёқда турсин, ҳатто оддий уйда бажариладиган эрталабки бадан тарбияга ҳам вақт тополмайди. Кейин вақт етишмаслигидан нолиб ҳам юради. Мен бундай кишиларга қарата: «Ҳой, ўртоқ, ўзингни-ўзинг алдама, вақтинг қўлингдан! Вақтингни тежаш, умрингни узайтир!», дегим келади.

— Жуда тўғри айтдингиз, Гафур Гиёсович. Вақтимиз ҳам, гавдалимиз гўзаллиги ҳам ўз қўлимизда. Спорт билан шуғулланган кишиларнинг қоматлари тик, келишган ҳаракатлари ҳавас қилғулик бўлади. Шу билан бирга, спортнинг Ватанимиз кудрати ҳамда бойлигини оширишдаги аҳамияти бағоят юксакдир. Шунинг учун партия ва ҳукуматимиз физикўлтура ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, кенг оммавий шуғулланиш учун махсус майдонлар, комплекс спорт иншоотлари қуриш борасида доимий ғамхўрлик кўрсатаётирлар. Шу боис сиз оммавий спортни жонлантиришнинг аҳамияти ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

— Кишининг соғлигига, умрининг узайишига фойда келтирган спорт, шак-шубҳасиз, жамият учун ҳам кони фойда. Ахир ҳар бир киши жамиятнинг актив ва ажралмас аъзосидир. Спорт кишининг соғлигини мустаҳкамлар экан, демак, унинг иш унумдорлиги ҳам ошади. Уртоқ Л. И. Буржнев сўзи билан айтганда, Ватан тақдири албатта, унинг жисмоний бақувват, соғлом, қаққон ва чиниққан фарзандларига боғлиқ. Шундай экан, сўзсиз, бунда ҳам спортнинг хизмати катта. Спортнинг оммавийлиги учун курашиш ҳар бир совет гражданининг бурчидир. Зеро, бизнинг мамлакатимизда спортнинг барча турларидан фойдаланиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Республикаимизда ҳам физикўлтура ва спортни кучайтиришга мунтазам равишда эътибор берилаётир. Айниқса, пионер, комсомол ташкилотлари, маорифчиларимиз мактаб ёшларидан спортнинг барча тури бўйича йилдан-йилга янги спортчилар отрядини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Урта махсус таълим ва олий ўқув юртларида спортни кучайтириш билан бир қаторда спорт мастерлари тайёрлашга ҳам киришилаётир.

Умуман, республикаимизда физикўлтура ва спортнинг барча турлари бўйича бир мунча муваффақиятларни қўлга киритганимиз. Лекин бу эришилган ютуқлар бизга мезон бўлмайди. Менимча, физикўлтура ва спорт тарбиясини болалар боғчасидан бошлаб синдириб бормоғимиз зарур.

— Гафур Гиёсович, бизнинг билим-

шимизча, сиз спортнинг теннис турига гоят қизиқасиз. Ун икки йил давомида Республика теннис федерацияси раиси бўлиб келгансиз. Ҳозир ҳам шу федерациянинг аъзосиниз. Айтинг-чи, теннис ўйнашнинг киши соғлигига қандай таъсири бор?

— Менга қолса, спортнинг бу ажойиб турини — теннисни инсон саломатлигининг энг содиқ посбони дер эдим. Негаки, теннис ўйнаган чоғда кишининг бутун аъзоси, баданни ҳаракатга келади. Агар эътибор берган бўлсангиз, теннисчи ўйин давомида олдинга, орқага, ўнга, чапга тинимсиз чопади. Энгашади, тик туради, чалқаяди, ҳар тарафига чўзилади. Бўйин ҳам, қўли ҳам, кўзи ҳам ҳаракатда. Бу ўйиндан киши жисмоний жиҳатдангина эмас, балки руҳий жиҳатдан ҳам ҳаловат олади, кейфийати кўтарилади.

Энди республикаимизда теннис соҳасида олиб борилаётган ишларга келсак, анчагина ютуқлар қўлга киритилди. Тошкент шаҳрида «Динамо» жамияти спортнинг бу гўзал тури бўйича ажойиб базага эга. Тошкент Маданият институтида улкан теннис иншооти қурилган. Олимпиада резервлари тайёрлайдиган теннис мактаби ҳам худди шу ерда ташкил этилган. Бу стадионда Бутуниттфок ҳамда республика мусобақалари ўтказилиб турилади. Шуниси диққатга манзурки, пойтахтимиздаги ташаббус республикаимиз район ва колхозларига ҳам ёйлиб бораётир. Чунончи, Пахтачи райониди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамис Назаров бошлиқ «Коммунизм» колхозида теннис комплекси қурилди. Бу комплекс колхозчилар ҳаётида катта-янглик бўлиб, уларнинг иш унумини ва руҳий қувватини оширишда сезиларли ҳисса қўшаётир.

Республикаимиз теннис спорти турини кучайтириш учун партия ва ҳукуматимиз алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикаимизда спортнинг теннис турини кучайтириш тўғрисида 1981 йил апрелда чиқарган махсус қарори фикримизнинг далилидир. Қарорини


амалга ошириш учун жойларда қора ва тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Илгаригига нисбатан спортнинг бу соҳасидаги ишлар анча жонланди. Ҳамма область марказларида теннис комплекслари қурилаётир.

Лекин шунинг ҳам айтиш керакки, бу имкониятлардан фойдаланишда кўпгина қийинчиликларга дуч келинмоқда. Масалан, район марказларида, касалхоналарда, муассасаларда, колхоз ва совхоз марказларида маълум ажратилиб, теннис кордлари фойдаланишга топширилади. Бироқ теннис кордини ишлаш ва қизиқувчиларга бу спорт турини ўргатиш учун тренерлар етишмайди. Бу борада Тошкент Физикўлтура институтининг имкониятлари чегараланган. Бу мушкулликни бартараф этишда айрим имкониятлардан фойдаланишга ёмон бўлмас эди. Жумладан, «Динамо» жамиятининг теннис комплекс иншооти Тошкент Маданият институти билан ёнма-ён. Агар бирон тадбир ишлаб чиқилиб, Маданият институти студентлари теннис ўрганишга жалб этилса ва то институти битиргунларича улардан теннис тренералиги бўйича ҳам мутахассис тайёрланса, нур устига аъло нур бўларди. Бу ишга Ўзбекистон ССР Физикўлтура ва спорт комитети ҳам бош қўшса арзирди.

— Гафур Гиёсович, самийи суҳбатингиз учун раҳмат! Маълумки, журнализмнинг ушбу сони журналхонларга янги йилнинг бошида етиб боради. Шу муносабат билан уларга янги йилда қандай тилакларингиз бор?

— Авваламбор журналхонларини кириб келётган янги 1983 йил билан чин дилдан табриклайман. Спорт соҳасида, айниқса унинг теннис тури бўйича янги йилда янгидан-янги муваффақиятлар қўлга киритилсин. Спортдан танига куч-қувват олган коммунизмнинг актив қурувчилари республикамизнинг меҳнат фронтнда зафар байроғини янада баланд кўтараверсинлар!

Суҳбатни Э. МУҲАМЕДОВ ёзиб олган



Айниқса меҳрибонлик.



Бир анонимчи Афандининг эшигига «ивогоар» деб ёзиб кетди.
 Эртасига Афанди уни чойхонада учратиб сўради:
 — Кеча бизникига борган экансиз-да, мулла!
 — Қаёқдан билдингиз? — деди анонимчи ҳайрон бўлиб.
 — Эшигимга номингизни ёзиб кетган экансиз...
 * * *

— Аҳмоқ сотилади!
 — Унда, нарҳинг неча пул? — деди Афанди чўнтагини ковлаб.
 * * *

Афанди ёнбошлаб газета кўраётган эди, тўсатдан эшик очилиб, сочи елкасига тушган, соқол, мурти ўсиб кетган новча йигит кириб келди. Йигит қўлини кўтариб «салют!»— деди-да Афандига мурожаат қилди:
 — Бобой, шалтёй-балтёй керак эмас, гап битта, қизингизнинг қўлини сўраб келдим.
 Афанди андишасиз йигитнинг юзига қарамай, жаҳл билан деди:
 — Сенга қизимнинг қўли туғул, тирноғини ҳам бермайман, жўна, олифта!
 И. АБДУЛЛА

Афанди иттифоқо олиб сотарлар бозорига кириб қолди. Қўлидаги хотинлар кўйлагини мақтаб турган барзанги йигитга кўзи тушиб сўради:
 — Уғлим, бу ерда яна нималар сотилади?
 Йигит содда кийинган Афандини калака қилиш учун тиржайиб, жавоб берди:

Уллибиби ОТАЕВА

БЕПАРВОЛИК


— Сен шоирсан — дедилар унга,
 — Ҳўш, не бўпти — деди бепарво.

Лекин гурур тугиб кўнглига Юрди ўз-ўзига маҳлиё.
 — Сен шоирсан, шоирлигингча Қолмоқлигинг керак — дедилар. У бепарво бўлса ҳам, унга — Одамлар бепарво эмасдилар. У маст юрди, бу такаллуфлар — Кимларнингдир қайғуришидан... Уйламади бу юриш уни, Айришини ширин тушидан, — Шоир эдинг, — дедилар бир кун.

— Нима! — деди совуқ сесканиб. Хайриятки фақат бу сўзни, Шу бир сўзни айтди у аниб, Ва ёқадан олди туюқиб:
 — Сиз мухлислар, бевафо — деди.


Энди унинг бу фарёдига Ҳамма-ҳамма бепарво эди.

Урганч



— Хотинижон, Янги йилни бола-лар билан кутаверинглар, мен... бү-гун навбатчи эканман...

ЯНГИ ЙИЛНИ КУТАЁТГАНДА



— Энди, ўртоқлар тўртинчи квартал планининг кўрсаткичлари ҳақида атиги ўн беш минутгина сўз-лаб беришга руҳсат этгайсиз...

Сурнай билан ноғора

(МАСАЛ)

Тонг чоғи бир тўйда Ноғора,
 Сурнай — Овози борича чалинди тинмай.

Дам олиш пайтида Ноғора полвон,
 Сурнайга сўз қотди; — Тўхта, эй нодон,

Сур Най дейишмаскан сени бекорга,
 Пуфлашиб туришса, сен эътиборда —

Йўқса, чиқмас экан асло овозинг,
 Энди авен бўлди ҳурмат-эъозинг!

Уйланиб ўтирмай Сурнай ҳам шу тоб,
 Дустининг сўзига қайтарди жавоб:

— Узинг-чи, таёқ еб ўтар ҳар кунинг,
 Гар калтақ емасанг чиқмайди унинг.


«Аввал боқ ўзингга, сўнг ноғора қоқ —
 Деган бир нақлни унутма, ўртоқ».

Нусрат АБДУСАЛОМОВ



— Бурнини нега олиб ҳоқдинг,
 узун кўлоқ!

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган



Изоҳнинг ҳождати йўқ.

УКРАИН ЮМОРИ

ЭР: Биласанми, хотин, туя саққиз кун ишласа ҳам ҳоҷнарса ичмас экан.
 ХОТИН: Ҳа, мен саққиз кун ичиб, сира ишламайдиган ТУЯНИ ҳам биламан.
 * * *

Микола товуқларни ҳайдаб, ба-қирди:
 — Киш, киш, итга ем бўлгурлар! Утиб кетаётган поп унинг қарғи-шини эшитиб деди:
 — Худонинг паррандасига шундай деб бўладими, бўта! Жўнгина: «Попга ем бўлгурлар» десанг бўл-майдимми!
 Микола эртасига кўчада кетаётган эди, бир тўда итлар унга ташланиб қолди. Шунда Микола итларга ба-қирди:
 — Кет-е, попга ем бўлгурлар!



ёшида мастерликка номзод, 13 ёшида ўсмирлар ўртасида СССРнинг икки марта чемпиони, 14 ёшида энг ёш СССР спорт мастери, 17 ёшида эса халқаро гроссмейстер бўлиш ҳазил гапми! 1980 йилда эса у ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Шу йилнинг ўзида СССР терма командаси составида Мальтада ўтказилган шахмат Олимпиадасининг голиби ҳам бўлди. Бу орада ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб, институтга киришга муваффақ бўлди.


1981 йилда Г. Каспаров ГФРда ўтказилган ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги турнирининг голиби, СССР чемпионатида эса Л. Псахис билан биринчи ва иккинчи ўринларни бўлишиб олди.

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ нинг қарорига биноан Г. Каспаровга бирданги зоналараро турнирда қатнашиш учун йўланма берилди. Мамлакат терма командалари матчи — турнирида, ёшлар ўртасида жаҳон команда биринчилиги мусобақаларида Каспаров юқори натижаларга эришди. Югославиянинг Бугайно шаҳрида ўтказилган турнирда голиблигини қўлга киритди. Турнирларда эришган муваффақиятлари учун Каспаров, рейтинг бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Г. Каспаровда ҳақиқий шахмат таланти ва туғма қобилияти бор. Лекин бари бир меҳнатсеварлик ва шахматга чексиз садоқат бўлмаганда биринчи катта зафарларга эришиш қийин эди. Хар куни ўнлаб шахмат партияларини кўриб чиқиш, катта миқдордаги информацияларни қабул қилиш, турнирларда иштирок этиш ва олий ўқув юрти программасини ўзлаштириб бориш, шубҳасиз, кишидан жуда кучли ирода, меҳнатсеварлик талаб қилади.

Г. Каспаров собиқ жаҳон чемпиони М. М. Ботвинникни устозим деб ҳисоблайди. У ўн ёшидан бошлаб, М. М. Ботвинник раҳбарлик қилган сиртки шахмат мактаби машғулларида иштирок этган. М. М. Ботвинник томонидан ишлаб чиқилган машғулот системаси Каспаров истеъдодини такомиллаштира борди. М. М. Ботвинник у ҳақда шундай дейди: «Мултақ гармоник ўйин услубини Алехин эгаллаган эди, Каспаров ҳам «алехинча» ўйин услубини эгаллаб йўлидан бораётди. Қизғин шундан, ёш Алехин билан Каспаровнинг камчиликлари ҳам ўхшаб, Иккаласи ҳам ўткир комбинацион қарашга эга. Лекин Алехиннинг ёшлигида позицияни ўйин кучсизроқ эди, бу ҳол 19 ёшли боқуликка ҳам хос».

Оллоназар АШУРҚУЛОВ



«ИЖОД СОҲИБЛАРИ» КРОССВОРДИ

1. Ўрта аср тилшунос олими, «Девону луготит турк» асари муаллифи.
2. XIII асрда яшаб ижод этган ўрта осийлик буюк шоир, олим. 3. Ўзбек классик шоири, «Қисса Сайфулмулу» ишқий-саргузашт достони муаллифи.
4. Ўзбек шоири ва хаттоти, «Раъно ва Зебо» достони муаллифи.
5. Алишер Навоийга замонадош машҳур тарихчи, мутафаккир.
6. Ўзбек классик шоири, олим, аллома, давлат арбоби.
7. Жаҳон таъбаотининг отаси, қомусий олим.
8. Атоқли ҳинд адаби, жамоат арбоби.
9. Буюк ўзбек актёри, СССР халқ артисти.
10. Ўзбек классик рассоми, миниатюра санъатининг отаси.
11. XVIII аср рус классик шоири.
12. Ўрта осийлик астроном ва математик олим.
13. XVIII аср рус классик шоираси.
14. Озарбайжон классик шоири, олим.
15. «Қобуснома» асари муаллифи, давлат арбоби.
16. Рассом, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, тарихий мавзудаги асарлар муаллифи.
17. Нисбийлик назариясини қўшқ этган олим.
18. Хоразмлик машҳур ўзбек классик шоири.
19. Музика илми ва амалиётига оид асарлар ёзган ўрта аср бастакори, шоир.
20. Ўрта осийлик математик олим, астроном.
21. Қадимги турк уруғларидан (550 й.) бирининг бошлиғи.
22. Рус классик ёзувчиси, ҳикоятнавис.
23. Машҳур астроном, Улугбеининг шогирди.
24. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида ижод қилган ўзбек шоири.
25. Шарқда «Ҳосиб» (математик) деган тахаллус билан шуҳрат қозонган олим.
26. Буюк адиб, ўзбек совет адабиёти асосчиларидан бири, тожик совет адабиёти асосчиси.
27. Математика фанининг ўрта осийлик қўши.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

1982 ЙИЛ 12-СОНДА БОСИЛГАН «ЙИЛЛАР» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1—1939. 2—1951. 3—1949. 4—1944. 5—1934. 6—1941. 7—1966. 8—1968. 9—1972. 10—1974. 11—1956. 12—1965.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Ислайдин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНҲУЖАЕВ.

«Гулстон» — ежесечный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлими ва санъат бўлими — 33-36-59; адабиёт — 33-36-02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмаҳонага туширилди 18.11.82 й. Босишга рухсат этилди 28.12.82 й. Р — 07579. Қўроғ 70×108¹/₈. Вотиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,8. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 248710. Вуорорта № 4577. Нашр В — 109.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. 700000. Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ҳамда Қаҳрамон она Дурдипошшо ЕҚУБОВА (Фозил Зоҳидовнинг «Қаҳрамон она, Меҳнат қаҳрамони яна» очеркини ўқинг, 7-бет).

Н. Шарипов фотоси

Иккинчи бет: 1. Совет Туркистон вакиллари В. И. Ленин ҳузурда (Рассом В. Нечаев чизган график). 2. Рассом В. Евенко чизган плакат. 3. Рассом М. Громико чизган плакат.

Учинчи бет: Меҳрибон кўзлар.

Р. Жуманиёзов фототюди

Тўртинчи бет: 1. Тоққа чиқмасанг дўлона қайда? 2. Чимён манзараси. 3. Оқтош кузи.

Н. Шарипов фотолари

Бу сонда «Литературная газета» ва «Вокруг света» журналларининг айрим материалларидан фойдаланилди.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулстон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.



1

2



3

